



Вал-Фажр

Мұхаммад Солих


Муҳаммад Солих

Вал-Фажр

(Шеърлар)

I

2013



Муаллиф ҳақида

*"Мен сизни Ватан учун ўлишига даъват қилаётганим йўқ,
сизни Ватан учун яшашига чақирияпман.
Ватан учун яшаши - унинг учун ўлишидан кўрқмасликдир"*
Муҳаммад Солих

Горбачев бошлаб берган "Перестройка" даврида сиёсатта кирган Муҳаммад Солих мансуб бўлган ижтимоий груп - ёзувчилар сиёсат бобида тажрибасиз эдилар. Улар сиёсий ўйинларни билмас ва тез-тез пихини ёрган коммунистларнинг тузогига тушардилар. Муҳаммад Солих "Бирлик" ҳаракатини ташкил эттандарнинг бошида келади. Ҳаракат курилаётган пайтда тан олинган антикоммунист бўлган бу кишининг атрофини коммунистлар ўраб олган эди.

Муҳаммад Солих коммунистларни йўқ қилиш тарафдори эмасди. Ву хусусда нутқ қилиб, "коммунистлар алоҳида бир ирқ эмас, улар бизнинг оға-иниларимиз, опа-сингилларимиздир, биз улар билан бирга ўлкамизнинг мустакиллиги учун курашмогимиз керак", деганди.

Аммо КГБ мустакиллик тарафдори бўлган бу миллий шуурни обрўсизлантириш учун аллакачон ҳаракатга кечган эди. КГБнинг бу кампанияси Муҳаммад Солихга қарши ёзилган "Двойной стандарт честного Мухаммада" (15 декабря, 1988 г, "Правда Востока") мақоласи билан машру холга келди. Маколада Солих "Нью Йорк Таймс" газетасига берган интервюсида пахта монокултураси ва Москванинг ерли ҳалқларга қарши мустамлака сиёсати ҳақидаги фикрлари учун қаттиқ қоралаганди.

Нью Йорк Таймс шундай деб ёзи: "Ўзбек ёзувчилари, иқтисодчилар ва маъмурлардан ташкил топган кичик бир груп, Ўзбекистоннинг Москва учун бир пахта плантацияси эканлиги масаласини кўтардилар. Шоир ва Ёзувчилар Ююшмаси секретари Муҳаммад Солих бизга шундай деди: Фожса Сталиннинг мамлакатни пахта мустакиллиги билан таъминлаш гоясидан бошланди. Бу пахта мустакиллиги Ўзбекистон учун ҳақиқий қулликка айланди." (The New York Times, 06.11.1988, Bill Keller)

1988 йилда бундай фикрларни айтиш уни айтган одам учун таҳликали саналарди.

Муҳаммад Солихнинг шу сўзларига эътибор беринг: "Мен машҳур бўлиши учун сиёсатга кирмадим. Аксинча, машҳур бўлганим учун сиёсатга киришига мажбур бўлдим. Ҳеч қаён ҳеч ким билан рақобат, мусобақа қилмадим, ҳамиша Оллоҳнинг менга ёзган тақдиридан миннатдор бўлдим. Рақобат, ҳасад бечора ва инончсиз инсонларнинг қисматидир. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, камина бу дунёда нима қилишини ва нима учун

қилишини доим билди. Ва ўзимнинг қилаётган ишимни ҳеч қачон иккинчи даражали иш деб ҳисобламадим. Шеър ёзган пайтларимда мен учун шеърият дунёда энг муҳим ва энг олий маслак эди. Энди сиёсат ҳақида шундай фикрдаман. Сиёсатни "фоҳишалик" деб атаб, яна ўша сиёсат билан шугулланишида давом этган сиёсатчилардан нафратланаман. Ағуски, бундай цинизм собиқ совет ўлкаларининг сиёсий элитаси ичидаги тобора ёйгинашмоқда. Империянинг оғир босимидан күтилмаганды, дағғатан күтилган бу сиёсатчилар акыл ва вижедон мувозанатини ўйқотиб кўйдилар. Улар күтилмаганды бошлирига қўнгган озодлик қушигининг хўши бўйларидан сарҳуша бўлдилар, масту-аласт бўлдилар. Ва ўз халқларига қарши жиноят ишлай бошлидилар ..." (Мухаммад Солих, "Отряхнув с души пыль", Эмигрантское издание «Центральная Азия», 1996 год, Щвеция)

Мухаммад Солих шундай дейди: "1992 йил августидан то 1993 йил баҳоригача КГБ тарафидан давомли кузатув остида яшадим ва деярли ҳеч бир фаолият кўрсатолмадим. Газеталаримизни чиқищдан тўхтатгандилар. Халқ билан учрашувга йўл кўйишмас, борган жойимизда провокатсиялар уюштириб, жанжал чиқаришарди".

1993 йил феврал ойида Бахтиёр Исобекнинг "Эрк йўлида" деган китоби босилиб чиқди. Чет элда босилган бу китобнинг бир неча юз нусҳаси Тошкентда тарқатилди. Китоб "Эрк" партиясининг қисқача таржимаи ҳолини баён қиласди. 1993 йил апрел ойининг бошида ўша китоб учун Мухаммад Солихни хибсга олишди.

"Йўлнома" китобида ёзилишича, Мухаммад Солихни Ички ишлар Вазири сухбатга чакиради, Вазир Алматов баъзи одамларнинг чақимчилиги туфайли ҳукумат Мухаммад Солих ҳақда ёмон фикрга бораётганини айтади. Агар вақтингиз бўлса, пастда шахар прокурори Жўраев ўтириби, унинг баъзи саволларига жавоб бериб кетсангиз яхши бўлади, дейди. Солих пастга тушади, у ерда Прокурор Жўраев сўргидан кейин, кечаси соат бирда, Мухаммад Солихни ички ишлар Вазирлигининг бутун Советлар Иттифоқига донғи кетган ертўласига туширадилар... Ертулада тўрт кун қолди. Тўртинчи кун, чет эл жамоатчилиги тазиёки остида Солихни ертўладан чиқаришади.

Солих атрофидаги исканжа ҳалкаси тобора тораймокда эди....

Америкалик тадқиқотчи Руф Диблер шундай деб ёзади: "1993 йил марта Мухаммад Солих яширин тарзда Қозогистонга йўл олди ва у ерда ўзининг «Давлат сирлари» памфлётлар китобини чоп этди. Тошкентта қайтгач, «жойидан жилмаслик» ҳақидаги тилхатини бузганлиги учун устидан яна битта жиноий иш кўзгатилганидан хабардор бўлди.

«Аввал Туркия (1993), сўнгра Германияга (1994) кувғин қилинган Солих «Нурафшон кунлар сари» номли машҳур чиқишлиаридан бирида ҳалқни озод яшаб, хур фикрлашга чакиаркан, нурафшон кунлар, Ўзбекистон хур ва демократик бўлишига умид билан яшаш керак дейди...

Хиёбоннинг тўрида танҳо ва мағур, ўз хаёллари билан банд яшаётган ҳайкал мисол, Солиҳ ҳам шуҳрат ва машхурлик мевасини татиб кўрди... Аммо бугун у ёлғиз ва қувғиндадир. (*Ruth Diebler Literature and Politics: Mohammed Salih and Political Change in Uzbekistan From 1979 to 1995*, Indiana University, Bloomington – 1996)

Мухожирлик

Мұхаммад Солиҳнинг Истанбулга келиши билан ҳукумат тарафидан тақиқланган "Эрк" газетаси янгидан босила бошлади. Айни пайтда М. Солиҳнинг "Ойдинлик сари", "Этиқоднинг чорраҳаси бўлмайди" китоблари ҳам Истанбулда дунё юзини кўрди.

1994 йилнинг феврал ойидан бошлаб "Эрк" газети Ўзбекистоннинг шаҳарларида тарқатила бошлади.

Туркияда эса, Истанбул, Бурса ва Анқара шаҳарларида ўқиётган ўзбек талабалари мухолифат нашрларида фаол иштирок этдилар. Эрк партияси лидернинг бундай қизгин фаолияти президент Каримовни ташвишга соди ва у Солиҳнинг Туркиядан хайдаб чиқарилишини талаб кила бошлади.

Турк ҳукумати 1994 йил октябрда Солиҳ Германияга чиқиб кетишга мажбур килди.

1995 йилнинг феврал ойида Солиҳ Америка Кўшма Штатларининг "Миллий Демократия Институти" тарафидан ташкил қилинган, ўзбек мухолифати ва ҳукумати масалаларига бағишлиланган семинар-конференцияга катнашди. Семинарда ўзбек ҳукумати номидан Адлия министри А. Мардиев катнашди. Семинар "Бирлик"чи Пўлатовнинг жанжали билан бузилди. Мухолифатнинг яқдил эмаслигидан фойдаланган ҳукумат Ўзбекистон ичida мухолифатга қарши коралаш кампаниясини кучайтириди. Эрк партияси биринчи марта "давлат тўнтариши" тайёрлаганликда айбланди.

"Давлат тўнтарувчилар" 1994 йил октябрда "ушланди". Булар 11 та ёш йигитдан иборат «лашкар» эди. Улар аслида, 2-3 кишилик гурухлар шаклида "Эрк" газетасининг Истанбулда нашр қилинган нусхаларини Тошкентга олиб бораётганда кўлга тушгандилар. КГБ уларга "Туркияда партизан ҳаракатига ўргатилдик," деб айтасан, деган шарт қўйди ва улар "бизни Истанбулда каратэга ўргатишди", деб, камоқдан кутулдилар. Ҳатто баъзилари милицияга ишга қабул қилинди. 1996 йилда Туркияning Миллиятчи ҳаракат Партияси лидери, машхур сиёсатчи Алпарслон Туркаш Мұхаммад Солиҳни Каримов билан ярашириш ташаббусини кўтарди. Аммо Каримов Туркашнинг хатига "Солиҳ Ўзбекистонга келмоқчи бўлса, ҳокимиятга даъво қилмай келсин", деган мазмунда жавоб ёзди ва диалог эшигини ёпиб қўйди.

1997 йил Мұхаммад Солиҳ Франкфуртдан Истанбулга келди. Истанбулда унинг оиласи яшарди.

Каримовнинг Анқара сафари олдидан, 1997 йилнинг ноябр ойида Туркия ҳукумати Солихни Туркиядан Булғористонга чиқарди. Аммо Солих Софияда бир ой қолиб, яна Истанбулга келди. Ва 1998 март ойида Мухаммад Солих Руминияга сургун қилинди. У ерда бир ойча қолиб, Солих Украина пойтахти Киевга келди. "Рұх" ҳаракати лидери Чорновил билан кўришди, ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

1998 йил июл ойида Базел шаҳри мәрияси таклифи билан Швейцария кетди ва у ерда З ой давомида "Йўлнома" китобини ёзib битирди. Сентябр ойида яна Туркияга қайтди.

1998 йил ноябр ойида Бакуда Абулфайз Элчибей билан учраши, у ердан Москвага борди. Таниқли сиёсатчи генерал Александр Лебед билан кўришди.

1999 йил 16 февралда Тошкент марказида портлашлар юз берди. Бунда, диний экстремистлар қаторида, Мухаммад Солих ҳам айбланди. Бу тухматга қарши Солих ўзининг "Ёлғон жодуси" маколасини ёзди, унда ҳаммадан аввал бу портлашларни ҳукуматнинг ўзи уюштирган бўлиши мумкинligини тахмин қилди. Кейин шундай бўлиб ҳам чиқди. Мухаммад Солихга қарши кўрсатма берган Зайнiddин Аскarov Ички Ишлар Вазири Алматовнинг талаби ва тазикии билан "портлашларни Мухаммад Солих килган бўлиши мумкин" деб тухмат қилганини тан олди, бунинг учун ўзбек халқидан ва Солихдан журналистлар гувоҳлигида узр сўради.

Бу тухматга қарши дунёнинг виждонли зиёлилари очик норозилик билдирилар. Мухаммад Солих ҳимоясига ёзилган мактубга Русиянинг жамоат арбобларидан Людмила Алексеева, Белла Ахмадуллина, Елена Боннэр, Лариса Богараз, Сергей Ковалев, Андрей Битов, Фазил Искандер, Константин Боровой, Александр Ткаченколар қаторида жуда кўп депутатлар имзо чекди. Озарбойжондан 12 та сиёсий партия лидери, ораларида Абулфаз Елчибей, Иса Қамбар каби таниқли арбоблар ҳам дунё жамоатчилигига бир мурожаат ёзиб, Солихни ҳимоя қилдилар. Украин сиёсатчилар ҳам Солихни унутмадилар. Верховная Раданинг 36 депутати Мухаммад Солих сиймосида Ўзбекистонда инсон ҳаклари ва демократияни ҳимоя қилдилар. Мурожатта имзо чекканлар қаторида Крим турклари лидерлари Мустафо Жамил и Руфат Чубароғлу бор эди. Бу ишда Абдуфаттоҳ Маннопов, Виталий Пономарев каби инсон ҳукуклари ҳимоячилари ҳам катта фидоийлик кўрсатдилар.

Портлашлар баҳонасида Ўзбекистон президенти Солихнинг З та укасини камоққа ташлади ва улардан иккитаси, мана, 8 йилдир камоқда азоб чекаяпти.

1999 йил март ойида БМТ сиёсий мултажилар Комиссариати қарори бўйича Мухаммад Солих Норвегиядан сиёсий бошпана олди ва Ослога келди.

1999-2000 йиллар давомида Ўзбекистон ҳукумати Солихнинг Ўзбекистонга топширилишини Норвегиядан 3 марта талааб қилди ва рад

жавоби олди.

2001 йил декабр ойида "Озодлик" радиоси таклифи билан Прагага келган Мухаммад Солихни паспорт контролида Ўзбекистон ҳукумати талаби асосида хибсга олишади. Панкрас турмасида ўтирган Солих дунё жамоатчилигининг мисли кўрилмаган ҳамдардлиги воситасида турмадан озод этилиб, Чехия Президенти Вацлав Хавел тарафидан Президентлик саройида қабул қилинади.

Мажмуа ҳакида

Мухаммад Солихнинг бу мажмууда тўплangan асарларини Куллиёт деб атадик, аммо бу қандайдир маънода нисбий атама. Бу нашр Мухаммад Солихнинг 1966 йилдан бери ёзган асарларининг ҳаммасини ўзида мужассамлантирганинг мажмуя ватандан узокда тартибланди ва асосан интернет дунёсида мавжуд бўлган ва китобларда сакланган матнларгина Куллиётга кирди.

Шеърларга келсак, бу мажмууда босилаётган асарлар, муаллифнинг фикрига кўра, унинг ёзган бутун асарлариридир. Мухаммад Солих анчагина шеърдан воз кечди, уларни бу мажмууга киритмади.

Нима бўлганда ҳам, Мухаммад Солих асарларининг бу шаклда тўпули чиқиши, назаримизда, ўзбек адабиётида жiddий воқеадир. Куллиётни нашр килишда меҳнати сингган барча дўстларга миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Мухаммад Солих 1975 йилда ёзган "Сўнги имкон" деган шеърида шундай ёзганди:

Гоҳо қувонч кирап юракка:

Менда ахир имкон бор ҳали

Шеър - севги деб алдамасликка

Озодликни севганинсонни!

Бисотимда имкон бор, ахир

Қаламни синдириши имкони!

("Бешинчи фасл", 1977, Тошкент, Fafur Fулом нашриёти)

Бу олти сатр унинг ҳаёт дастури бўлажагини ҳеч ким тасаввур килмаганди. Шоирнинг озодлик гояси учун қаламини синдириши мумкинлиги ташбих эди. Лекин кейинроқ бунинг ундаи бўлмагани маълум бўлди. Мухаммад Солих 80-йиллар ўрталаридан бошлаб, Ватанининг мустақиллиги йўлида шеъриятни бир чеккага суриб, ҳамма тушунадиган тилда мақолалар ёза бошлади.

У "Сўнгти имкон" шеърида берган сўзига содик қолиб, жондан севгани озодлик учун 1980 йилларда бошлаган муросасиз курашини давом эттироқда .

Мухаррир

СҮЗБОШИ

Шу тубандаги китоб менинг қаламимдан чиқди. Аввал Совет даврида ёзилган, гизли ёки ошкор ширк асоратлари ташиган шеърлардан воз кечдим. Баъзи даҳрий қалималарни тузатдим, бош эгмаганларини эса дархол бошини учирдим - таҳир этдим.

Ўтган асрнинг 84-чи йилида шу шеърни ёзган эканман:

*Бу ҳаётни англасам бир кун
Ва ўлимни тушуниб етсам,
Ҳатто сизнинг қўнглингиз учун
Шеър ёзмайман, ёзмайман ҳеч ҳам!*

*Бир кун кўрсам баҳт-саодатни
Кўриб қолсам агар дафъатан,
Ташлагандай ёмон одатни
Шеър ёзишини ташларман албат!*
(1984)

Ўйлайман-ки, мен излаганим баҳту-саодатни топдим, хузурга эришдим, иншоллоҳ. Ва сўзимни тутдим: ортиқ шеър ёзмайман. Кейинги йилларда қоғияли битилган 3-4 та матн эса асло шеър эмасдир, нафсимини қўлида тутган Парвардигорга шукрдир факат.

Ва яна унинг изни ила шукр қилишда давом этаман.

Совет даврида ёзилган шеърлардан шу қўлингиздаги китоб ташқарисида менинг исмимдан босилган ҳар қандай шеърий матн - менини эмасдир. Бунга сиз шоҳид бўлинг.

Эҳтиром ила,

Муҳаммад Солих
Октябр, 2004

ЯНГИ МАТНЛАР

ҒАРИБ ДАРАХТ

Одамлар каби мен дунёни кезиб
ёза олмадим-ку шеърий туркумлар,
чунки ота юргдан чиққаним сезиб,
тарк этарлар мени ҳижо, рукнлар.

Чунки келиши-чун кўзларимга ёш
пайдо бўлиши-чун илхом юракда,
менга жуда зарур аччиқ бир куёш,
кескин континентал иқлим керакдир.

Шундай экан, денгиз қирғоқларидан,
яшил ўрмонлардан менга сўз очма,
мен ёлгиз Туркистон тупроқларида
ўса оладиган ғариф оғочман...

1994

НА ГЎЗАЛ

Бир ёнда ожизу, бир ёнда кучли,
кураш бошланаркан тарафма-тараф
ожизнинг ёнини олганинг учун
"хоин" деб ном олмоқ нақадар шараф!

На шараф, халқини қул этган подшоҳ
"менинг душманим" деб сениатаса,
жазавага тушса исминг эшитган чоғ
китобингни ўқиб, йиртса, топгаса!

На шараф-ки зулмга "зулм!" деёлсанг,
бошингда хар куни синса-да тўқмоқ,
шайтондан кўрқмаслик нақадар гўзал,
на гўзал ягона Оллоҳдан қўрқмоқ!

1994

ПРАГА ТУРМАСИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Бугун душман кулиб, дўст йиғлаган он
Умидини ёлгиз Сенга боғлаган он
ё Раб, бизни қўлла, қоп -кора зоғлар
булбулнинг ўрида чаҳ - чаҳлаган он!

2001

МИШ-МИШ

"Ўша сизлар билган шоир М.Солих
аллақачон ўлган, йўқ бўлган, синган!
Дунёни тарқ этиб дарвиш мисоли
берилган эмиш у тамоман динга!"...

Қани, тўгри бўлса авомнинг гапи,
аввалги М.Солих ўлган бўлсайди,
юраги дарвишлар юраги каби
динга, факат динга тўлган бўлсайди!

2003

МАХШАР КУНИДА

Орзу этмақдаман: ҳисоб қунида
Раббим күрар экан менинг ишимни,
менга "қулим Солиҳ" дейиш ўрнига
"солиҳ қулим" дея сасланишини..

2003

ХАЁ

Оллоҳим, авлиёлар жаннатни сендан
хаё этгани-чун сўрамадилар.
Мен эса сўрадим, сўрамасликдан
хаё этганим-чун сўрадим, ё Раб.

2003

ҚЎРҚУВ

Бу дунё мастиқдир. Қўрқяпман қараб:
хеч кимдан қўрқмасмиш инсон мастиқда -
сендан қўрқмасликдан қўрқяпман, ё Раб,
сенга сиғиняпман сиғинмасликдан!

2003

БОР

Оч энди, кўзингни Очиш Фаслида
Кипригингда Дунё ишқи губордир.
Кўриб турганинг олам – Йўқдир аслида
Кўролмай турганинг – ягона Бордир.

2009

ТЕЖАМ

Аланглама, исроф бўлмасин бу кўз,
дунёга сўнгти бор боқаётгандай боқ -
тежаб гапир, токи айтганинг ҳар сўз
Видо сўзи каби бўлсин қисқа, пок!

2009

УМУРТҚА

Ёш экан, бу одам тўғрийди ғоят,
кексайиб, тўғрирок бўлди янада,
чунки умуртқаси бўлган Шеърият,
умрининг сўнгига Шариат бўлди.

2010

ИЛК ШЕРЛАР

ИЛК БОР

Дарахтлар кутгансимон баҳс
Йигитча ilk бора кутарди ёғ

Мана, келди унинг кўнгил чироғи.
Лоламисол ёниб икки ёноғи.

Йигит ўпмоқчиди...чекинди-ку қиз
Ва деди оҳиста: «Биз ҳали ёшмиз...»

Ўша кеч йигитча қайтиб телбавор
Лабига устара теккизди ilk бор.

1966

ТОЛДАГИ ЁЗУВЛАР

Севгимиздан воқиғ, гувоҳ барига
Ўша тол билади дардларим фақат.
Бир пайтлар исмимни унинг бағрига
Тилгандим, айбдор меммас-муҳаббат.

Ўша кун ҳазилкаш, гўзал, барно қиз,
Исмин ёзди толга исмимдан узоқ.
Висол оғушида эдик иккимиз,
Толдаги исмлар чекарди фироқ...

Турибман ўша тол қошида яна
У кунларни эслаб учади хаёл.
Мен ҳижрон ўтида ўртансам, мана,
Толдаги исмлар айлабди висол!

1967

ИХТИЁР

Кузатаркан, намлидир кўзинг,
Менинг учун нега ғам ейсан?
Қарашимни ўғирлаб ўзинг,
Яна менга «қараманг» дейсан.

Сени дея қолсам йўлимдан
Майлими, деб сўрайман аста,
Ихтиёрим олиб қўлимдан,
Дейсан яна «ихтиёр сизда...»

1970

БАХОР ШАМОЛИ

Тиниқлашди осмону фалак,
Булутлар кетдилар шимолга,
Кишнинг кемтик тиши – сумалак
Синди дош беролмай шамолга.

Ортга қарамайман... эҳтимол,
Эриб кетди йўлдаги изим...
Кишнинг тишин синдирган шамол
Силаб ўтар негадир, юзим...

1967

БИОЛОГИК ШЕЪР

Қоронғи бурчакда мўлтирас қўйлар,
Қараган одамнинг дили ачиди -
Хашак кавшаса ҳам қиши бўйи улар
Бари бир оч эди, қўйлар оч эди.

Ахир, қиши ўртаси, йўқ эди қўклам,
Майсалар қуёшга интизор эди,
Уларга ер бағри иссиқ бўлса ҳам,
Қуёшга зор эди, улар зор эди...

Нихоят, ниш урди майсалар шодон...
Кўй-қўзи уларни шу зум еб кетди.
Начора, оч эди қўйлар беомон,
Майсалар-чи, қуёшга, ахир, зор эди...

1970

АРАФА

Бу қишлоққа келмаганда ҳали қалдирғоч,
Үйларнинг ҳам ёпик эди деразалари,
Дараҳтлар мудрар эди ҳали яланғоч,
Деҳқон эса пўстинини ечмаган ҳали.

Боғда гулнинг хиди эмас, шамол кўп изгир,
Ток ҳам ҳали кўтартмаган ердан ўмганин,
Эшигарди лекин баъзи одамлар - сезгир -
Кечалари дарёдаги музнинг синганин.

1971

ТЕРАК

Фақат Одам эмас эркни севгувчи...
Занжирда ўлишни истамайдиган,
Фақат одам эмас, буни-чи,
Ҳатто дараҳтлар ҳам истамас экан.
Терак туғилмади - уни экдилар,
Балки кўкармасди билганда буни:
Оёғига, ахир, тушов эдилар
Томирлари, яъни, ҳаёти унинг!
Афсус! Озодликни у ҳам севарди -
Орқага бўлса-да, ташлашни қадам,
Лекин терак учун бир йўл бор эди -
Ўнггамас, чапгамас, осмонга у ҳам!
Қаранг, бари бир у ношукур бўлмай,
Хурсанд ўса бошлар болаларсимон,
Лекин, у ёғи-чи, юриш мумкинмас,
Эҳ, яна мумкинмас... у ёғи - осмон...

1970

ШОИР

Алпсифат эмасдир унинг қомати,
Даъвогар эмас у қаҳрамонликка.
Ҳавасга арзимас шоир омади,
Юраги ўхшайди сизларникига.
Фақат бир нарсага берсангиз бас тан:
Шодлиқда кўп бўлар унинг қувончи,
Ғамга ҳам яқин у – сизларнидан
Кўз ёши кўпроқ бир-икки томчи...

1970

* * *

Гоҳ юрак оёққа буюрар,
Лозимдир олдинга юрмагинг!
Оёғим олдинга юрса гоҳ,
Ортга тортиб кетар юрагим!

1970

* * *

Сенинг гўзалигинг бошланган жойда,
Шеърий иқтидорим бўлади тамом.
Сатрлар уялар сен бўлсанг пайдо,
Сатрлар келади сен кетган ҳамон.

1970

«БЕШИНЧИ ФАСЛ» КИТОБИДАН

УЙГОНИШ

Бахорда бир шўх телбалик бор,
Мажнунлик бор толлар шаклида,
Ялтиплайди қишиги умидлар
Одамларнинг кўзи тагида...

Қорачигим қитиқлар ранглар!
Паришонлик тўзар парлардай...
Юрак қадаҳ мисол жаранглар,
Томирларда оқа бошлар май...

Оламан-да шеър дафтаримни
Яқин хиёбонга учаман!
Менинг мудроқ қадамларимни
Үйғотади тош йўл-кўчалар.

1974

ПИЁДА ТОГЛАР

Биз тоглар қошидан поезда учдик,
Құл силтдик уларга гоҳо дарёдан.
Минг бор «салом»лашиб, минг «хайр»лашдик,
Тоглар-чи, пиёда... пиёда.

Улар жуда секин боришаётір,
Учиш истаклари йўқдир самода.
Шунда ҳам етарлар бамайлихотир
Ўзга асрларга... пиёда.

1974

ХУШБҮЙ КУНЛАР

Атиргуллар портлайди аста...
Сени хушбүй кунлар эркалар.
Қизаради қуёш остида
Нон мисоли очық елкалар.

Шеър битмоқ бу кунлар аро -
Яратган олдида дахрийлик.
Май сипқармоқ бурчак-бурчақда -
Бахор мастлигидан айрилиқ...

1974

КЕЧИККАН БАХОР

Хеч ким шеър ёзмади бугун,
Новданинг бўғзида қолди куртаклар.

Юраклар - кўқрақда вазнисиз тугун,
Булут кўр куёшни юрар етаклаб.

Дарахтлар бир-бираига тикилган,
Хайрон бир-бирининг ҳолига,
Гўё меҳмонлардай узоқдан келган
Ва хеч ким чиқмаган истиқболига.

Шоир - шеър,
Новда - япроқ,
Турна қанотини ёзмайди нега?
Наҳот «хайр»лашиб қиши билан, энди
Бирор бир фасл йўқ «Салом!» дейишга?!

Бас, етар!
Кутмаймиз энди, ўртоқлар -
Шоир шеърингни ёз! Ёзил, эй тугун!
Новданинг бўғзидан чикинг, куртаклар,
Бугунги сўзингиз айтинглар бугун!

Бизга фасл керак! Фарқи йўқ бизга
Хаттоки бешинчи фасл бўлса ҳам!

1975

СЕВГИДАН ҚЎРҚМАДИК

Севгидан қўрқмадик, Муқаддас севгидан,
Дадил ва мардона олдига бордик.
Кескин харакат-ла, ҳисларга тўла
Юракларни тўкиб юбордик!..

1975

МЕНИНГ СҮЗИМ, СЕНИНГ ҒАЗАБИНГ

Мен сенга энг аччиқ сўзларимни титраб
Бугун айтаман.

Мен сени бугун аямайин сира,

Сен-чи ғазаблан.

Мен айтиб турайин, сен сўздан титра,
Титра нигоҳдан.

Бугун менинг сўзим, сенинг ғазабинг

Ўтсин никоҳдан !

1975

ҚЎКСИМДАГИ БОШ

Мен сени, юрагим, силагим келар,
Эсиз, қолиб кетар менда бу ҳакинг...
Қўксимга сен каби бирорта дилбар
Бошини қўймаган шунчалар яқин!..

1974

МАНГУРОҚ НОМ ТОПСАНГ...

Лолалар тугаган тоғларда,
Тугаган биз учун завқ-шавқлар,
Хазонлар кезади боғларда,
Биз эса кезмаймиз бу чоклар.

Севгини лолага ўхшатиб,
Гўзалим, биз тўғри қилибмиз.
Лоланинг умрини қақшатиб,
Мухаббат устидан кулибмиз.

Кулибмиз севгидан биз майин,
Яхшиси юракни тилсайдик.
Лолани узмасдан қулмайин, -
Биз учун ишқлигин билсайдик.

Севгини лолага ўхшатма!
Энди биз бу ҳақда айтмайлик.
Ишқимиз ёшларга сен айтма...
Мангуроқ ном топсанғ айт, майли.

1971

БОЛАЛИК

Мен бунга ўзимни күришга келдим,
Аммо мен йўқ эдим жийда тагида.
У пайт эртакларга ишонар эдим,
Учуб кетдиммикин эртақдагидай?

Балки мен ҳали ҳам ўша баҳорда
Юрибман кушларга егулик ташиб.
Балки "ҳалок" бўлдим қоронғи ғорда
Ўн бошли аждаҳо билан олишиб?...

Оҳ, учгим келади Болалик томон,
Лекин на кўролдим, на унга тўйдим.
Учмоққа қанот ҳам йўқдир бу замон,
Чунки мен эртакка ишонмай қўйдим.

1974

МАКТУБ

Хатим қисқа бўлди, она,
Сенинг уйқунг каби қисқа.
Табиат сени уйқудан, она,
Мени эса сўздан қисган.

Бу қисқа хат орамиздаги
Масофани қамрар бехосдан!
Мактуб ҳам бир парча, ҳар ҳолда,
Сигар юзларингни боссанг...

1975

ХАЁЛ

Бунда лойқа эмас сукунат -
Саслар чўкиб ётар қаърида.
Бунда мутлоқ шаффоф табиат,
Мен ҳам софман унинг бағрида.
Ерлар тоза, осмонлар тоза,
Ёмғир ювган чангли майсани.
Қуртлар тоза, илонлар тоза -
Ўпиш мумкин ҳамма нарсани...

1974

ЁМҒИР

Шундок деразанинг ортида
Мендан қочиб, яшириниб, жим.
Осмоннинг кўз ёшлари билан
Учрашади менинг қувончим.

1974

ГҮЗАЛ ИЗИДАН

Бир сирли шарпадан кетаман уйғониб,
Кимнингдир киприги юзимга қадалар.
Бўйнимдан сочми у ўтади сирғалиб,
Яна ҳам сирлироқ тундаги кадамлар.

Шарпанинг изидан мен туриб бораман,
Гуноҳни унутиб, тушаман пайига.
Ойнани очаркан, мен уриб оламан
Пешонамни... Тонгнинг оқ манглайига.

1973

ЙЎЛ

Сенинг билан борар эдик жим, -
Йўл борарди яна ҳам жимроқ.
Гўё биздан у юмган кўзин,
Гўё бизга солмайди қулоқ.

Борлигини унинг бари бир
Сезар эдик келганда довон.
Йўл бечора бой бермайин сир,
Интиларди бўлай деб равон.

Йўл - учинчи - ортиқча эди,
Юрмади ҳам бизга илашиб,
Мағруона изига қайтди,
Бизлар эса кетдик адашиб.

1973

ОВОЗИМ

Овозим!

Эшит, мен айтайин ўз билганимни.

Чиройли кийинган Овозим,

Биласанми қандай туғилганингни?..

Ибтидоий яшинлар чакнаган кунда,

Қип-яланғоч эдинг...мен билан бирга.

Энди сени таниб бўлмас, мени ҳам шундай,

Биз анча тушундик кийим деган сирга!

Сен энди ечинасан нафрат олдида,

Бутун гўзаллигинг, жозибанг билан!

Баъзилар тескари қарайди шунда...

Ҳар ҳолда кийимдек гўзалмас бу тан!

1974

ЙИЛЛАР

Бу хушбўй йилларни,

Бу рангдор йилларни,

Гул каби бирма-бир узаман.

Умр бўйи мен сархуш юриб,

Улардан гулдаста тузаман.

Бир куни бу хушбўй,

Бу рангдор гуллар

Сигмай қолар ахир, бағримга,

Шунда мен ачинмай, уларни

Кўяман ўзимнинг қабримга.

1974

АЁЛ

Аёл пайдо бўлди ҳовлида;
Куёшга қаради, кўзини қисди
Ва дорга эрининг баҳайбат, содда,
Ювилган кўйлагини осди.

Пайдо бўлди ҳовлида аёл;
Ҳилпирай бошлади намойишдаги
(Ўша дорда) байроқча мисол
Жажжи ўғилчасин кўйлаги.

Аёл пайдо бўлди ҳовлида:
Эх-е, бунча ўтли қуёшнинг кўзи!..
Бунисини осмади, қолди қўлида,
Ўзининг кўйлаги буниси...

1975

ҚАЙТИШ

Қалб кўрқар ўзининг гўзаллигидан...
Нурлар қайтаётир чехрага шу зум,
Кўз ёш қайтиб келди кўзларга бирдан,
Турнадай
Қайтмоқда
лабга
табассум,
Қалбга юзиб келди оғриқ - бир кема...
Ниҳоят уйида, уйида ҳамма!

1974

СЕВГИНИНГ БИР СОНИЯСИ

Сен - Қушсан,
Хабаринг йўқ сенинг бу сирдан ҳали.
Тиграб қарайдирман қанотларингга,
Ахир сен вақтнинг ҳар бир маҳали
Мумкин тушунмоғинг машъум сирингга!
Хайрият, сен бундан куляпсан,
Сўрадинг: «Бу сенга кўринган тушми?»
Хайрият, кўзгуга тикиляпсан,
Фаришта чехрадан тополмай қушни.
Мен сени тутмадим. Ўрадим факат,
Ожиз хаёлларим тўрини ёзиб.
Йўталиш - бу бахтни ҳуркитмоқ абад,
Қўлни теккизмоқлик сенга - бу орзу...
Сенинг қанотларинг қўрқитар мени,
Осмоннинг кенглиги - ундан хам баттар.

1975

АВГУСТ

Август.
Ҳеч кимнинг кўнглига тегмайдиган илиқ бир фасл.
Япроқлар саросимада бу майинликдан.
Тунда шивирлаб кўр,
Ойга эшитилади шивиринг.
Жим қадам босасан
Юлдузлар тўкилиб кетмасин дея...
Август.
Япроқлар саросимада.

1975

КЕЧИККАН КАПАЛАКЛАР

Аччиқ январ уларга,
Кўринар апрел каби.
Капалакка қўналға
Қизларнинг ғунча лаби.

Кечиккан капалаклар
Айланишар ингизор,
Кўркув, ҳадиксиз қўнгар
Елкаларга беозор...

Одамларнинг ҳаммасин
Гул деб ўйлашар улар...

1974

ЭНГ СОДДА ҚЎШИҚ

Деразам ортида: боғлар
Кўчалар,
Шаҳарлар,
Тоғлар.
Ундан ҳам нарида денгизлар,
Йўллар,
Йўл,
Йўлнинг охирида бир маъюс кўзлар...

1974

СҮНГИ ЛАХЗАДА

Нега бугун борлиқ самовий,
Менинг билан қилмайди ҳисоб.
Юракни қон қилгудай мовий,
Чидаб бўлмас даражада соф?
Нега бунча гўзал булатлар,
Севгимизга аччиқма-аччиқ?
Келиб-келиб шундай бир кунда
Қиласизми орани очиқ?
Иши йўқки, севгимиз билан
Сочларингнинг - шамолда сочик,
Қўлларимга тегар, интилар,
Севгимизга аччиқма-аччиқ!
Нега энди, айрилиш пайти
Бари гўзал, барчаси гўзал?!

1975

ФАРОГАТ

Чўзилиб ётаман, юмганча кўзимни,
Танани эгаллар ажиб бир фарогат.
Қуёшнинг иплари қитиқлар юзимни,
Юрагим қайгадир қиласи саёҳат.
Бошимни қуёшда қиздира бошлайман,
Фикрлар қайси бир чечакдай очилар.
Уларни хидлайман, тўяман, ташлайман -
Хотирнинг қоронғи бурчида сочилар.
Қайгадир учади пушаймон, ўксиниш,
У нут ҳам қитурман берилган аҳдни.
Тинчдайман, агарда, айтмасам кўксимни
Жим эзаётганин оёғи Вақтнинг...

1974

ШИРИН ХАЁЛ

Ухлаб қолибман мен
Ширин хаёлимни кучоқлаб...
«Яшаш яхши,
уйку - йўл бўлса,
уйку элтиб кўйса, кимгадир сени,
ёмонми?

Бу уйқум уланар
сенинг қўлларингга -
Мени уйғотмоқчи қўлларинг
турибди бу уйку сўнгида...»

Мен ухлаб қолибман
шу ширин хаёлни кучоқлаб.

1975

СИРЛИ МАСОФА

О, сирли масофа!..
Сен олган нафас
Менинг нафасимга қўшилиб кетар!
Юзларингни эса бунча яқиндан
Кўрмаган эканман шу кунга қадар -

Ногоҳ нафас олмай қўйдинг бир йўла,
Менинг-да нафасим қайтди ўша чоқ...
Ким ҳам ишонарди, менинг сен билан
Яшай олишимга ҳавосиз узоқ.

1974

ЗИЁФАТДА

Олим чўзди саломга қўлин,
Танишмади, афсуски, уни.

Шоирни ҳам шафқатсизларча
танимади бу ерда барча.

Ҳамма боқар ҳаммага хафа -
Танимади ҳаммани ҳамма...

Фақат кимдир чеккада хурсанд:
Танишмади уни, хайрият!

1975

ВУЖУДСИЗ СЕВГИ

Менга бир жуфт катта-катта кўз,
Кордан-да шаффофорқ бир бадан
ва қирқдан ортикроқ кокилларни
асраш топширилган Оллоҳдан.

Мен уларни асарман ахир,
Бутун қонунларга қилиб риоя!
Лекин менга энг оғири, энг оғири -
Вужудсиз севгини қилмоқ ҳимоя.

1974

ТОҒДА

Кўқда ёлғиз қолган тўлин ой
Бошинг узра тўқади титроқ...
Оқиб борар тоғдан тушган сой
Сукунатнинг ўртасидан қок.

Ойдинликнинг муздай сутида
Сен ўзингни қўйдинг йўқотиб...
Бу баҳт оздай, бунинг устига
Кимдир сени севади қаттиқ...

1975

МЕН СЕНИ ИЗЛАДИМ

Мен сени ўтгандан сўрадим,
Келгандан, кетгандан сўрадим.
Мен сенга интилдим, мен сенга чопдим,
Мен сени изладим, ниҳоят топдим.

Бизларга ўтганлар қаради,
Келганлар, кетганлар қаради.
Мен эса ёнингдан индамай ўтдим,
Бир сўз ҳам, бир сўз ҳам айтольмай кетдим.

1975

СҮНГГИ ИМКОН

Гоҳо қувонч кирар юракка:
Менда ахир имкон бор ҳали
«Шеър - севги» деб алдамасликка
Озодликни севган инсонни!

Бисотимда имкон бор, ахир -
Қаламни синдириш имкони!

1975

МЕН БАХТЛИМАН

Бир сўзнинг устида
Тун бўйи йиглаб,
Чикара олмасанг уни бўғзингдан,
Хиркирасанг,
Бўғилсанг,
Ёпиб қўйса нафас йўлларингни у сўз,
Шунда ҳеч ким тушунмаса сени,
Сен эса жилмайсанг,
Кўзингдаги ёшни ҳам артмай,
Жилмайсанг, уларга бир соқов каби...

...Ва шулар Бахт бўлса,
Мен - баҳтлиман!

1974

«ОҚ КҮЙЛАКЛАР» КИТОБИДАН

МЕН СҮЗЛАРНИ ЕНГИБ ЯШАЙМАН

Мен сўзларни зўрға енгиб яшайман.
Ишим шундай - сўзларни енгмоқ.

Корни тўқ,
Боши бўш,
Мешчан сўзларни.
Агар сен ҳам енгмоқчи бўлсанг,
Уларни айтма бир иложин топиб.
Лаззатлана бил,
Айтмай, чидаб яшаганингдан...

«Булар-чи?» дейсанми?
Бу сўзлар - мени енгган сўзлар,
Илож йўқ...

1977

БАХОР ҚҰШИФИ

Одамлар, бу күшлар
Сизни севмоқ учун учеб келишди!
Гуллар күкаради яқинда,
Албатта күкарап -
Гуллар адашмайды ҳеч қачон!
Йүловчи, ортингга ўғирилсанг-чи -
Боладай эргашар сенга мусича!

1976

ФАСЛ

Гуллар рўй кўрсатди.
Юз берди севги,
Очилди кўнгиллар кутилмаганда!
Биз журъатни не қиласр эдик
Агар дафъатанлик ўтилмаганда?!

Сўнгги бўсаларнинг устидан тунда
Идрок босилади манглайга - муздай.
Лекин тонгда биздан рухсатсиз,
Ҳаёт бошланади томиримизда -
Такрор!

1976

ОЛМА

Сенга шу ҳам етар, шуниси ҳам кўп,
Осиё қузининг шу бир жиҳати -
Боғда, уйқу бермай ҳеч кимга «тўп-тўп»,
Олмалар тун буйи юриб чикади.

Дараҳтлар тагига борасан тонгда,
Ўт-ўланлар узра энгашасан жим:
Йиқилган қизчани қитиқлагандай,
Олманинг юзига қадалибди чим!...

1975

ҚЎШИҚ

Лабларинг жипс.
Гўё хайрлашар улар мангуга.
Вужудинг тош.
Тош - шиддатнинг юксак нуқтаси.
Қўзинг томирлари оқимни тўсган
Атлант мускулидай қабарар...

Лабларинг жипс.
Улар хайрлашар мангуга -

Бесабр кутади уларни
Қўшиқ.

1976

ЯЙЛОВДА

Чарчаган чўпондай қуёш
Уфққа чордона қуради.
Сарғилари ялтишлаб отлар
Сокин кирадилар қўрага.

Қулоги кесилган итлар
Чўнқаяр қўранинг ёнида.
Ҳавони узок-узок ҳидлар -
Тигроқ пайдо бўлар сонида...

Куй янграб, майсалар қарайди
Бошини кўтариб куйга!
Майсалар - ўйноқи тойларнинг
Олов тилларидан куйган...

1975

БЕПОЁНЛИК

Мен мадҳ этган бу мовий осмон
Сени олиб кетди узок-узокқа.
Мен куйлаган ҳайбатли тоглар
Сени мендан яшириб қўйди.

Энди мен,
Энди мен,
Йиглаб куйладирман бепоёнликни!

1975

СҮҚМОҚ

Шом тушар,
сүқмоқ жим кириб кетар боғ томон.
Шу заҳоти майсалар уни
Қитиқлай бошлайди икки тарафдан!.

Сүқмоқ қиқирлайди,
Буралиб, буралиб кулади... яна
Давом этар йўлида сокин.

Аммо боғнинг тўрида бирдан
Эҳтиросли, яшил дараҳтлар
Ҳансираబ эргашар унинг устига!..

Шунда сўқмоқ эриб кетади...

1976

КУЗ

Қуёш даҳо каби
паришонхотир.
Қарайди - нигоҳи муаллақ,
Эринчоқ бир шабада эсар
Хувиллаган хиёбон аро.
Холдан тойған мажнунтол эса
Пайпаслар бўш скамейкани...

Фақат осмон кучли ҳар қачонгидай -
Мовий.

1975

УХЛАЁТГАН ОТ

Отхонада...
От ухлар тикка.
Ухлар унинг бўйнида бўрон.
Дунёда жонзот йўқ,
Ухлаётган отдан ғамгинрок!

Уни силаш учун,
Ачиниш учун
Юзта сулув қизнинг қўллари керак,
Юзта!

Отхонада от ухлар тикка,
Маъюс бўрон бўйнида ухлар.

1978

ВАҲИМА

... У яна чироқни ёқади,
Қарайди -
Столда bemалол ётибди пичоқ.
Чироқни ўчирап
Ва ётар:
«Ҳали ҳам столда ётганмикин у?»
Чироқни ёқади,
Қарайди -
Ҳали ҳам столда ётарди пичоқ...

1978

ПОРТРЕТГА ЧИЗГИ

Мехрибон юзларни,
Кинояли лабларни,
Захарли табассум ва оппюқ тишларни
Бир зумда ўқииди
Қисқа хикоялар ўқиган мисол.

Ўзига берилган тухфани
Бир зум ушлаб туриб, табассум билан
Сўнг стол устига қўйган артистдай,
Саломга чўзилган кўлларни
Апил-тапил қисиб,
Кўяр ёнидаги ўзга кафтларга...

1977

ФЕЪЛЛАР

Тонгда бирдан чўчиб уйғонмоқ
Эшикнинг бемаҳал тақиллашидан.
Телеграмма олмоқ. Суянмоқ
Эшикнинг муз каби кесакисига.

Букилиб кетаркан тиззалар,
Кўз олди қоронғи, хонага кирмоқ
Ва гиламга тушиб узала
Ваҳший овоз билан ўкирмоқ.

1975

СҮЗ ДАРДИ

1

«...Қоғоздан мен қўрқиб ўсдим.
Шу боис, тунларим бефайз.
Сен-чи, қўрқмайсанми, дўстим
Тунда, қоғоз билан юзма-юз?

Кўз ёшингга ботириб қалам,
Қўрқинчли эмасми бўзламок,
Оқ қоғознинг юзига қараб
Факат ҳақиқатни сўзламок?

Қўрқинчли эмасми, чироқ атрофида
Бадбашара сўзларнинг рақси,
Қоғоз - кўзгу, титрамайсанми
Унда пайдо бўлса ўз аксинг?

Ўлаётган одам лабига
Кўзгу тутган киши каби, ваҳм
Босмайдими, кўзгуни тутсанг
Ҳақиқатнинг лабига сен ҳам?..

Ниҳоят ким дардингдан кулса
Ва сени бу қоғоздан, Сўздан -
Қўрқинчингдан айирмоқ бўлса,
Қўрқинчли эмасми сенга?...»

II

Шоир гапиради.
Одамлар боқар,
Тушириб олишиб қулоқчинини.
Хеч нарса эшитмас, қўришар фактат
Шоир лабларининг ҳаракатини...

БҮШАБ ҚОЛГАН УЙ

Эшикнинг олдида, офтобда
Бўшаб қолган уйдай ўтирибди чол:
Кизи учоқда учиб кетди унинг,
Қайгадир жўнади ўғли поездда.

Кейин, ташлаб кетди уни
Тишлари,
Сочлари,
Мадори.

Энди кўксидаги сўнгти дўсти -
Юрак ҳам бисотин йигиштирмоқда.

Эшикнинг олдида, офтобда
Исениб ўлтирас бўшаб қолган уй -
Ёлғиз кампир яшар бу уйда.

1975

УМИД

Қайтасан уйингга.
Ётасан.
Тунда
Дафъатан уйғотиб юборди умид...
Кейин бошқа сезги келади,
Кейин лойқаланади ақл.
Ҳар хил тарозилар лопиллайди кейин.

Хуллас, ёмон
Ярим тунда уйғотиб юборса умид.

1977

АГАР ОРЗУЛАРДАН ЧАРЧАСАНГ

Агар орзулардан чарчасанг,
Албатта түхта.
Танаффус эълон қил Вақтга -
У ҳам бир дақиқа чўзилиб олсин.
Кейин кўзингни юм.
Аста кета бошла болалик томон.
Кетавер. Кетавер. Кетавер.
Хотиранинг муқаддас нуқталарида
Бир зум тўхтолсанг, бас. Бош эгсанг.
Мангу чечакларни кўргандан эса,
Афсусланма узолмасликдан.
Кетавер.
Уйғонишга уринма асло.
Нима қипти, бир лаҳза кутса,
Бугун сен эришган жиддий башаранг?..
1976

ПОЕЗД

Поездга чиқасан.
Онанг қўл силтар.
Хотинингнинг хўл рўмолчаси
Гуё синган қанот, ҳилпирамайди.
Лекин хайрлашмас сен билан болнар,
Қўл силтамас дарахтлар, хўмраяр тоғлар,
«Видо» айтголмайди сенга пахтазор!...
Улар сендан хат ҳам кутмайди!..
Сен ҳалок бўлдинг-ку, жигарим!..
Жасад эса купеда чой ичиб
Бемалол кетмоқда Ватандан...
1975

СОАТ

Балиқлар сапчийди осмонга;
Күзларида «ялт» этар олам -
«Ялт» этади бир зум балиқчи,
Кирғокдаги буқчайган толлар.
Балиқлар сапчийди осмонга;
Күзларида «ялт» этар дунё -
Балиқчи унутган газета,
Ботаётган қирмизи қүёш.
Балиқлар сапчийди осмонга;
Күзларида «ялт» этар факат -
Юлдузлар.

1975

КАЛИТ

Кўлини чўнтағига тиқиб
Сесканиб кетар у -
Кўйдириб юборар бармоқларини
Кимсасиз уйининг муздай калити!

1978

У БИРДАН ЎЗИНИ БАХТИЁР СЕЗДИ

У бирдан ўзини бахтиёр сезди -
Юраги капалак сингари енгил.
Унинг ҳазил қилгиси келди,
Алдагиси келди унинг кимнидир.

Чўнгагига ноннинг ушогин солиб,
Хиёбонга борди. У ерда
Дайди кабутарга нон берадиб,
Секин шивирлади: «Мен - бойваччаман!»

1978

ШЕЪР

- Тўхтанг, илтимос...
Четга олиб туринг пақирни.
Мен ўзим тубига тушай бу Сўзнинг -
Бу кудукқа ўзим бир тушиб кўрай...
Пайпасланиб тушди.
Боқди зимистонга қўзини йириб.
Асрлик тошларнинг салқини
Кўлинин ялади инсоннинг...
Ниҳоят қоп-қора сувинг устида
Ҳасратли қаддини эгар экан у,
Майда тўлқинларнинг ортидан,
Гўё нафис пањкара аро,
Пайдо бўлди учрашувга ой...
Узоқ бир-бирига термилди улар,
Пањкарани синдириб, ўпиша олмади улар.

- Мени қутқар , - деди Ой умидсиз.
- Кўлимдан келмайди, - деди у факат.
Учрашув тугади, яъни тепада
Тақирлай бошлади пакирлар...
Ой уни кузатди ўзга осмонга
Совуқ панжарарага юзини босиб.
1978

ЮРАК

Вужуд жимирлайди сокин кўл каби.
Ётаман, муздай юлдузларни
Манглайга босиб.
Факат
Юрак - ўйинқароқ бир бола -
Тинмай тош отади бу сокин кўлга.

1977

НИМА КЕРАК СЕНГА

«Нима керак сенга,
Нима излайсан -
Кўнсанг бўлмайдими шу хаётга».
Дўстларим кўрсатган ўша хаётга,
Атир хиди анқиб турган хаётга,
Узоқ тикиламан.
Яна тикиламан.
Кўнмайман.

1977

КҮЗГУ ХОТИРАСИ

Менинг бор илиңжим, менинг бор таъмам
Күришдир, лоақал бир бора сени.
Лекин бехудадир... Бехуд артаман
Күзгунинг чанг босган хотирасини.
Оқшом кўрган туши муз бўлиб
Деразанинг кўзида қотибди, ана.
- Биз қачон сен билан қолдик айрилиб,
Қачон кўришамиз сен билан яна?...
Елкамга ташлайман тонгни энтикиб,
Бу тонг - муздан тикилган пўстин.
Унинг чўнгагига кўлимни тиқиб,
Мактубинг излайман , севгилим - дўстим!..

1978

МЕН ЎЗ ЮРАГИМДАН ҲАЙРАТЛНАМАН

Мен ўз юрагимдан ҳайратланаман;
Унда ҳар бир туйғу
Бахтга айланишга тайёр!

...Йўқ, энди учмайсан, учмайсан энди !
Майли, зое кетсин бу осмон.
«Сенсиз яшолмайман», десам,
Бу ёлғонга ишон!.

Сенга тўлсин Бугун
Лим тўлсин Эрта ҳам сенга.
Кетма!

1976

ЁЗ ОҚШОМИ

Кун ботди. Минг бир хил жоду кўрсатди
Сехргар кўл - атроф кўзгуси.
Энкайган толларнинг тўсатдан
Сувга калла ташлаб, келди юзгиси!

Кувноқ қурбақалар - қўл булбуллари
Сайрап, бир-бирининг миниб бўйнига.
Кирмоқ бўлар бебош қишлоқ йўллари
Ёш оқшомниг илиқ қўйнига...

Тун эса жимтина кафшин ечади...
Вазмин кўл бўшатар ёқаларини...
Фақат жунжиктирас жимжиг кечада
Муз каби қувончи қурбақаларнинг.

1976

БОҒ

Боғ - доира. Унда йўқ ғарб, шарқ.
Боғ - доира. Темир дарвоза.
Гуллар мангу фарогатга ғарқ,
Кушлар эринади парвозга.
Олдда сирли куйлар келажак,
Ортда ўтмиш - кўрилган тушдай.
Сен - ўргада - фаромуш кулиб,
Ўз-ўзингга чаласан ҳуштак.
Эҳ, боғ - тонгга қадар кезгулик!..
Гул гўдакдай қўлингдан тутмиш.
Олдда сирли куйлар эзгулик,
Ортда элас йўталар ўтмиш.
1976

ДЕРАЗА ОЙНАСИДАГИ ЁЗУВ

Ташқаридар дарбадар кезар
Ёғмоқчи қорларнинг иси.
Деразанинг кўзида эса
Нафис бармоқларнинг изи.

«Айланиб кел. Мухими - тоқат.
Мухими - қорларнинг иси.
Унут, деразани, унут, фақат
Нафис бармоқларнинг изин...»

...Йўқ, Бемаъни хар қандай сайр».
Мен ҳолсиз чўкаман гиламга.
Нафис ханжарлардай «Хайр!»
Ялтириар тўрт бурчак туманда.

1977

ОРЗУ

Айвон оддий бўлса - бўлмаса тўри,
Ундан хам оддийроқ бўлса дўстларинг.
Оёқ чалиштирган кимнидир кўриб,
Киноя қилмаса зийрак кўзларинг.
Тепангда чайқалиб турса бир фонус,
Хоҳламаган қуийб, хоҳлаган ичса.
Сухбатлар туғилса ўзидан-ўзи -
Улар ўсимликка ўхшаб ўсишса.
На енгилтак бўлсақ, на-да такаббур.
Бир текис жимиirlаб турсайди этлар.
Осмонга тикилиб одамлар каби,
Ёзib ўтирайдик ойдин сонетлар!...

1977

ХОТИРА

Тўкилар юлдузлар!.. Уларни шошиб
Бир итга маржондай тизар чигиртка.
Бўсага эгилган сингари бошинг
Танҳо эгилади ёнган гугуртга.
Дайдир хотирадай тамаки хиди,
Яна тун қаърига чекинар юзинг.
Софинганинг шундоқ ёнингга келди,
Аммо узоқлашдинг ўзингдан ўзинг!..
Айвонда сен эмас, у ўлтиради
Серюлдуз осмонни бошга тўнкариб,
Фақат қўлинг унинг ёнида тиграп -
Кафтга кул тўкилар кўз ёш сингари.

1977

НИМА ҲАҚДА СЕНИНГ ЖИМЛИГИНГ?

Хона гўё совуқ бир бағир -
Бизнинг бошларимиз қўйилган.
«Ахир»... «Ахир»... «Ахир»...
Идрокка уч бора ўйилган.
Юзимни сен томон бургани
Кўрқаман, етмайди журъатим -
Ўзингдай қорага бурканиб
Кўзингда бир шарпа юради.
Гапир. Ҳеч бўлмаса ингра,
Нима кўзларингда мени имлаган?
Нима ҳақда бу синик чехра,
Нима ҳақда сенинг жимлигинг?

1977

МЕНДАН УЗР СҮРАР ЁЗГАНИМ

Гадога тиз буккандай Доро,
Мендан узр сүрар ёзганим.
Уни ичимдаги фуқаро
Тонгда олиб кетар осгани...
Бирпасдан сўнг сачрайди кўкка
Ҳали ҳеч ким қўрмаган бўёқ -
Мен кечмаган, фуқаро тўйкан
Бир қошиқ қон, бир қошиқ сиёҳ.
Бунда эса қалтирас ақлим,
Хатоларни шошилинч артиб.
Ташқарида тонг ва ёт иқлим
Ва бегона кунлар тартиби.

1977

ҲАЛИ ПАЙДО БЎЛМАДИ ЖАНУБ

Ҳали пайдо бўлмади жануб,
Ҳали ухлаб ётар кунчикар.
Менинг тонгим отди ўрганиб,
Ярим тунда отиб, жунжикар.
Уйғондингми, илож йўқ, ҳайҳот,
Бирдан кўзлар уйқудан тонса.
Энди кўлларингни сен уйғот,
Кулогингни уйғот,
Сен - тонгсан.
Ғаладонга яшир хатонгни,
Қўйгил, умумгуноҳга қўшиб
Ва айт, нени куйласин тонгнинг
Кўксидаги ёп-ёлғиз қуши?

1978

ФАРОСАТЛИ ДАВРА

Фаросатли давра! Тонг отди, лекин
Гуллар уйғотмади уйқучи тошни.
Улар шивирлашди елдан ҳам секин,
Бир-бирига сассиз силкитди бошни.

Майсанинг учига чиқиб чумоли,
Күлини кўзига қилиб соябон,
Узо-о-ок кузатди боғнинг шимолин -
Кимнингдир йўлига тикилди нолон.

«Эрк деб юрганлари эҳтимол, шудир», -
Жилмая билганлар дарров жилмайди.
Фаросатли давра! Бу ерда шудринг
Бебаҳт юлдузлигин абад билмайди!

1974

Мұхтарам завжам Ойдинхонимга

Мени енголмади бу Вақт - учкур,
Мен ундан севгимни асрадим.
Беморнинг кўзлари сингари чуқур
Менинг муҳаббатим - ҳасратим.
Тушлар идрокимга сени йўғирди,
Тонг эса алдади - шафқатсиз рўёб.
Юрак ою кунлар узра югурди -
Синик шишаларнинг устидан гўё.
Мана, сен! Қалб шўрлик базур ишонар,
Бу баҳт меникийди, менга буюрди,
Илоҳий бир нурда порлар пешонанг -
Менинг исмим порлар у ерда!

1975

«ҚУДУҚДАГИ ОЙ» КИТОБИДАН

БАФИШЛОВ

Кел, енгмайлик, бир-биrimизни,
Кел, яхшиси биргалашыб биз
Кул бўлайлик шу садоқатга.

Бир зум куйламайлик - бир зум тинглайлик,
Шу буюк куй ҳаёти учун
Парчалайлик созимизни, кел!

Кел, яшайлик бир зум исмсиз,
Бир зум ўзимизни севмайлик -
Шу илоҳий муҳаббат ҳақи!

1975

СОДДА НАСИХАТ

Ҳар ким, ҳеч булмаса, битта одамни
Бошига кўтариб билмоғи керак.
Ҳар ким тоза бўлиши бир қадар,
Ўтириш-чун бошида битта одамнинг.

1975

ТЕЛЕФОН

Телефон жиринглар -
Оласан.
Нафаслар учрашар.
Овозлар...
Кейин бесўнақай телефон
Дўстинг чехрасига айланар.
1975

ҚАЛДИРГОЧ

Уч ойми, тўрт ойми, бирга яшадик.
Мен ўзбек тилида,
Сен бўлса, қалдирғоч тилида гапирдинг.
Мана, хайрлашмоқ пайти ҳам келди,
Рози бўл, қалдирғоч,
рози бўл,
Латифалар айтган бўлсанг-у,
Мен тушунмай, кулмаган бўлсам.
Рози бўл,
Ғамгин қиссаларни суйлаганингда,
Кулган бўлсам, мен фаросатсиз!...

1978

ОЧИЛДИ БИР ГУЛИМ

Мен ҳали ёш эмиш...

Менинг ўн гулимдан бирортаси ҳам
Очилмаган экан-ку ҳали!

Нима, Сен Гулим эмасмидинг ёки
Йўқ.

Очилди менинг бир гулим.
Сўлди ҳам.

1976

АГАР КАМИНАНИНГ БОШЛАРИ

Агар каминанинг бошлари
Оғир бўлмасайди бунчалик,
Қарғаники каби, хеч бўлмаганда,
Енгилроқ бўлсайди, мабодо,
Уч юз йил яшаган бўлар эди у.

Барча яхшиликлар,
Барча хўрликлар,
Барча хонликларни жим қўриб турган
Исломхўжа минорининг бардоши каби
Чидам бўлса эди каминангизда,
У кўпроқ яшарди қарғалардан ҳам.

Агар каминанинг бетлари
Ўша миноранинг тагида юрган
Эшак терисидай қалин бўлсайди,
Шубҳасиз, яшаган бўларди
Барча эшаклардан афзалроқ.

1976

БИР БОР ЭКАН, БИР ЙҮҚ ЭКАН

Бир бор экан, бир йўқ экан,
Қадим замонларнинг бирида
Баҳодир ўтган экан...
Кора ўрмонларнинг бағрида
Арслон яшар экан баҳайбат...
Буви!
Нега, баҳодирлар ҳаммаси
Фақат қадим замонларда ўтаверади?
Арслон-чи қани, ўша арслон,
Бувижон?
Нега, у ярим тунда, ғафлатда ётган
Мени уйғотмайди
Наъра тортмайди?!

1976

АГАР

Ким билади, бир куни
Илтифотни ўрганса мағрур тераклар,
Олма дарахтига ақл кириб,
Хоҳлаганига берса ўз мевасини,
Панжасига тикан кирган шер
Табибнинг уйига келса бир куни,
Этикнинг остида қолган чумоли
Бўкириб юборса, оламни бузиб,
Тинчлик рамзи фақат кабутар,
Фақат кабутаргина бўлмаса...
Балким, мен ҳам шоир бўларман,
Тушунгириб айтарман мен ҳам гапимни.

1977

ТУМАН

Зирқиар
Суюққа айланған ҳаво -
Туман ким биландир шивирлашади,
Туман ким биландир фитна тайёрлар.
Нимадир йиртилар товушсиз.
Нимадир жарангсиз синади.
Занжирбанда теварак кучанарап...
Исмини
Яшиар
Күчалар.

1978

ЁНГАН ОРЗУЛАР

Кун - фикрлар битилған қоғоз,
Майли.
Тұнлар - күйдірилған құлөзма.
Майли.
Бари бир Мамот йўқ,
Хаёт бор факт -
Фикрларнинг шиддатли умри!

Асрларни тешар Қорачиқ -
Ёнган орзуларнинг метин күмири!

1975

МЕНИНГ ЭНАМ

Кексалигин хисобга олсак ҳам,
Энам гўдак эди деярли.
Бизга айтиб берган эртакларининг
Ҳаммасига ишонарди у.
Шунингдек, у ишониб ўтди
Одамларга,
Кушларга,
Энг кўп Худога.

Умрининг сўнгида
Уч кун кўз очмади энам -
Уч кун кўз юммадик бизлар,
Тўртинчида эса мангур кўз юмди -
Уялди бизларни қийнаганидан
Менинг гўдак энам, уятчан энам.

1976

МЕН СЕНДАН ХАТ ЭМАС, ХАВОТИР ОЛДИМ

Мен сендан хат эмас, хавотир олдим
Бу чексиз оқшомнинг бир чеккасида.
Мен сени жуда оз қувонтиrolдим,
Мен сенга жуда кўп битдим қасида.

Ким кўйиб берар бу туйғу исмини
Ким ўйлаб топади янги ибора -
Бора-бора тордир дунё мазмуни,
Фақат шу кўзларинг кенгдир тобора...

1976

СИРЛИ ДУНЁ

Бу дунёда мен ҳам сенингдек,
Жуда күп нарсага фаҳмим етмайди.
Фақат сүнгти йиллар ичида
Кичик ҳақиқатни тахминан билдим:
Кувончдан ўлмайди ўлганда одам,
Маишатдан оқармас оқарган соchlар...

1978

ЁМГИР

Дарахтлар қора ёмғир ичида.
Ариқлар пўртана, тошқин.
Йўловчилар фавқулодда жиддий,
Қадамлар қандайдир шошқин...

Ана, юзин ёмғирдан бурган
Фақат эшик кўчада қолар.
Шахар карап ялтироқ йўлга.
Шахар акси кўзгуда - қалья...

Бир дераза тубидан фақат
Аёл сузиб чиқар баъзида,
Ойна аро ёмғирга бокар,
Аквариумда сув парисидай.

1975

ДҮСТЛАР, ЭЛТИБ ҚҮЙИНГ МЕНИ УЙИМГА

Дүстлар элтиб қүйинг мени уйимга,
Бу сархуш вужудни уйига элтинг.
Кучсиз елкаларда күзини юмган
Бу бошни уйига элтингиз энди...

У таниш дераза олдига бориб,
Үзига келади бармоқлар бир зум,
Сархушлик пардасин тумандай ёриб,
Санчилар ойнага карахт ва узун.

Ва бўғиз тўлади куюк титрокка,
Хиркирар кимнингдир сирли отини -
Бу... парча муз каби шаффоф идрокка
Балиқдай ёпишиб қолган хотини...

1976

ЧИРОҚЛАР ЎЗГАДИР

Чироқлар ўзгадир. Парвоналар йўқ.
Дараҳтларнинг шохи - оддий бир илмоқ
Баъзан қорин очдир, аммо қўнгил тўқ -
Ҳали ҳам баҳт эрур, ахир, севилмоқ!
Ҳали ҳам кимнидир ўлдирмоқ мумкин
Севги, номус учун - мен суюнаман -
Бу муқаддас йўлда адашмаслик-чун,
Севгининг кўзларин боғлар сийнабанд!
Эҳтимол, лаблар йўқ, лекин бўса бор.
У яшай олади лабсиз ва майсиз.
Гарчи, чироқ ўзга, шам йўқ бу сафар,
Гарчи, парвонани энди кўрмайсиз.

1977

БИРИНЧИ ҚОР

Осмон тиник , оппок бўлди бу кеча,
Бу кеча биринчи қор тушди.
Мулойим тонг отди. Фаррошлар
Йўлакни жимгина артишди.

Дараҳтларда - оппок сукунат.
Ҳаво - қотиб қолган таажжуб.
Новдалардан гоҳ қор тўкилар
Қизлар нигоҳидай ерга - жим.

Корга кўмилди-ку ер аллақачон,
Мен-чи, ҳамон севаман сени!

1975

«ВАЛФАЖР» КИТОБИДАН

БИЗ НЕГА УЧРАШДИК

Мен бунга келганман сени кутмоқка
Секунд, минутларни ўлдирмоқ учун.
Кун бўйи минг хаёл суриб сен ҳақда,
Келганман бир соат ўлтирмоқ учун.

Келганман севгидан ёнган кўзларинг
Кўриб, кўрмасликка йўймоқлик учун.
Ва топиб кўйилган гўзал сўзларни
Эсимдан чиқариб кўймоқлик учун.

Сен эса қўлимдан гулларни олиб
Шошиб хидламоққа келгансан факат,
Келгансан ҳаммаси чеккада қолиб,
Сўрашга соату кетмоққа рухсат.

1970

ҮЗИНГ ҚАРА

Мана, энди осмон зангори,
Қайтиб келди кетган у қушлар.
Табиатнинг борлиги – бори
Кўз олдингда ўйинга тушар.

Ўзинг тўйиб қара барига,
Мен-чи. қўлга қалам олмайман.
«Олам гўзал бундан ҳам» дея,
Шеърда сени алдай олмайман.

1972

БАЛИҚЛАР БОЗОРИ

Балиқлар ҳам тўпланиб олиб,
бир-бирига сирли шивирлар,
Олтин танлари уларнинг
кун нурида сирли живирлар...

Сал четроқда тураг уялиб,
тангасийўқ бир тўда балиқ.

1972

ЎЗИНГНИ ТУТ

Ўзингни тут, қийин бўлмоқчи...
Ўзингизни тутинг, ҳей кўзлар,
Сизга қайноқ ёшлар тўлмоқчи!
Юрак, сен ҳам баҳтни ол, мана!
Ўзингни тут, лекин ногаҳон
Ёрилмагин, қувончдан яна.
Ўзингни тут, кўз - нурли ҳалқа,
Ўзингни тут, бугун сен ахир,
Боқмоқчисан буюк бир Халқقا.

1972

ТОНГ МАҲАЛИ

Тонг маҳали эшитиб қолдим сеҳрли шитир
Ва тингладим бу шитирни мен ютиб нафас...
Балки турна биз томонга қайтаётгандир,
Балки унинг қанотидан чиқмоқда бу сас.
Балки булат сас чиқариб кўқдан йўқолди,
Тўкилдими ё новдадан қишки охор?..
...Шунда тенгсиз гўзалликни мен куриб қолдим -
Куйлагини алмаштириб киярди баҳор!

1973

ЧУМОЛИ

Ниманидир судраг у ёлғиз,
Бу галгиси дон эмас... Лекин
Судраб борар сассиз - йиғисиз,
Бошқа чумолининг ўлигин.

1972

УЧАЁТГАН ҚҰЗИЧОҚ

Учар у подадан анча нарида,
Булутларга яқин учар құзичоқ;
Она қүй маъраши қулоқларида,
Күзлари олдида ям-яшил ўтлоқ.

Ерда иккитадир унинг сояси, -
Она бургут унга ҳамсоя учар:
Күзлари олдида таниш қояси
Ва ҳали қанотсиз, оч бургутчалар...

1972

БОҒДА

Күзим түлди,
Юрагим түлди
Соғинчлардан ва аламлардан,
Томогимга недир тиқилди
...Ва бақириб юбордим бирдан!

Күшним менга қаради чүчиб,
Новдадаги қүш кетди учебі -
Мени «тентак» деб ўйлар қүшним,
Лек билмадым фикрини қүшнинг.

1972

ДҮСТАЛДЫРЫЛЫПТАР НАУКАСТА ҚИЛМАСЛИК УЧУН

Дүстларни дилхаста қилмаслик учун,
Сен факат ўзингдан қиласан гина.
Ўзгалар ҳолидан кулмаслик учун,
Сен ўзингдан қулдинг жимгина.

Не бор бу дунёда сўздан оғирроқ?
Сен - ўша сўзларга абадий ҳаммол.
Сени кўрсатишимас одамлар бироқ
Ана, келяпти дея, қахрамон.

Кулсанг... йўқ кулмадинг парда ортида,
Йиғласанг... маъқулдир танҳо куйганинг.
Ўзингни севмайсан, етиб оргади
Сени ўзгаларнинг севгани.

1973

ГУВОХНОМА

Сен ўз гўзаллигинг билан ўтасан,
Сенда йўқдир мақр, йўқдир хушомад.
Чехрангни ҳамиша мағрут тутасан,
Кимни титратмайди бу гувоҳнома?

Бўймасанг эди сен гўзал бу қадар,
Ақлли бўлардинг ғовлар олдида...
Баъзан Ақл учун жазо оларлар,
Аммо Гўзалликка шафқат бор бунда.

1973

ПАРИШОНХОТИР ОДАМ

О, бу күл!
Бу күллар билан
Фақат манглай силамоқ мумкин....
Шундай хаёл қилиб мен тентак,
Манглайимни тутибман бугун!.

Билмабманки бу баҳайбат күл
Кулогимга чүзилғанлигин...
- Кечирасиз, мана қулоғим!

1973

ЁЗ ТУНИ

Бошим узра - Океан, тинч, тинч.
Бошим узра юлдузлар юзар...
Бу уммон остида димиқкан ҳар ким
Үзини ойқулоқсиз балиқдай сезар.

Жуда ёмон, ҳар оқшом инсон
Балиқ сезаверса ўзини
Ва океан юзасига у
Сузиб чиқолмаса ҳеч қачон!

1973

КҮЗОЙНАК

Ёмон алдар экан алдаса
Дараҳтлар... Бир куни қарасам,
Айёрларча, олма шаклида,
Гулла-а-а-б туригти менинг ҳассам:
Қани унга тезроқ қарисам!

Дуч келганга түқиб ҳар хил байт
Мен бунда парвосиз юрибман ўйнаб,
Лекин мени қайдадир, шу пайт
Излаб юрар етим күзойнак!..

1973

ШУНЧАЛАР БАХТЛИ БЎЛАДИМИ...

Агар шу кўксимга,
сен бош уриб турган кўксимга,
ханжар билан урсалар эди,
балки мен йигламас эдим ҳеч.

Лекин ҳозир йиглагим келади
кўксимга эгилган бошингни кўриб,
йиглагим келади -
сен мени,
мен сени,
баҳор эса, иккимизни қучиб турганда...

-Оллоҳим, шунчалар ҳам баҳтли бўладими киши?!

1973

ҚИШ

Идрок тиниб кетар кўз каби
Рад ҳам оқ бунда, зид ҳам оқ.
Айни қишида юракка жабр
Гулдай очилишни истамоқ.

Дунё боқар юзини босиб
Совуқ шишасига кўзларнинг:
«Танаффус» тахтачагин очиб
Қайга кетиб қолди гўзаллик?

Турналарни - устидан ўтган -
Дараҳт аллақачон санади.
Менинг лабларим-чи, унутган
Видо олди ўпиш санъатин.

Мен кечаги йиртиб ташлаган
Умидларим тераман факат.

1976

ВАЛФАЖР

(Бир оҳангда)

1

Силамоқ шарт эмас музнинг бошини.
Унга яхшиликни истаган ҳар ким
Якинига бормай,
Сухбатлашсин чеккарок туриб.
Агар у «яшасин» дессангиз,
Уни илиқлиқка ўргатманг,
Ўргатманг бизларнинг муносабатга.
Музлиги - унинг ўзлиги.

Кўлқоп кийдирмангиз музга ҳеч қачон.

2

Кўйиб юборинглар унинг ўзини,
Олдига борсин у болаларининг.
Лекин олиб қолинг тилини,
Тилини чинорга боғланглар,
Хивич кесиб олинг,
Саваланг!
Ахлоққа нолойиқ бир даражада
Каттариб кетган бу филсифат тилни.
Саваланг, токи фил
Кувноқ қўшиқларни айтиб юборсин.
Ишонманг, ҳеч қачон ишонманг
«Фил қўшиқ айтмайди» деган ношудга.

3

Оч одамга нонни ўйламоқ
Куллий азобдир.
Тўрт девор ичида ўтириб,
Қанот орзу этмоқ ундан ҳам ёмон.
Шундай экан, қўшиб юбормоқ зарур
Бу икки тасаввур,
Икки азобни:
Яъни учәётиб нонни унутсин,
Нон еб ўйламасин парвозни одам!.

4

Дараҳт ўсмоқчими, ўсаверади,
Рухсат сўраб келмас меникига у.
Шамол эсмоқчими, эсаверади,
Куёш ҳам ўзининг айтганин қиласар.
Фақат мен бирор не ўйласам
Айтмоғим душвордир ўйлаганимни.
Мўъжиза юз бериб айтиб кўрсам-чи,

Айтганимни қилолмайман ҳеч!.

5

Ўзгарар заминнинг жамоли,
Одам қиёфаси узгарар.
Мухаббат ҳам энди бошқача -
Кечаги кўйлагин бугун киймайди.
Мардлик ҳам ўзгарди,
Кечаги мардлар
Бугун истеъфода, қарасалар-ки,
Бу хислат мазмуни кенгайиб,
Чукурлашиб борар хотира каби.
Бу-ку тураверсин
Тузоқ-чи, у ҳам
Воз кечди ўзининг сийқа шаклидан.
Энди тепасида шабнамлар ёнар,
Булбуллар сайрайди унинг бошида,
Қошида товуслар керишади жим,
Унинг ўзи эса мутлоқ тилладан.
Факат тахрир килиш керак исмини.

6

Идоранинг эшиги
Бошқа эшиклардан фарқ қилмайди ҳеч.
Лекин ҳар бир идоранинг
Ўзига хос деразаси бор.
Ундан тикилганда кўчага
Уйингдаги каби
Онанг қараб турмас ортингдан.
Онадан азизроқ,
Барча оналардан ҳам машхур
Портрет тикилиб турар елкангга.
Сен бўлса дераза раҳида
Бирор марта мажлисга кирмаган

Чумчукни кўриб ҳайратга тушасан.

7

Умримни япроққа қиёслаб,
Йиглаб ўтирумайман унинг устида.
Сизни ражитмайман ҳеч қачон
Катта океанга ўхшатиб уни.
Чунки мен япроқдан қўпроқ яшайман,
Узоқ яшолмайман океан каби.
Айтгандай қиёснинг не кераги бор?
Умр деганлари - сўққабош одам,
Ҳатто уйланса ҳам бирор қиёсга
Боласи бўлмайди умрнинг.
Йўқ, йўқ, ҳар бир киши ўз умрин
Улкан бир қофознинг шаклида
Тасаввур этсин,
Деворга оссин уни,
Агар лойик девор топилса.
Сўнгра узоқлашсин девордан
Олтмиш-етмиш йиллик масофага у.
Ўша узоқликдан туриб қофозга
Қарасин.
Бирор из кўрмаса унда,
Яқинроқ келсин, қирқ йил яқинроқ...
Шунда ҳам ҳеч нарса кўра олмаса
Деворнинг тагига келсин у одам.
Кўзига бешламчи кўзойнак тақиб,
Тикилса бепоён қофозга.
Кўрмаса бирорта изни шунда ҳам,
Майли, у қофозни йиртиб ташласин.

8

Етар, индамайман энди мен.
Деразанинг шаффоф ойнаси каби
Ўтказавераман нурларни,

Лекин **индамайман** ҳеч қачон!.
Кишки деразанинг ойнаси сингари
Кўкариб кетайин, музлаб қолайин.
Аммо индамайман бир оғиз!
Майли, чил-чил синай шамолда,
Бўрон қанотимни деворга урсин,
Бари бир **индамай** ўламан.
Молу мулкингизни эҳтиёт қилинг,
Агар ўғри тушса кўксимни ўйиб,
Мен сизни уйғотиб юрмайман энди,
Жаранглаб кетмайман ҳеч қачон!.
1980

БАҲОРДА

Бирдан қисқаради тун ёниб,
Кунлар узоқ-узоқ чопади.
Онасин йўқотиб қўйган Дунёни
Қуёш кўчалардан топади.
Кўксим юпқалашди бир ой ичидা,
Кўриниб қолди-ку бу юрак.
Бу ахволда қалтисдир жуда
Атроф билан ёнма-ён юрмак.
1977

ЎЗИМНИ АВРАЙМАН

Ўзимни аврайман уйқу олдидан,
Шивирлайман ўз қулогимга:
«Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Унут ҳаммасин!
Эшитганингни унут, кўрганингни унут.
Кўзларингга ишонма. Ухла!»

Лекин ухлолмайман. Халақит берар
Бу қайнок күзларим,
Мен ишонмаган күзларим.

1977

ҚИСҚА КҮЙ

Қадаҳни отасан
Чил-чил синар у -
Күйлар ичра энг таъсирлиси
Күйлар ичра энг қисқаси шу.
Сен - майдан масть,
Мен - майдан эмас.

1977

СОНЕТ

Сен эдинг ҳаваслар акс этган күзгү,
Сен ҳеч қарамасдинг, сенга қарашибди:
Офтоб омон эди, күк эди эзгу,
Бахтимиз хам шунга яраша эди.
Энди оқкуш каби менинг хотирам,
Қайси бир осмонга талпинар бехуд.
Қанотин күз ёшга ҳолсиз ботирад
Күйларни занжирбанд этганды сукут.
Энди алдайды-ку мени дўстларим
Офтоб омон дея, осмон бор дея.
Ва сени тирик, деб алдар күзларим.
Алдайды мени бу яқин дўстларим,
Ҳаммаси бор дея, сени бор дея.
Ва лекин негадир йиғлар ўзлари.

1977

ТУН СОАТИ

Эшик тақиллайди,
Тунги соат бир.
Эшик тақиллайди бир яримда ҳам.
Лоақал фарёд чекса
Уввос солса эди кимдир, лоақал...
йүқ,
Қайта-қайта бош ураверар
Умид ва етимлик,
Умид, етимлик.
Эшик тақиллайди - тун қуюқлашар.
Эшик тақиллайди - тун баттар қора.
Тун портлайди
Энди тақилласа.
1976

ТУФИЛГАН КУН

Йиги келар, келмайди күзёш.
Келар илхом, шеър-чи ёзилмас.
Бу ўттиз ёш эмас, бу юз ёш.
Кор ёғмоқда, излар босилмас.
Сени ўртар бултурги хислар,
Масофамас, тутун орада.
Кор ёғару босилмас излар
Оқ дока остида ярадай.

1979

ТОНГ ОТМАС

Тонг отмас, тонг отмас, қалб ботмас, -
Кадар аталаси шунчалар қуюқ.
Олти бўлган нарса, балки соатмас,
Отмаётган нарса тонг эмасдир, йўқ!

Мен ўз сирларимдан бўлмайман вокиф,
Туфлайман уларга, сени ўйлайман.
Дарчанинг моматалоқ юзига боқиб,
Ит каби кўзларим билан сўйлайман.

...Асли ўзим ёмон. Мен - ёмон тушман.
Сесканиб тураман соат олтида.
Менинг ўзим аскар, ўзим урушман
Мухаббатнинг шундоқ кўзи олдида!

1978

ҚОР

Фақат Октябрга эмас,
Сенга-да шараф-шон бўлсин, қор!
Агар омон борса бойчечак
Сен ҳақда баҳорга сўйлаб беради.
Баҳор эшитганини,
Кўнғироқдай жаранглаб ёзга айтади.
Ёз ҳам сал-пал қўшиб ўзидан,
Кузга етказади сен ҳақда хабар.
Фақат куз соchlари сумбула
Кўнгли бўш фасл
Сен ҳақда йиғлайди тинимсиз.

1978

БАХОР

Күш билан одамнинг манфаатлари
Ҳали-вери дуч келиб қолмайди.
Ҳозирча дарахтда ухламас одам,
Кун кечирмас қурт-қумурсқа еб.

Ёки бирорта күш дўкон олдида
Навбатда турмайди мен билан.

Ҳатто энг рашикчи эркак ҳам
Қушдан рашик қилмайди ўз хотинини.

Шунинг учунмиカン, баҳор айёми
Қушлар ёт тилларда қўшиқлар айтиб,
Эгаллаб олганда Ўзбекистонни
Қувончга тўламиз, хафа бўлмаймиз.

1979

АЗОБ

Ўртамаган қолмасин аъзо,
Мени ўрта, тинмай ўрта, дил!
Ўхшамасин азобга азоб,
Оқсин, доим оқсин мўътадил.
Фарқ қилмасин эски янгидан,
Кўтарилсин қалб афсунгари.
Азоб отли оқим тагида,
Сувда ўсган бир гул сингари.

1979

ШҮРЛИК

У күчадан ўтса
Бинолар шошар,
Орқага чекилиб йўл берар дарҳол.
Күчадан ўтса у
Чўнгагига кўлини тиққан
Бирорта кимсани кўрмайди шўрлик.
Чунки барча қўллар
Чўнтақдан чиқиб,
Кўкракда жаъмулжам бўлади дарров.
Кўчадан ўтаркан,
кўрмади ҳали
Бирорта теракни шаҳарда,
Чунки тераклар ҳам букчайиб олар
Жинси йўқ дараҳтдай уни кўрганда.
Кўчадан ўтмайди,
Балки сузади
Кемадай залворли, вазмин, сервикор
Илтимослар уммонида у.
Уйига бормайди,
Бажарар холос
Уйининг «кел!» деган илтимосини.
Йўқ, у овқат емас уйида,
Балки кўнгли бўшлик қилиб дафъатан
Илтимосин бажариб кўяр овқатнинг.
Туғишган иниси - иниси эмас,
Бу ҳам илтимоснинг оқибатидир;
Қандайдир бегона одамнинг
«Бирга туғилайлик!» деган бемаъни
Илтимосин бажарган эди бир пайтлар.

1979

ДЕКАБР

Рассом Шухрат Абдурашид хотирасига

Оёғимда декабринг муз занжиirlари
Эриб-эриб тушар яшил арча ёнида...
Тиз чўкаркан мен январнинг оптоқ пойига,
Тилагинг не, деб сўрайди мендан Янги йил.

Тилагим шу: январингга айтгин аввало,
Қимиrlамай турсин бир зум, унинг пойига
Ёзиб олай, токи, шуни: февралингга айт,
Пуч ёнфоққа тўлдирмасин баҳор кўйинни.

Мартга буюр: бойчечакни қилмасин хазон,
Ёмон одам эмасмиз биз -тушунтири майга,
Декабрга хозироқ айт, вақт борида айт -
Дўстларимни ўзи билан олиб кетмасин!

1979

ОЧ БИР ЧУМЧУҚ БЎЛСАМ

Оч бир чумчук бўлсам,
Қўнmas эдим сизнинг деразангизга.
Чумоли бўлсам мен,
Кесиб ўтmas эдим сиз ўтган йўлни.
Сиз ғассол бўлганда эди,
Албатта сиздан сўнг ўлардим.
Агар дарахт бўлсам,
Сизнинг боғингизда кўкармас эдим.
Лекин харсанг бўлсам,
Йўлингизда кўндаланг ётган бўлардим.

1979

ҮРТАДАГИ ГАП

Үртадаги гап үртада қолмас,
Сизни үртар ҳали үртадаги гап.
Гар сиз уялсангиз, бу гап уялмас,
Сиз шириң бўлсангиз, ҳақиқат - шўртаъб.
Гапингизни айтинг - сизни үртаган,
Экманг уни фақат икки үртага.
Чунки бу дарахтнинг илдизи сизда,
Судралар беомон изингиздан!

1980

ПАХТА

Унга тирсакларим ботириб,
Бошимни чанглайман:
- Хонтахта!
Бўйи уч қаричу
Эни олти қарич шудгорим менинг!
Ҳеч бўлмаса, тўрт туп пахта
Экмоқ мумкин бўлса эди...
Тўрт туп пахта.

1979

КУЛГИ ЧЕГАРАСИ

Кулгим чегарадан чиқиб кетдими?
Бу юз,
Бу башара меники,
Шу менга қарашли ёлғиз мамлакат
Ўзим ўрнатаман чегарани ҳам.
1979

ҚИШКИ ТУШ

Эмин Усмонга

Қишлоқ бир жимликка юз тутган,
Йүқ бунда қарғанған қарғалар.
Биттаси қолибди юз тутдан,
Узокқа кетибди долғалар -
Жайхұн күп узоққа кетибмиш,
Тутларни ўзига ияртиб,
Бу ерда қолгани етиммиш.
Алвон яллиғликда куяр тут,
Сүңгги қүш көвакда түшар пар.
Бу күшнинг күзи күр , күрмайди.
Сукунат. Бундаги ҳар шарпа
Ёдінгта умрбод ўрнайди.

1980

СҮЗ

Оғир ботар
Қўлимизга
Кимнингдир тиши.
Оғир ботар
Қўнглимизга
Арзимаган гап.
Оғир ботар
Бизга энди
Ботаётган қуёш.
Кўксимизнинг
Чап уфқига
Оғир ботар ой.

1979

ЁМГИР

У ерга айтмоқчи эди сирини,
Хайқира бошлади осмондан тушмай.
Ниҳоят тушунди ҳеч қачон сирни,
Айтиш мумкин эмас осмондан тушмай.

Жим бўлди... Тушди-ю ерга жимгина,
шивирлай бошлади шундок ойнадан.
Бари бир тушуна олмадим унга,
Фақат дил увушиб, титради бадан...

1972

ЯНА КИМ БОР ЭКАН СЕНДЕК

Дунёда яна ким бор экан сендеқ
Айри этолмаган ҳазилдан чинни,
Салгина нарсадан баҳтиёр тентак,
Салгина нарсага хафаҳол жинни.

Ким экан юртидан минг бора кетиб,
Лоақал бир марта қайта олмаган,
Уч кун киприк қоқмай онасин кутиб,
Келганда илиқ сўз айга олмаган.

Ким кезар шовқишли шаҳар йўлларин
Қадим «Сегоҳ» ила бўғзини бойлаб.
Аждодидан теккан озгин кўлларин
Мангу маوش каби чўнтакка жойлаб?

1980

ҚУДУҚ

Кишлоққа охиста тушади туман,
Күнади баҳайбат
Ярадор оқ қүш.
Осмоннинг юборган элчисисимон
Қанотин йифолмас
Бемадор оқ қүш.

Кишлоқ ўртасида турган қудукқа
Бўйинни тиқади
Зўрға ҳансирааб.
Дунёда неки бор ташна ютоққан
Сув сўраб келади
Ёки жон сўраб.

Тонг отар, уйғотар мени отган тонг.
Оқшомги тумандан
Тилларим дудук.
Дараҳтлар остида кеча ботган тонг
Ва турар сўппайиб
Кечаги қудук.

Билмайман, у борин тамом этдими,
Сувлари ярадор қушга етдими,
Ёки қуш қудукқа тушиб кетдими,
Эгилиб қарашга қўрқаман.

1980

НАРСАЛАР

Бу ипак күйлакни сотувчи
Қоғозга ўрабди овора бўлиб.

Хали ҳам ўроғлик ётибди, ана,
Тушига кўмилиб.
Тушида елкамни кўриб ётибди.

Жавоннинг тушида кийимлар эмас,
Одамлар осилиб турар ҳамиша.

Одамга кўп нарса керак эмасдир,
Балки кўп нарсага керак одамзод.

1980

ОДАМ ЖАМЛАБ ОЛСА ЎЗИНИ

Вужуд, томирларинг ёпиб ол,
Киригма у ерга сотқин титроқни...
Кўкракка лағча чўғ темири
Босганда душман,
Оғиз, гуллаб кўйма кўқрак сирини!

Кичқириб юборма, бўғиз,
Инграб, хирқирама азобдан -

Одам жамлаб олса ўзини,
Ўзини катта бир майдонга йиғса -
У улкан лашкардир.

1980

ГУЛЛАРИМ ЮЛИНДИ

Гулларим юлинди -
Кел, гулим, кел, гулим.
Севгининг йўлинда
Кўзлари термулим.
Тўфонни ютдим мен -
Юрагим тилинди.
Бу фанни ўтдим мен,
Бу билим билинди.
Мен юлдим! Кул, гулим -
Тугади энди йўл!
Сўнгги бор юл, гулим,
Гулингни сен-да юл!
1980

ТУШДАН СЎНГ

Тушларинг пардаси кетар йиртилиб,
Туғила бошлаймиз беомон тақрор.
«Ҳаёт ширин», деймиз минг бор эрталаб,
Минг бор бегонадир оқшомги иқрор.
Тушингни сўйлайсан тўشاқда ётиб,
Бошсиз махлук ҳақда кечаги,
Сўйлайсан хотинга қахқча отиб,
Хикоя қиласан узиб ичагинг.
Кўзингни очдингми - озодсан, бирдан
Занжир қуш мисоли кўкка учади.
Туш эмас, турмадан чиққандай, хурсанд,
Хотинни ўласан. У ҳам кучади.
Ақлимиз бўлмайди ҳеч пароканда,
«Ҳаёт ширин» деймиз ҳар тонг, ҳар сафар -
Бургут тумшуғида муборак қондай
Ялтирар лабларда ўша фалсафа.
1980

САНЪАТ

Одамни ўт билан ёқиб бўлмайди,
Одамга қор билан ўт қўйиш мумкин.
Мовий осмоннинг бир парчаси билан
Ўт қўйиб юбориш мумкиндир, унга.

Кўшикни устига сепинглар
Гул билан
Булбулни тутатқи қилиб,
Ёқинг самандар күш одамни!.

Атрофда ҳеч вақо бўлмаса,
Қақраган чўл бўлса теварак,
Ёқиш мумкин тагига
Унинг ўзи ёзган шеърларни қалаб.

1980

ШОИР

Рауф Парфиға

Тамаки хидидан бўғилган девор,
Мехмондан чарчаган дастурхон.
Унда олмаларнинг қолдиги,
Ғийбатлар қолдиги ётибди.
Курсида ўтирас кўзлари ботик,
Сочлари оқариб кетган күш.
Сайрашни унутган,
Бизнинг тилимизга ўтиб олган у.
Бизнинг тилимизда гапирган куни
Сочлари оқариб қолган күш.

1980

СҮЗЛАРНИ ЯРАТИБ

Сүзларни яратиб,
Уларга буйсунамиз бир куни.
Хар кимнинг бўйнида осилиб турар
Маълум ҳарфлардан ташкилланган сўз.
Дейлик «Аҳмад!»деса уйғонмайман мен,
Уйғонмайман "Тошмат" деб бакирсалар ҳам -
Исмимни билмаса момақалдироқ
Уйгота олмайди мени ҳеч қачон!.

Ўйлаб кўринг энди, қанчалар қийин
Бутун халқни уйғотмоқчи бўлган даҳога.

1980

ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ

Уларнинг кўнгли очиқ дераза мисол.
Уч ойлик баҳордай ҳазилкаш улар,
Суҳбатлари узоқ ёзнинг кунидай,
Куз каби маъюсдир,
Киш каби совуқкон,
Оғирдир улар.
У ерда бирорта онани
Ўғли ташлаб кетмас, ишонинг.
Лекин улар серташвиш
Менинг чўнгагимдав ётган мактубдай.
Улар безовтадир,
Безовта бугун
Мен олган телеграмм сингари.

1980

ХАЙРИЯТ

Машина «шовқин соляпман» деб ўйламайди,
«Оқяпман» деб хаёлига келтирмайди дарё.
Кулоқ эшишиб, кўз кўрмади ҳали
Куртак чиқарган бирор дараҳтнинг
Туғаётган аёлдай дод солганини.
Телефон ҳам ўзининг қўнгириғидан
Сапчиб кетмайди ўзи.
Яхшиям сапчиб кетмайди.
Бўлмаса, у ҳам бир куни ўларди
Мозори устида йиғлаб ўтирадик унинг ҳам.

1980

ЖИМЖИЛОҚ

Баҳорнинг қўли йўқ,
Жимжилоги бор.
Ўша жимжилоги билан у
Ширин тегиб қўйди қўёшга -
Куёш билмай қолди
Кулиб юборганин «хо-хо»лаб.
Сал-пал ушлаб кўрди, сал туртиб қўйди
Бўртган жойларига новданинг.
Ундан ҳам оҳиста,
Янада ширин,
Туртки эмас, енгилроқ ҳаракат ила,
Нима десам экан, тегди-тегмади
Бўртган жойларига маъсум қизларнинг
Йўқ, у одоб билан йўл берди холос
Чиқиб келаётган... ҳаммага.

1980

ПУЛ

Пул ҳеч кимники эмас.
Агар биронники бўлганда эди,
У ўша «биров»нинг боғида
Ўсган бўлар эди дараҳт сингари.
Биз эса шеър ёзган бўлардик
Бу ажойиб дараҳтга бағишлаб.

Пул - ҳамманики.
У турна мисоли, куз келса,
Учиб кетар биздан узок-узокқа.

1978

ИЗЛАШНИ СЕВАР У

Ғира-ширалиқда
Ярим қоронғида
Қолдиринг.

Бўсани қолдиринг уйдан чиқсангиз
Севгининг ёнида
Сўзлар йўқ жойда.

Бир илиқ нафасга белаб бўсани
Қолдиринг сукунат устида,
Алла айтсин тувакдаги гул.

Бўсанинг кўзини боғлайлик,
Излашни севар у
Қоронғилиқда.

1980

ТУНГИ ЁМФИР

Тун.
Бир ёмғир ёғмоқда
Гул таъми аралаш,
Бир ширин ёмғир.

Гүё минглаб одам дуо қилмоқда,
Гүё пичирлашар
Минглаб ошиқлар.

1978

ЛАЗЗАТНИНГ ХИЛЛАРИ

«Лаззатнинг хили кўп» деганда
Кўзлари ёғ босган мечкайнинг
Таомга муҳаббатини эмас,
Димиқкан оқшомда
Хирсдан эриб кетган банданинг
Сассиқ тушларини эмас,

Ёлланган қулларнинг
Гўдак манглайига тўппонча тираб
Олган завқ-шавқин ҳам айтмайман.

«Лаззатнинг хили кўп» деганда
Ғалати қувончни айтмоқчиман мен:
Золим портрети ёнса гулханда.

1980

ШАРҚ ШОИРЛАРИ

Кўкаравер,
Ўсаверар, бир кун
«Гул» бўлажак барибир исминг.
Гарчи, сен бултурги гулдан бошқасан,
Гарчи, бултургиси - хотира,
Сен бўлса, хаёлсан кўкараётган.
Ўсаркан, сен ўзинг ўсмайсан,
Сенинг исминг ўсар ҳар йили -
Бўйи бир хил унинг, япроги бир хил,
Ўзгармас исмингнинг хидлари.
Бу не муҳаббатдир,
Бу не мўъжиза -
неча асрдирки, Шарқнинг шоири
Нозик бир ўсимликнинг бутоғига
Боғланган банди дев каби талпинар!

1980

СЕНГА БИР ХАЁЛИЙ ДЎСТ КЕРАК

Сенга бир хаёлий дўст керак. Гап шу.
Бир чехра керак - сен ўполмайдиган,
Гулсиз бориш мумкин бўлган учрашув,
Дафъатанлик - чўчитиб юбормайдиган.
Лабларинг қақраган, томоғинг қуруқ,
Қуруқ дайдиганинг дайдиган -
Бугун бир мастона сухбатдошинг йўқ,
Хеч ким йўқ санамай саккиз дейдиган.

1980

МУСИЧА

Қанотингни ким синдириди,
Кўй оғзидан чўп олмаган,
«Нари тур!» демаган бировга,
Ҳеч кимдан ҳеч нарса таъма қилмаган,
Фаразни билмаган мавжудот,
Тошкентда яккаю ягона мўмин -
Сингилгинам менинг,
Мусича!..

1978

БҮЮРТМА

Сиймо эмас,
Башара эмас,
Киёфа сурати керак, унутманг.

Чўққига чирмашаётган одамнинг
Ҳақиқий тасвири керакдир менга.
Чўққида қўшиқ айтгаётган,
Чўққидан қулаб тушаётган
Одамнинг табиий тасвири керак.

Севгимга чалингандар юракнинг
Турли холатлардаги расми,

Ялинаётган тилнинг,
Фақат бир алфозда -
Ялинаётган пайтдаги сурати.

1980

ЗИНАПОЯ

Чақмокдай «ялт» этди янги бир фикр,
Шиддат тикон гулдай барк урди,
Үрнидан турди,
Ёришди ним қоронғу тафаккур,
«ТҮҚНАШУВ» деб ёзди қоғозга!
Үйлаш мумкин эмас эди,
Афсус үйланди -
Устидан чизилди «ТҮҚНАШУВ»,
Ёнига ёзилди «ЮЗМА-ЮЗ».
Үйлаш ўлим билан баравар эди,
Лекин у күркмади, «ЮЗМА-ЮЗ»нинг ҳам
«УЧРАШУВ», деб күйди ёнига.
Эдди үйлаш ўлим деган гап эмас.
Энди у мутлақо хотиржам -
Бир-бир босиб, хиромон юриб,
«УЧРАШУВ» «ВИСОЛ»нинг ёнига келди.

1980

ТАБИЙ

Ётган эдим,
Ётиғи билан тушунгирди ахволимни у,
Иситмани күрди муздай қўллари билан.
Бош учida турган гултувакни
Деразадан иргитди ётиғи билан.
Гул хиди заарарли сизга, деб шивирлади,
Қахрамонингиз чекаверсин,
Сиз чекманг, деди яна ҳам ётиқрок.
Энг муҳими, деди у энгашиб,
Сиз юлдузлардан нафратланишингиз керак...
Ётиғи билан чиқиб кетди сўнг...

1979

ЁЛГИЗ ОДИМЛАЙСАН

Ёлгиз одимлайсан ёлгиз күчада,
Хоргин айланади атрофингда кор.
У сенинг елкангни аста қучади -
Беозор, беозор, беозор.
Бу қизнинг кокилин тараб бўлмайди,
Кўлини иситиб бўлмайди унинг.
Фақат сен у билан бир соат дайди,
Унга бир соатни бергил, бу туннинг.
Кор тўхтар. Сен эса мушук уйкусин
Бузмаган пайғамбар каби беозор
Юрасан, елкангда бир малак йўсин
Ухлар узоқлардан чарчаб келган қор.
1979

МУХЛАТ БЕРИНГ

Бир йил мухлат беринг,
Албат йўқ қиласман
Сизни қийнаган
Ўзимдаги мақтанчоқликни
Беш йил беринг менга,
Беш йил ичида
Кунбакун захарлаб улдиарман-ку
Сизга кун бермовчи такаббурлигим.
Олтмиш йил сурайман.
Олтмиш йил беринг,
Олтмиш йўл юриб изидан етиб,
Бошини олайин худбинлигимнинг.
Юз йил берсангиз, бас
Мен Дарвиш каби
Илтимос қиласман ўз шогирдимдан
«Дарвишни учратсанг, ўлдиргин!» дея.
1979

РАСМИЙ РАМЗИЙЛИК

Расмий!

"Салом"дан тортиб "хайр"гача -
Хаммаси расмий.

Күзингни юмасан ўзгармай,
Ўзгармай күзингни очасан,
Ох тортасан,
Теран-теран сузасан күзингни,
Теран-теран расмий...

Рамзийликдан узок,
О, қанчалар узок рамзийликдан
Менинг гулларим!

1980

ТУНГИ ЧЕГАРА

«Сиз» сўзи торгинчоқ кундузлар.
«Сен» эса оп-ойдин окшом.
Пайт келиб хаммамиз
«Сиз» деган чегарадан
Ўтамиз тунда.

Айнан тунда -
Тунда ўтажакмиз кундузни.

1980

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ҚАХРАМОН

(Хаётидан парчалар)

1

У доим ниманидир күтариб турган бўлади,
Кўтариб келаётган
Ёки кетаётган бўлади.

Рахмингиз келиб,
«Юкинни ерга қўй!» дейсиз,
Ерга қўяди У юкини.

Аммо яна ачинасиз унга караб:

«Нима бало, кўйлак оғирлик қиляптими энди,
Ечиб ташла кўйлакни!» дейсиз,
Дарҳол еча бошлар итоат билан
Ечиш мумкин булган барча нарсани.

«Бор, энди уйингга, дам олгин,
Яланғоч турмагин кўчада!» дейсиз.
Лекин унинг кетаётганини кўриб,
Яна бақирасиз асабий:
«Энди нима оғирлик қиляпти сенга,
Нимани кўтариб кетяпсан яна?
Кўлингда ҳеч вақо йўқ,
Эгнингда ҳеч вақо,
Нимани кўтариб олдинг сен яна?!»

2

Эшигини тақиллатсангиз,
Гуё сизни кўриб тургандай,
Дарров очар У
Ва сўз қотар табассум билан:
«Кечирасиз, мен сиздан
Бир нарсани сўрамоқчиидим...»

Сиз Уни тингламай,
Уйига кирасиз-да,
Үтириб оласиз
Унинг шалоқ креслосига.

Ёнинизга келиб,
«Сизни безовта қилмадимми,
Мен шунчаки...» дейди У яна.
Жавоб бермасангиз,
«Майли, бошқа сафар сўрарман», дейди.
«Хайр...» дейди сизга жилмайиб
Ва чиқиб кетади уйидан.

3

Кечиринглар мени,
Бу одам бир маймунга менгзар,
Яъни У кулганда,
Йифлаётган бўлар шубҳасиз.

Шу боис,
Хеч ким Уни
Чакирмайди дафн маросимига -
Шарманда бўлишни истамас ҳеч ким.

Шу боис, Унинг собиқ дўсти
Кўриб қолса қўчада Уни
Кўрмаганга солиб ўтади,
Кўришдан чўчийди
Унинг машхур табассумини.

Шу боис,
Хотини ташлаб кетди Уни,
Ўзга эркак билан баҳтиёр бўлди.

Лекин ҳозир ҳам
Қора терга тушиб кетар бу шўрлик аёл

Кетаётган куни
Тиржайиб турганин эсласа Унинг...

Мана, у ётибди
Кимсасиз уйда,
Коронги хонада,
Ўзига тиржайиб ўзи.

4

Шу одам
Кўлида идиш-ла
Хузурингизга чикар эрталаб,
«Кушлар қайга кетди?» деб сўрар сиздан.
Шунда жеркиб берманг уни,
Истеҳзо аралаш,
«Қахратонда қуш нима қилади» деманг.

Яхиси жилмайинг,
Унга тақлид қилинг бир лаҳза -
Мулойим жавоб беринг,
«Кушлар ҳозир келади,
Даров қайтиб келади!», деб алданг.

Лекин зинхор шоирона килиб,
«Кушлар сув ичгани кетди», деманг.

Чунки Унинг қўлидаги чаноқда
Лиммо-лим сув турган бўлади
Кушларга аталган,
М у з л а б қ о л г а н с у в...

5

“Биласизми, - дейди У сизга тикилиб, -
Нечун «Эрк» деганда,
Кушнинг номин боғлаб айтарлар,

«Күшдай эркинман», деб айтарлар нега?

Чунки хақоратдан устун туар қүш -
Үта оғзи шалоқ кимса ҳам,
Үзини сүкади қүшни сүкканда.

Чунки қүш бирордан гина қилмайды,
Хафа булмас дон бермасалар,
Лекин таъзим қилмас дон берганга ҳам,
Чунки ким дон берса,
Үзи учун берар қүшга берганда.

Күшни «хуррак» дерлар,
Бу - ёлғон.
Күш доим хуркканда,
Ташлаб кетаётган булади холос
Навбатдаги Эрксизлигини...

6

Учгиси келган одам эса,
Күкка қарамасин илож борича...
Бари бир мен
Қанотлар шарпасин сезаман ҳар кун.
Юзимга тегади бу шарпа,
Кўксим,
Кўзларимга тегади,
Отиб туширилган қүшнинг шарпаси.

Отиб туширилган қүшнинг шарпаси
Олманинг ҳидига ухшайди,
Еб қўйилган олма ҳидига...»

7

«Дўстларим ўлган» деб айтмаслик учун,
Сизни қийнамаслик учун,
Камтарлик қилиб,

«Үлгандарнинг дўстиман», дер У.
«Мен кузни севаман», дейишдан чўчиб,
Кўнглингизга қаттиқ ботмаслик учун,
«Мен қари баҳорни севаман», дейди.

«Ичмайман», дейишдан уялганданми,
Ўзини оқлабми,
Сизни ёқлабми,
«Мен -- синган қадаҳлар соқийсиман», дер.

Синик чехраларнинг қуйчиси,
Яқинлашаётган эмас,
Тобора узоклашаётган байрамларнинг
Кариндоши У...

8

Энг баланд қояда
Баҳайбат қуш мисол
Оғир тумшугини патлари орасига тиқиб,
Ухлаб ётар Унинг нафрати.

Онаси кимлигин билмайди бу қуш,
Билмайди отаси ким эканини.
Вақт ўтган сари катталашар у ,
Катталашган сайин
Қаттиқроқ ухлар.

1980

ҚИЛИЧЛАР УЙҚУГА КЕТСА...

Қиличлар уйқуга кетганда
Уларни занг босар.
Қиличлар уйқуга кетганда
Туққан боламизнинг ҳаммаси жасур.

Сенинг мардлигингга шубҳа қиласман,
Ишонмайман мағрурлигингга.
Чунки сен биласан:
Агар қилич занглаған бўлса

Нафақат эгилган,
Эгилмаган бошни ҳам кесолмайди у.

1980

КУНДУЗ

Кундуз
Унчалик ғалати эмас ўзи.
Ақл бовар этар,
Лол қолмайди бирдан,
Кундузни тасаввур этса одамзод.
Кундуз - туртбурчак шар:
Мен акс этаман унда,
Сен акс этасан,
Ердан бир қарич кўтарилса,
У ҳам акс этгай шарда шу заҳот.

Кундуз - мулойим шар.
Бахайбат бўлса ҳам жуда мулойим.

Мулойим?

Демақ, у мутлақо юмалоқ шардир.
Дарвоқе, бунинг аҳамияти бор?
Ердан бир қарич кўтарил,
Аксингни қўрмокчи бўлсанг бу шарда!

1978

ҚИШ МАНЗАРASI

Оёқнинг остида қарсилайди қор,
Хаңжарга ўхшайди дараҳт шоҳлари.

Итларнинг хуриши - сўник қўрғошин,
Қарганинг бўғзида пўлат қичкириқ.

Мўри ҳам қаттиқдир,
Аммо мўридан
Бир тутун ўрлайди - ҳеч кимнинг
Тушига кирмаган момиқлик ўрлар!

Карга совуқ еган боласини
Йўргакласа бўладиган тутун.

1979

ВАҚТ ОЗ

Билсам эди умримни сенга
Оқизмай-томизмай бағишлишимни
Билсам эди бу оддий қалбнинг
Собит эканлигин шу қадар,
Сенга парвонадай фидоий,
Ит каби вафодор эканлигимни,
Билсам эди эллик йил бурун,

Йиғламас эдимми ҳаммага ўхшаб,
Қасам ичмасмидим «Севги - мангу!» деб
Шеърлар ўқимас эдимми сенга?!

Эсиз ичилмаган ажойиб қасам,
Эсиз ичолмайман уни энди мен -
Вакт оз қасамни исбот этмоққа.

1978

МАРД ЙИГИТ

Мард йигит тик қарап,
Тик қарап ўлимнинг юзига
Фақат...

Мард йигит йиғлайди бир бола каби,
Бир аёл мисоли йиғлар мард йигит,
Ўзганинг ўлими устида.

Мард йигит тик қарап,
Тик қарап
Фақат

Ўзининг ўлими юзига.

1978

ЕТТИ ҚАТЛАМ

Еттинчи қаватда хонаси.
Фикри-чи,
Етти қат ернинг осида.

Деразада оғир дарпарда.
Кеча бедор кузнинг киприги каби
Кўтарилар оқшом бир марта.

Еттинчи қаватдан
Етти ойда бир,
Бир марта тушади ер юзига у.

Кўзлари қамашиб тушади ерга
Яссавий чиқкандай ернинг остидан.

1979

УНУТМА, ФАҚАТ СЕН ХУРСАН

Кўлингни қўлига берма,
У кулса, бўлмагин хурсанд,
Бу гуллар заҳарли - терма,
Унутма, факат сен хурсан!

У сенинг қошингда - тўнка,
Кел, менинг ёнимга, ўлтири.
Жон ато этгунча унга,
Яхиси, кел, мени ўлдир!

Бари бир қўлингни берма,
Кўлимга бермагил хурсанд,
Гулларим заҳарли - терма,
Унутма, факат сен - хурсан!

1980

МАНСУР ШЕТЬРЛАР

ТУРКИЙ ТИЛДА СҮЗЛАМОҚ

Туркий тилда сўзламоқ осон.

Туркий тилда сўзламоқ нақадар қийин.

Нақадар лаззатли бу тилда сўзламоқ, нақадар аччик.

Агар кайфинг чоғ бўлса, эрталаб ўнг ёнбошдан турган бўлсанг, ўтган кундан пушаймонинг бўлмаса - собит ишонч бўлса келажакка - туркийда гапир.

Кимнидир севсанг, кўксингга сиғмаса муҳаббат - туркийда гапир.

Кимнидир ёмон кўрсанг, бўғзингга тикилса нафрат - туркийда гапир.

1982

ХОРАЗМ СЕГОХИ

Мен ўзимни куйга соламан. Шу қадимий куйга.

Мен бошимни шу қадимий кундага қўймоққа шошиламан.

Тиззаларим тиграб, зинапоялардан кўтариламан. Бу куй, бу иншоот баланд, о нақадар баланд, нақ осмоннинг рўпарасида!

Осмон қайрамоқда қиличларини.

Мен энг юксак нуқтага кўтариламан. Факат куйни тўхтатманг.

Кунда қўрқинчли эмас, мен учун.

Мен учун йиқилмоқ даҳшатли бу юксакликдан...

1982

ТУН ТАШБЕХЛАРИ

Тоғ лангар ташлаган баҳайбат кема мисол мувозанатда.

Арчаларнинг бадани салқиндан бодроқ оча бошлайди, ниналари ўткирлашади.

Шундок ёнимда бир харсанг пўст ташлайди.

Чирилдоқнинг чириллаши ер остидан отилиб чиқаётган ингичка фавворага ўхшайди.

Майса узра нимадир ялтирайди.

Уни олиш учун энгашаётиб, бу кўқдан учган юлдузми, кўз ёшли, ёнар қуртми - билмайман.

1982

РАССОМ

Дарахт суратини чиза бошласам бас, ундан албатта бирор күш ёки юлдуз учиб чиқади. Ҳали шохларни тартибга келтирмасдан, баргларни белгилаб олмасдан туриб, күш учиб чиқади ёки юлдуз пайдо бўлиб, дарахтнинг энг баланд шохига қўниб олади.

Менинг шўрлик кўлим - бирданига уч хўжайинга хизмат қилишга маҳкум хизматкор - кимнинг кўнглини оларин билмас. Күш кундузни истайди, юлдуз -тунни. Иккови ҳам дарахтни ўзига қаратмоқчи...

Шунда мен ўз билганимни қиласман: кундуз эмас, тун ҳам эмас, тонг суратин соламан. Унинг қоқ ўртасига ёлғиз бир дарахтнинг расмини чизаман, шундай ёлғизки, ундан на күш учиб чиқа олади, на юлдуз...

«Мени тинч қўйинг» деб шивирлайман.

1982

ЭҲТИЁТКОР ОСМОН

Эҳтиёткор осмон. Кучли, лекин ниҳоятда эҳтиёткор осмон бу. Акс ҳолда, бу қадар майдалаб ёғмас эди кор. Бунчалик охиста айланмасди у.

Кучли, лекин чарчаган осмон. Элагини ер узра тутганча мудраётган осмон бу. Аммо эҳтиёткор, уйқусида ҳеч нима килаётганини билиб турган эҳтиёткор осмон.

1982

ТИЛАНЧИЛАР

Күчадан кетяпман. Менга сукунат керак. Озгина сукунат садақа қилинг, жиндек сукунат. Одамлар ҳайрон қараши, индамайдилар. Раҳмат, дейман уларга, бир чимдим бўлса ҳам... раҳмат. Сукунат сўраб ўз уйимга кираман.

Дафтаримни очаман. Ярми ёзилмаган, тоза. Бошимни совуқ сув остига тутгандай оқ сахифага босаман. Аммо дафтарнинг иккинчи ярми эски ёзувлар билан тўлган. Демак, яна шовқин. Дафтарнинг ярми -кўшни хона, деворлари қофоздан бўлган шовқинли хона...

Бошимни кўтараман. Китоб жавонига кўзим тушади. Яна шовқин. Кўп томли, танланган шовқинлардан жавон ёрилай дейди.

«Менга сукунат беринг!» деб қичқираман. Ҳеч ким эшитмайди. Чунки ҳамма ҳам менингдек томоқ йиртиб қичқиряпти: «Сукунат беринг!»

1982

ОЗОДЛИК» КАРТИНАСИ

У турма эшигига суюниб турибди. Кўйлагининг ёқасини шамол тортқилайди. Агар сочи бўлса эди, туғ каби ҳилпиарди. Орқасида қора фон, аждаҳонинг оғзидаи тубсиз қоралик. Ёнида назоратчи. Симёгочга ўхшайди. Лекин унга суюниб бўлмайди. Собиқ маҳбус турма эшигига суюнганича, кўзларини қисиб атрофга қарайди.

Миллати ким унинг? Маҳбуснинг миллати йўқ, миннати йўқ. Миллат учун курашган одамнинг миллати йўқ. «Мана шу абллаҳлар ватанпарвар бўлса, мен ватан хоиниман» деган эди бир шоир. Мана у, ватанининг суюкли «хоини», кесакига суюниб турибди холсиз.

Бу суратга узоқ қараган одамнинг бадани жимиirlаб кетади. Бу суратга узоқ қаравшга ботинган одам ўзини турмага кириб кетаётгандай ва эшик олдида мана шу озодликка чиққан маҳбусни учратгандай, унга ҳасад билан қарагандай сезади ўзини.

1982

ЖАРДАГИ ОҚ ТЕРАКЛАР

Йўқ, аёллар жарга тушишдан қўрқкан бўлардилар. Аёллар куппа-кундузи бунақа яланғоч турмас эди. Аёллар бу сукунатдан шубҳа қилган бўлар ва сойдаги ўз аксига бунақа узоқ тикилиб қолмас эдилар...

Бўлмаса нега бу оқ тераклар аёлларни эслатади?

Бўлмаса нега бу оқ тераклар жарга тушиб, куппа-кундузи яланғочланган қўрқмас аёлларни эслатади?

Нега улар сукунатдан шубҳа қилмай, сойдаги аксига тикилиб қолган аёлларни эслатди, нега?

1982

ЙЎҚ ОДАМНИНГ ЭШИГИ

Ўн кун уйда бўлмасам, эшигимдан қоғоз гуллар чиқади. Қулф солинадиган тешикдан тортиб, кесакининг тирқишлирагача бошдан-оёқ қоғоз парчалари пирпираф туради.

Биттасини олиб ўқийман:

«Келган эдим, йўқ экансан. - Т.»

Иккинчисини кўраман:

«Қачон келсам, йўқсан! - М».

Учинчи, тўртинчи ва ўнинчисида ҳам шу мазмун:

...Сен йўқ экансан...

Мен бу йўқлик эккан ўсимликларни бир-бир юлиб оламан... ва шипшийдам бўлиб қолган эшикка раҳмам келиб кетади:

Бу эшик - гуллари ўғирланган дахмага ўхшайди.

1982

ГУЛТУВАК ТУРГАН ЖОЙ

Сенинг чеҳранг дунёдан бехабар.

Кўзларинг - кипригиндан, соchlаринг манглайнингдан бехабар мутлақ. Сен гулларни кучогингга босиб, узоқ ҳидрайсан, миннатдор бир нигоҳ менинг бағримни эзib юборади: сенинг кувончинг учун хавотирланаман.Хавотир соясида менинг кувончим.

Сен гулларни кучогингга босиб узоқ ҳидрайсан. Сен гулларни тувакка кўясан. Тувакни - китобга, охири ёмон тугайдиган китоб устига кўясан, ахир.

1982

САЁХАТГА БОРАДИГАН ОДАМ

Узок саёхатга ҳозирланган одамнинг биринчи навбатда ўз уйи бўлиши керак. Уйида катта чамадони, унинг ичидаги хар хил зарур нарсалардан ташқари пул тўла йигирмата қопчиқ бўлмоғи керак.

Саёхатдан қайтганда совға сўрамайдиган ақдли болалари, кучоқ очиб кутиб оладиган чидамли хотини бўлмоғи керак.

Нихоят, узок саёхатга чоғланган одамнинг сочиға оқ тушмаган бўлиши керак. Шуларни ўйлаб мен фикримдан воз кечдим.

1982

ЎРИКЗОРДА ТАНҲО

Икки бола ўрик шохига осилганча, кўм-кўк гўраларни шартиллатиб уза бошлади. Улар мени курмас эди. Узок кузатиб турдим. Тишим қамашди. Жаҳлим чиқди. «Ҳей, бас қилинглар!» деб бақирмокчи бўлдим шекилли. Хайрият, ўзимни тутдим, жаҳлимни ютдим. Мен энди ўрик гўрасини севмай қўйган бўлсам, болаларда нима айб? Ахир, мен бу ёшдан аллақачон ўтган бўлсам, бунда болаларнинг нима айби бор? Аста қайрилиб изимга қайтдим.

1982

СЕВГИ

Улар бир-бирини қаттиқ қучиб хайрлашадилар. Бир-бирини маҳкам қучиб уйқуга кетади улар. Уйқу улар учун энг узок саёҳат - узок айрилиқ. Уйқу деган бепоён мамлакат, уйқу деган золим давлат. Тонг отар экан, улар бир вактда, бир лаҳзада, бараварига уйғонишади. Кечикмок ўлим билан тенгдир.

Кечикмок, бир сония кечикмок - давлат чегарасида ухлаб қолган қочқин аҳволига тушмоқ билан тенг улар учун.

1982

КҮНГИЛ

Хеч нарса қымаслик қандай яхши. Хеч нарса қымаяпман, деб ўқсимаслик қандай роҳат. Виждон қийналмаса, виждон қаергadir гойиб бўлса, ўрнига бошқа бир нарса, унга ўхшамаган, аммо унинг шаффоф ўртигини ўраб олган ва шу шаффоф парда аро тикилаётган минг кўзли мавжудот - хеч ким олдида ҳисоб бермайдиган ўжар маҳлуқ, виждон каби тортичок эмас, ақл каби эҳтиёткор эмас - сийқаси чиқиб кетган «кўнгил» исмли жонзот турса, қандай яхши.

Ким уни айблар ва нима учун?

У ҳамманинг ичида ёлғиз ўзининг етилишини сабр-тоқат билан кутишга қодир, баҳорнинг яшил кўрпаси остида ҳам, саратон чойшаби тагида ҳам ўзини, ёлғиз ўзини кутади.

Бу мева ўзини фақат ўзи учун асрайди.

1982

ҒАЛАТИ ОДАМ

Унинг тувагига бир даста гул солиб қўйсангиз, у таажжубланмайди.

Лом-мим демай, гулга сув қуя бошлайди.

Унинг столига ўн сўм пул қўйиб, караб турсангиз, у пулни жимгина олади-да, дўконга чиқиб кетади.

Тўғри, сиз унинг «рахмати»га зор эмассиз, лекин бу одамдаги хотиржамлик сизнинг жонингизни чиқаради ва ўзингизни қўярга жой тополмай, унга нафрат билан қарайсиз.

У бесаранжомлигингизни сезиб, сизга тикилади...

- Сизга нима керак ўзи? - дейди у хотиржам.

- Раҳмат! - деб юборасиз кутилмаганда.

- Арзимайди, деб ғўлдирайди у... ва сиз келтирган гулга сув қуишида давом этади ёки сиз қўйган навбатдаги ўн сўмликни олиб, дўконга чиқиб кетади.

1982

ЭРТАЛАБ

Эрталаб уйғонар эканман, кечаги берилган вაъда мени қийнамайды. Күзимни очар эканман, ҳеч кимдан қарз сўрамайман. Мен ўз қорнимдан аввал, нафсимдан аввал, хатто қўзларимдан олдинроқ уйғонаман эрталаб.

Эрталаб ўз хаётимга муболагасиз қарайман.

Эрталаб менинг фикрим мустақил. Сўзлар оломони узоқда. Байроқ кўтариб олган сўзлар оломони.

1982

ВАҚТ

Симда бир қуш ўтирибди.

У ҳақда ёзиш шартмикин?

Кушча аланглай бошлади.

Буни тасвиrlаш зарурмикин?

Кушча учеби кетди.

Дафтаримда чизиклар бўум-бўш сим каби бир зум титраб турди..

1982

БИР СЎЗ БИЛАН

Бир «пуф» десанг, учеби кетадиган чумоли.

Бир силкисанг, «дув» тўкиладиган олма.

Бир тортсанг, томири билан чиқадиган дараҳт.

Бир бомбадан ағдар-тунтар бўладиган шаҳар.

Бир сўз билан...

Дарвоқе, бир сўз билан буларнинг ҳаммасини қилса бўлади.

1982

ШОИР ХАЛҚИ

Шоирнинг отаси - камбағал.

Шоирнинг онаси - касалванд.

Шоирнинг хотини йўқ, болалари кўп.

Шоирнинг хаёти Машриқда ҳам Мағрибда ҳам бир хил.

Шоир халқи - дунёнинг тўрт тарафига сочилиб кетган миллат!
1982

КРЕСЛО

Мен Қора денгизга ҳам, Оқ денгизга ҳам муҳтоҷ эмасман.
Менинг креслом бор, менинг яшил денгизим. Менинг ҳамиша
тинч, доимо шинам денгизим.

Мен унга чўкаётиб, аввал қулоқларимни, сўнг кўзларимни
бекитаман. Кўзимни денгизнинг энг тубида очиш учун бекитаман,
корачиклар нурини теранлик учун асрайман. Қулоқни эса сукунат
босимини бехато аниқлаш учун беркитмоқ лозим.

Оёғим яшил денгизнинг тубига текканда, мен кўзимни очиб
биринчи галда, уфқлар кўплигини кўраман. Денгиз юзасида уфқ
ягона бўлса, унинг остида минглаб уфқ мавжуд. Баликлар
тўдасининг бараварига минг тарафга сузишини тасаввур килинг!

Бу ғаройиб балиқчалар менга бир неча марта ўз фикрларим
бўлиб куринди ва уларни ушлаб олмокчи ҳам бўлдим - фойда
чикмади. Кўлим яқинлашгани заҳот, улар йўқ бўлиб кетар,
гўзаллик ўрнида майда пуфакчалар қоларди холос.

Энди мен «ирод қилинган фикр - ёлғон» деган ҳикмат
маънисини яхши тушунаман.

1982

СУРАТ

Мен жилмайиб тушган ўз суратимни томоша қиласман.

Мен одамларга ёқиши истайман.

Манави табассумга қаранг!

Тараңг тортилган, икки бурчагига мих урилган табассумга
қаранг.

Сизларга яхши кўриниш учун мен ҳар қандай оғриқка
тайёрман.

1982

ЖАСОРАТНИНГ КЎЗИ

Менга уйқу бермас Жасоратнинг кўзи.

«Нега жимсан?» дейди у менга.

«Нега жимсан, қўлинг озод бўлиб, оёғинг соғ бўлиб, нега жимсан?» дейди у менга тикилиб.

«Бу қўллар боғлиқ бўлиши мумкин эди», дейди менинг қўлларимни кўрсатиб.

«Бу оёқларда кишан бўлиши мумкин эди-ку», дейди у менинг оёқларимга имо қилиб.

«Тўғри, - дейман мен-, сенинг тажрибанг бор, сен боғлиқ қўлларни ҳам кўргансан, кишанли оёқларни ҳам. Лекин мендан нима истайсан, Жасоратнинг кўзи!»

Бақирганим кор қилмайди, тепамдан кетмайди, тонгтacha қадалиб туради Жасоратнинг кўзи.

1982

ЁЛҒИЗ КИШИ

Кўзимни очсан, қуёш чараклаб турибди, шамол дарпардани тортқиласяпти, ёнимда сен йўқсан.

Кўзимни очсан, осмонда оппоқ булутлар тўлғоняпти, тераклар шовуллаяпти, қушлар чиркираяпти, ёнимда йўқсан.

Сениг ўрнинг бўм-бўш, кўзимни очсан!

О, бевақт кўз очган одам!

1982

ТОҒДА

Акс садо ватани.

Сен билан менинг ватаним.

Бегона қишининг, биз билан хайрлашаётган меҳмон қишининг ватани. Кўз очаётган яшиллик, дафъатан янграган қаҳқаҳа, ўткинчи кўшиқлар ватани.

Асосан акс садо ватани. Чунки биз бу ерда ўз овозимиздан қўрқмаймиз. Овозимизнинг қўплигидан чўчимайман. Икки овозга эга бўлган одам кўллари узун одамдир. Бу кўллар билан пастда туриб, ху анови чўққи қорларига бемалол тегиш мумкин.

Менинг кетгим келмаяпти.

Лекин биз сен билан акс садолармиз. Қичкираётган, тинмай қичкираётган шаҳарнинг акс садолари.

Қайтиш керак.

1982

ҚЎРҚОҚ ОДАМ

Телефон жирингласа тиграб кетаман, эшик "так"илласа сапчиб тушаман.

Хабардан қўрқаман.

Қариндошим келса, қочиб кетаман, яширинаман оғайним келса.

Хабардан қўрқаман.

Почта қутиси ёнидан чопиб ўтаман, қайрилиб қарамайман бирор чақирса.

Хабардан қўрқаман.

Йўқ, мен бу дунёнинг фожия тўла кўзларига тик қарай олмайман.

1982

«ШАФФОФ УЙ» КИТОБИДАН

БЕШ ЙИЛКИ...

Беш йилки, биз факат ёстиқни
Беш йилки, биз ўпдик хатларні
Беш йилки юракнинг ўрнида п
Кел энди, иситгил кўксимни, ж

Хайрият, юзингни қўйдинг-ку юзимга,
Хайрият, кўксимни илтдинг, малагим -
«Йиглади», демагил қараб сен кўзимга,
Юрак эриёттир, менинг муз юрагим.

1972

ГИЛАМ

Лабларингни очганинг ҳамон
Кўксингдан у чиқар «оҳ» бўлиб,
Кўзларингни тиккан томона
Отилади у нигоҳ бўлиб.

Мен бир пайтлар гўзаллик кўрган
Кўзларингда Унинг-чун амр.
У барига бераверар тан,
У менчалик эмас бесабр.

Пойингда У бўлади гилам -
Гиламда сен текис юрасан.
Фақат менга қиласди алам:
Сен гиламдан бола кўрасан!

1973

САЙЁХГА

1

Тўрт уфқка қара -
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон.
Атроф дала, дала, дала, дала.
Далада - пахта, пахта, пахта, пахта...
Энди бир зум нафас ростлаб ол.

2

Күёш чиқар... Тўрт оёғин кериб ер узра,
Майсадаги шабнамларни ялаб олади.
Подачи вакт олдида у сигирдай сўнгра
Кенг яйловга - мовийликка ўрлаб қолади.

О, накадар тўйимлидир мовий майсалар,
Энгашади кечкурун у сувга харсиллаб.
Тушиб олар дарёга қоқ белига қадар,
Сув ичади, елинлари кетар лорсиллаб...

Кўрдингми сен уни? Дўстим, тонгни кут,
Тонгда сут булади! Бир осмон сут!

3

Мана, Ўзбекистон
Миллионлаб тонна
Оппок кузагини тарозига қўйди.

Энди, машиналар
Гаражга кириб,
Мудраса бўлади май қўнғизидай.
Энди, арзийди Ер
Ортга ўтирилиб -
Ўзига ўраниб, бир зум кўз юмса.

Энди, айни пайти,
Шараф ўқисак,
Хуррак отаётган дехкон шаънига...

4

Қийин.
Нима десам экан...
Йиғласам - кўз ёшга ажабланмайсан.
Куласан - овозинг эшитилмас.
Севасан, лекин хат ёзмайсан Унга.
Вужудингда оғриқ.
Оролга ўхшаган бир оғриқ.
Ўша орол - Ватандир сен яшаётган.

У зарур одамга.
 Айниқса, қайгадир жүнаётган бўлсанг.
 Хайрлашиб,
 Хўрсинишига керақдир Ватан.

У керак бўлади
 Ненидир ўртаниб соғингинг келса,
 Узокда Ватанинг бўлса йиглайсан.

Сенга Ватан керак
 Қайтишинг учун -
 Кувончдан
 Юрагинг «паққа» ёрилиб,
 Ўлишингта керак ҳеч бўлмаганда.

Сўра, уни!
 Керак бўлади.

1973

ОЛГА КЕТМОҚ

Юраман... Юраман... Юраман яна,
 Қадамларим йириқ, қадамларим майда -
 «Олга кетдим», дея қарасам, манна
 Турибман мен юра бошлаган жойда.

Одам ўз-ўзидан ўзмоғи қийин,
 Бунга интилишининг ўзи шаккоклик,
 Олга кетиш демак - ўлгандан кейин
 Қабрдан бир қадам нари ўтмоқлик!

1972

ФИКРИМ

Тұзид ётар ёзилмаган ҳали оқ қоғозларим
Мушук еган кабутарнинг патларидай қошимда,
Безовта ингрөқ билан учиб юради фикрим,
Қўналғасиз қүш мисоли айланади бошимда.

1972

СЕВИМЛИ АЛДОҚ

Қайдан келиб қолди, билмадим бу уй:
Үз-үзимни алдаш?!
Эсимда, бироқ,
Топганим қофия ва ёқимсиз куй,
Қалбни тушовлаш-чун топганим туроқ.

Бу демак - кишига ўз-ўзни алдаш,
Осон ўзгаларни алдашдан юз бор,
Бу демак - ўз куйинг уйготса ҳам ғаш,
Маъқул ўзга куйни эшиитмоқдан такрор.

Бу демак - учрашиб, ютгандан гапни,
Шеърда бўса олишдир қиздан,
Бу демак - тушовлаш лозимдир қалбни
Бўлмаса кўп нарса кетар у биздан.

Бу демак - ишониб ўз алдоғига
Қоғознинг устида йиғлаб ўтирмоқ,
Агар нари борса, ўзгаларни ҳам
Севган алдоғингга гоҳ ишонтирумоқ...

1972

ҚОЧИШ

Кўксимдаги оғриқ

Кўзимни

Қасдан

Тиндирияпти.

Юрак ўз қафасини

билдиримай

аста

синдирияпти...

1972

ҚИШ

«Бунча мунгаймасанг, бунча титрамасанг,

Бунча ғарип боқмасанг, Дараҳт?

Нима менда қасдинг борми ё -

Деразамга қарайсан бебаҳт?!.

Ҳали менда юрак бор, ахир,

Ҳали мен йиғлашга кучим етади -

Кет кўзим олдидан, кет дейман,

Тикил ўзгаларнинг деразасига!»

Мен пардани туширдим шартта -

Мен дараҳтни ҳайдаб юбордим!

1974

ҚАЛТИСЛИК

Мен қалтис ухлайман,
Ниҳоят қалтис:
Бош күркәр ёстиққа тушиб кетищдан.
Кундузи юракни титкилаган хис
Одамга айланыб келади тушда.
Йүқ, мен ухламайман ухлаганимда,
Лаънатлаб ётаман бу уйқу-форни
Оқшомлар алахлаб, кимсасиз уйда
Хақорат қиласман түртта деворни...
1974

УЧЛИКЛАР

1

Балки ҳақдир, «Күк - тоза» деган,
Балки ҳақдир, лекин осмонда
Хеч нарса йўқ сунадиган.

2

Кампир жаврар. Чол айтиб бўлди.
Кампир ҳаёт.
Чол ўлди.

3

Қурбақани жунъиктирди тонг.
Кўкка парвоз этди шунда у...
Парчаланди сувдаги осмон.

4

Ғижирлатар тишини эшик!
Наҳот мени бу кимсасиз уй
Еб кўймоқчи ростакамига?!

1974

ЮРАГИМ

Қорачик ўрнидан мунг боққан пайтда,
Күз ёшнинг ўрнига сув оққан пайтда,
Бошин кўтаролмай қолганда бўйин,
Аёллар ғашига тегса бу қўйин,
Пайдор ўғилларим – шеърларимга
Бўлмай қолган пайтда керагим,
Сен мени кечирмайсан -
Сен мени отасан, эй, ёш юрагим!

1975

МОДОМИКИ

Модомики, ёргуғ туйғулар
Фақат тунда туғилар экан,
Модомики, энг эзгу сўзлар
Эриш туюлмаса тунда,
Бу шўрлик юзингга жиддий тус бериб.
Кийнаш шарт бўлмаса тунда,
Нихоят, одамнинг асл башараси
Қоронгида яққол кўринар экан,
Нега учрашмайлик қоп-қора тунда?!

1975

ХАЗОНРЕЗ

Кеч куз - осмонларга қарайсан ичкін,
Айрилиқ ҳидлари уфураг өрдән.
Қайда у турналар - қанотли күчкін?
Ногох, турналар йўқ! Учишмас бирдан!

Турналар учмайди! Қўрқиб кетасан,
Мўъжиза кутасан дунёда шунда,
Ўйлайсан: «Наҳотки, йўлбошчи Турна
Ватан нималигин охир тушунди?!...»

1975

ВЕРТЕРГА ҚЎЙИЛГАН АЙБНОМА

Мана, намуналар яшамок учун, Вертер.
Мана, ўтирибди чой ичиб,
Мана қўлтиқлашиб боғда юрибди,
Қаҳва ичаяпти,
Суҳбат қураётир билур жомдаги
Пиво билан бирга кўпиреб.

Мана, намуналар яшамоқ учун, Вертер.
Сиз бўлса, ўлимни афзал кўрдингиз.
Ўзини ўлдирган, менимча, тентак,
Бирор ўлдирса ҳам,
Ўлган - тентакдир.

Чунки, бигта ҳам сабаб йўқ бизда ўлмоққа,
Лекин яшамоққа миллион сабаб бор.
Тирмашиб яшаймиз ҳаётга,
Агар у юз ўғирса биздан,
Тирмашиб, осилиб яшаймиз.

Мана, намуналар яшамоқ учун, Вертер,
Эплаш керак экан ошиқликни ҳам.

Агар сиз Тошкентда
Қасд қылсангиз эди ўз жонингизга,
Бежаноза кўмилган бўлар эдингиз.

Адашмасам, сизни факат Лотта севмабди,
Ахир, ҳу анави шоирдан
Ота-онаси ҳам юз ўғирган-ку,
Қаранг, у ҳаётдир. Сизга намуна,
Ўлмоқ учун эмас яшамоқ учун.

Мана, намуналар яшамоқ учун, дўстим.
Сизнинг аср ўғри ва сотқинларни
Осарди аямай, дуч келган жойга,
Шунча ҳам вахшийлик бўларми, ахир.
Бизда-чи, ўғри йўқ. Мабодо оссак,
Хурмат тахтасига осамиз, Вертер.

Мана, намуналар, ишонмасангиз,
Инсон ўз қадрини билишгача етди.
Кўз қорачифи каби асрайди ҳар ким
Ўзининг мислсиз қорачифини.

Афсуски, «тўсатдан» учрашиб қолмаймиз
Сиз билан Хадрада ёки Ўрдада,
Шунчаки жилмайиб, шунчалик кулиб,
Пивохона томон кетмаймиз.

Афсус, кўрсатардим яшамоқ учун
Яна кўп намуна, сабабни сизга.

1979

МУДДАТДАН СЎНГ

Унинг оғзи
Бир йил муддат билан тикилган эди.
Роппа-роса бир йилдан кейин
Суғуриб олишди
Унинг оғзидаги ипларни.

Ингради,
Қора терга тушди
Битиб қолган оғиз очилар экан.

Шунда у тушунди ўз сўзларининг
Бу даҳшатли илга нисбатан
Накадар оғриксиз суғурилишини.

1979

КИТОБЛАР

Хеч қачон ўлолмас
Асли ўлик бўлган китоблар,
Хиди хам чиқмайди жасадларидан
Китоб дўконига кирсангиз.

Ҳақиқий китоблар ўлиши мумкин,
Хидланиши мумкин
Ҳақиқий китобнинг жасади.
Шу сабаб, уларни кўммаса бўлмас,
Ёндириласа бўлмас шу сабаб.

1978

ТАНИШУВ

Бу күртаклар бир новдада гарчи ухларди,
Бир-бирига улар мутлақ эди нотаниш.
Күёш эса таништирмақ истар уларни
Гүёш қуёш учун йўқдай бундан буюк иш.

1973

ИЛХОМ

Юракни оҳиста ўт ола бошлар,
Сўнг одам шаклига кирап аланга.
Қайноқ қўзимдаги охирги ёшлар
Жимгина айланар туманга.
Тамаки ўт олар лабимга тегмай,
Тутуни ҳавода заиф сизадир.
Қўлини «саломга» кимдир ҳайикмай,
Ёнаётган қўлимга чўзадир...
Юракни оҳиста ўт ола бошлар,
Мияда қичқира бошлар ҳужайра...

1973

КУЗ

Ўчмоқда яшиллик сулдори,
Баргларнинг афтори синиқдир.
Кузакнинг тинч оқар сувлари,
Кексанинг ақлидай тиниқдир...

1972

ОСМОНДАН ҮЗИЛГАН ТОМЧИ

Ер яқин!

Иси келиб турибди ернинг.

Томчи тиграп,

Мўлтирап.

Қарайди майсанинг елкаси оша:

Бу Ер!

Бу ўша!..

Осмонни қўттарган Атлантдай

Эгилар майса.

1974

ТИЛСИМЛАНГАН УЙ

Мен сизнинг расмингизни қўрдим

Билур қандиллар, зар югуртирилган соатлар орасида,

Гардиши кумуш кўзгулар, товус патларининг қуршовида.

Расмингизни

Олтин балдоқлар, марварид мунчоқлар кўзи ёқут

Узуклар шохи жияклар даврасида;

Расмингизни

Имо-ишоралар ва сўниб қолган кўзлар, синган чеҳралар

орасида тили кесик эр ошга айланиб қолган

Мавжудотлар орасида - тилсимланган уйда

Кўрдим!

Аммо эртакнинг қаҳрамони мен эмас эдим.

Сехрли сув сепиб, қутқара олмадим.

1979

ОРЗУ

Арабистонни орзу қилма. Соғинчингни яшир. Табассум қил, менга севгилим.

Хозир, ташқарида ёмғир эзмаланаётган чоғда, ҳар бир кора дарахт бизнинг ёлғизлигимизга ўткир шохлари билан нуқиётган пайтда Арабистонни орзу қилмоқ оғир, күёшни ўйламоқ оғир...

Азизим, майли, соғинчингни яширма. Майли ўргамагин ўзингни, майли керак эмас табассум, орзу қил, майли, севгилим!

Апелсинни орзу қил, ҳеч қаерда йўқ апелсинни...

Апелсинни хаёл эт. Уни чап қўлингга ол, қўлинг жимжилогини кериб томоша қил, гўё чап қошингни чимириб, йўқ қүёшни кузатгандай томоша қил уни, севгилим...

1982

ОЙ

Ой кўқдан ҳеч қачон йўқолмас,
Бир куни айрилиб ундан одамзод
Қидириб кетмайди ҳеч қачон.

Ҳеч кимга бермайди осмон ойини.
Ой унинг бисоти -- сўнгти тангаси,
асрайди
ўзининг
кора
кунига.

1980

ДУМ МОНОЛОГИ

Мен ўзимга ўзим хон, ўзимга ўзим думман.
Мен ҳеч кимнинг ортидан эргашмайман.
Ҳеч кимнинг олдида ликилламайман.
Ҳеч қачон ғалвир боғламайман ўзимга...

Мени тугмоқчи бўлганлар эса -айтиб қўяй - овора бўлишади.
Мен ўзимга ўзим хон, ўзимга ўзим думман.
Эгамдан қачон ажрим бўлганим эсимда йўқ, эслагим ҳам келмайди.
Фақат тасаввуримда қачонлардир шиддат билан кўтаришган
болтанинг оний сурати қотиб қолган.
Пўлатда акс эган лаҳзалик бу шуъла менинг шууримни мангур
ёритажак.
Шу шуъла - менинг қуёшимдир.

1982

* * *

Марҳум билан ҳеч ким саломлашмайди.
Одам ўлса,
Унинг китобига салом берамиз.
Ҳеч қачон бошимизга кўтармаган одамнинг
Ҳайкалини
Бошимизга қўтариб,
Бутун шаҳарни айланамиз,
Қўянимиз хайкални
Шаҳарнинг чиройли бирор жойига,
Қабристонга, жуда бўлмаса.
Одамдан енгилдир
Унинг хайкали.

1979

ҮН БЕШ ЙИЛДАН КЕЙИН

Унинг бисотида ватанидан йироқда кечган шу ўн беш йилдан бўлак
ҳеч вақо йўқ эди.

У отасига узоқ тикилди, онасига, укаларига узоқ қаради-да, ўзига
ўзи шивирлади: яхши одамлар!

У хали хотиротга бошини уриб олгани йўқ.
У хотирот билан юзма-юз турар,
Икки сўқир каби юзма-юз турарди улар.

1982

АЛДОҚЧИ

Мен қиши алдадим.

Мен уни пальтосиз ўтказдим. Мен аёзли кунларда қалтирамасликка
харакат қилдим ва бунинг уддасидан чиқдим.

Мен қишига бадавлат одам бўлиб кўринишга интилдим, уйида
юзлаб хилма-хил лиbosлари бору, аммо бирортасини ҳам
ёқтирмайдиган одам бўлиб кўринишга интилдим.

Менинг юпунлигмни у ўзига бўлган эҳтиром белгиси деб тушунди.
Бой одамнинг худога бўлган хурмати деб тушунди.

Мен ҳакиқатан ҳам бойман, энг иссиқ пальтоларини, сувсар
тепакларини қурбонлик қилган бой.

Дунё бойлари ичидаги худони ҳурмат қилган бирорта бой бормикан?

Агар бўлса, у -менман.

1982

1. МУМКИН

Сўзингни айтмаёқ ейишинг мумкин,
Ҳали ҳам бор бўлса айтажак сўзинг,
«Мўмин мусулмонман», дейишинг мумкин,
Ҳали ҳам мусулмон бўлмасанг ўзинг.
«Оқ тужа» кўрдингми?» деб сўрасалар,
«Кўрмадим», дейишинг мумкиндирик кўриб,
Агар виждан кийнаб, топсанг ҳафсала
Уйингда йиғлашинг мумкин ўкириб.
Тишни тишга босиб мумкин чидамоқ,
Агар қолган бўлса оғзингда тишлар.
Мумкиндирик суякка етгунча пичоқ
Ҳамон бутун бўлса суякларинг гар.
Чидамоқ мумкиндирик токи ўлгунча,
Агар аллақачон ўлмаган бўлсанг.

2. МУМКИН ЭМАС

Сиз бетобсиз, бетобсиз, ошна -
Мумкин эмас, кўчага чиқиши.
Мумкин эмас дунёқараши
Бузадиган китоблар ўкиш.
Мумкин эмас, номаълум томон,
Олис томонларни соғинмоқ,
Мумкин эмас, соғликка ёмон,
Севмоқ - чўкка тушиб сифинмоқ.
Мумкин эмас, кийинмоқ қишда,
Мумкин эмас, оч бўлсанг, емоқ
Мумкин эмас, ҳатто охиста,
Кўрка-писа «мумкинми?» демоқ.

1984

ҚАРЗ

Хеч ким қиёматдан қўрқмайди,
Қарздан қўрқарлар қўрқсанда.
Зотан, қиёматга қадар йўл узоқ,
Қарз бўлса бурнингнинг тагида.

1979

ГАП

Кўп эмас,
Бир қадоқ гапирсанг
Анча вақт ўтади,
Ўн қадоқ вақт ўтар тахминан.

Ойна синаётиб,
Вақт йўқотмайди жаранглаш учун -
Бир пайтда жаранглаб
Синади бир пайтнинг ўзида ойна.

Сен ўлим ҳақда кўп гапиряпсан,
Кўшик айтмоқдасан тинмай у ҳақда -
Вақтинг кетяпти,
Фақат, фақат жаранглаш учун.

1981

АЯНЧ БИЛАН ҚАРАМА

Дунёдан бехабар одамга,
Сўкир бечорага қараган каби,
Менга аянч билан қарама!
Қарама, гўё мен билмайдигандай.
Яхши одамларнинг кўплигинио
Ёмонларнинг оз эмаслигин,
Гўё улуғ хурриятдан сўнг
Заминда ҳур бўлди фикрлар,
Жаҳолати йўқ бўлди батамом
Гўё сотқинлар ҳам даҳога ўхшаб
Минг йилда бир марта келар дунёга.

1979

ВОҚЕА

Баданимга кирап бир тигрок -
Мен хонадан чиқаман кескин.
Хайдаб борар мени қўнгирок:
«Ўғлинг оғир ётибди... тез кел!»
Машинага қўтараман қўл.
Тўхтамайди. Ўтар гуркираб.
Ўтаверар. Лоқайд катта йўл -
Чўнгагимда йўқдир йўлкира.
Яна, яна қўл қўтаришар,
Ҳеч ким, ҳеч ким боқмайди қиё,
Тилим менсиз кўкка ялинар:
«Содир булмай тургин, воқеа!..»
Қўл ҳавода қолади ҳар гал,
Машиналар ўтаверади -
Гўё тарқатилган бутун шаҳарга
Бўм-бўш чўнгагимнинг сурати...

1976

АГАР СЕВСАК

Бизга фалак ёрдам бермайди
Ёрдам бермас бизга бу Ер ҳам.
Бизга фалак ёрдам беради,
Ер ҳам ёрдам беражак албат -
Агар бир-биримизни севсак.

1976

ОЙДИНГА

Ориқинам менинг, гўзал ниначим,
Урушқоним менинг, ахилим менинг,
Товушқоним менинг, тезкор гиначим,
Камалак сингари, ҳар хилим менинг.

Сен менинг ойимсан, менинг мўъжизам,
Ой каби ҳеч қачон тутилмаганим,
Сен ёлғиз кучлимсан, менинг ожизам,
Дафъатаним менинг, кутилмаганим.

Тилимга ҳеч қачон чиқмайди чипкон
Сен ҳақда гапирсам, менинг мўъжизам,
Сен учун яшасам узоқ яшайман,
Менинг кераккинам, менинг бежизам.

Масрур мажнунтолим, мунгли тўронғил,
Ойдингинам менинг, ярим қоронғим.

1979

«ЁШЛИК» ҚАХВАХОНАСИДА

Сен билан жим келиб ўлтиридик
Күшикеларнинг соясига биз.
Чехрангта қарадим минг пушаймонда
Шароб қуидим,
Шиша бўғилди.
Юзингни номаълум томонга бурдинг,
Мендан олиб қочди кўзингни қўшиқ...
Яна ўзимизга келдик икковлон
Соясида ўша қўшиқнинг.
Тикилдик танимай бир-биrimизни.
Кўриб бўлмади ҳеч соchlар оқини,
Кўшиқ соясида қўриб бўлмади.
Кўшиқ титрак кўллари билан
Текислай бошлади ажинларингни.
1977

СЕНИНГ УЙИНГ

Бахт ҳали бехабар -
Қайсиdir мамлакат,
қайсиdir шаҳарнинг бир чеккасига
Жойлашган мўъжаз уй борлигин билмас.
Бахт шўрлик шу уйнинг
Шинам хонасига кўйилган
Кўзгу борлигин ҳам билмайди.
Бахт мутлоқ хабарсиз,
Ўзининг акси
Ўзидан узоқда, ўша кўзгуда
Жимиirlab турганини билмайди.
1980

АХИР

Гирбонга етганда темир қўл
Бўғиз чалингдана гижжак сингари
Чиқадиган товуш «А-ахир».
Кўкракнинг қонли деворига
Тинмай бош ураётган юрак
Сенинг номинг «ахир».
Кўкрак деворига ўхшаган уфқ
Сенга ҳам ном йўқдир
«Ахир»дан бўлак.
Бир номнинг устида талашаётган
Эй жаҳон,
Сен жаҳон эмассан
Улкан «Ахир» сан.
1980

ШАФФОФ УЙ

Эрк унинг шаффоф уйи -
Деворлари шишадан тикилган
Шаҳардаги энг ҳашаматли уй.
Дунёни кўрар у уйида туриб
Ташқаридан уни кўради дунё.
Овқат кам ейди у,
Чунки дараҳтлар
Унга қарагандай бўлаверади.
У бўйдок,
Чунки хотин билан
Яшаш нокулайдир бу шаффоф уйда.
Хотин-ку тураверсин,
Ҳатто ўзи ечинса
Юлдузлардан торгиниб ечинар ҳар гал.
1980

ҚҮРҚИНЧЛИ ТУШ

Кимдир күлларимни қисар,
Күлларимни қўйиб юборар,
Ҳамма таскин берар менга,
Хайрлашар мен билан ҳамма.

Нима бўлди ўзи?
Тўхтанг,
Тортинг бу им-илиқ кафтларни!
Ахир, айтинг, мен қаерларга
Кетаяпман сизларни ташлаб?

Ҳеч кимдан садо йўқ, бостириб келар
Қора гулдасталар сингари қўллар!..

1977

СОВИБ БОРАЁТГАН ҚЎЛНИ УШЛАБ

Унинг совиб бораётган қўлинини ушлаб, сўниб бораётган қўзларига
тиклидим:

- Ишон, мен бутунлай қайтиб келаман. Мени шаҳарга боғлаб
кўйишгани йук. Ёзув-чизувимни шу ерда қилсам ҳам бўлаверади.
Мен сен эккан дарахтни тарбиялайман, укаларимга ёрдам бераман,
улар билан бирга, доим бирга яшайман...

Кўнглинг тўқ булсин, энди ҳеч қачон шаҳарга кетмайман, энди
ақлим кирди...

Мен ўлаётган одамни шундай алдадим.

1982

ХАЙКАЛ СОЯСИДА

От устида ўтирган жаҳонгир ҳайкали бу.

Йўқ, бир қарашда шундай туюлади холос.

Ишонмасангиз, диққат билан кузатинг: бу одам мутлақо жаҳонгир эмас, ҳайкалтарошнинг ўзи.

Янада диққат қилсангиз, унинг қўлидаги шамшир тош йўнадиган асбобга айланади. У худди отнинг қулогига сайқал бераётгандай.

Йўқ, бу жаҳонгир эмас, жаҳонгир аллақачон ўлиб кетган.

Бу одам - хали ҳам ишини тугатмаган ҳайкалтарош.

1982

ДАХЛСИЗ ХАЁЛ

Тамаки қуригяпман.

Менинг ҳаётим аста-секин мазмун касб этмоқда.

Мен буни тарашадай қотиб колган уқувсиз бармоқларим билан тамаки эзаётиб, ҳис қиласман. Мен буни, тамакининг сирли хиди баҳтиёр кечирган кунларимни ёдга солар экан, шоир айтганидай «жарангдор ёлғизлик» онларини ёдга солар экан, ҳис қиласман.

Мен яна ўлишни истамайман.

Мен яна ўлимдан қўрқмайман.

Менинг иродам қобиги ҳаёт олдидағи қўрқоқлик эди. Тамаки қуригар эканман, бу даҳшатли қобиқнинг охиста чатнаётганини, ёрилаётганини, синаётганини аниқ сезаман...

Ниҳоят, мана у - менинг ҳаётим!

1982

ЁЛҒИЗЛИКДА

Чиқиб кетадиган тешик йўқ,
Дарвоза йўқ кучоқ очиб турган:
Дераза
Эшик ҳам
Кетиб қолган меҳмондорчиликка.

Фақат тувақдаги гул!
Менинг жазом маълум,
Лекин шўрлик гул
Нима гуноҳ қилиб қўйибдийкин?

Чекаман. Босиб-босиб чекаман.
Тутун ўрмалайди
Тувақда ўлтирган гул томон.
Гул ҳам анойимас -
Нафратдан титраб
Атирин пулфайди нақ башарамга!

Ёлғизлик.
Нафақат одамни жоҳил қилас у.

1979

САЙЛОВЧИ

Кеча касалхонага олиб кетишганди,
Бугун яна уйига опкеб қўйишиди.
Шу катта шаҳарда бирорта табиб
Даво тополмабди унинг дардига.
Ахир игна бўлса, майлийди,
Майли эди, қозик бўлса,
Илож топиларди терак бўлса ҳам,
Келиб-келиб ўз овозини ютиб қўядими?!

1976

ТАБИБ МАСЛАҲАТИ

Тўғрисини айт,
Соғлом бўлиш ниятинг бўлса,
Ортиқча семириб кетмайин десанг,
Тўғрисини айт.

Еб қўйилган сўзлар,
Изма-из ютилган ҳақиқат
Семиртириб юборар одамни.

Семизликни қўй кўтарсин,
Безабон, мўмин қўй кўтараверсин.

1977

ҚОР ЁҒАР ЭКАН

Ёғаётган қорга қараб ўйлайсан: нега одам нигохидан излар
қолмайди? Агар қолса, бу қайси шаклда бўлиши мумкин, деб
ўйлайсан.

Одам нигохи, барча нарсалардан мавжудроқ, нега ундан излар
қолмайди?

Одам нигохидан ҳам оғирроқ юк йўқ, нега ундан излар қолмайди,
деб ёзасан ва шу ёзувнинг ўша из эканлиги хаёлингта ҳам
келмайди.

1982

УЙҚУДАН ЧАРЧАГАН ҚУШЛАР

Тонг ёришмоқда. Ой тобора хиранади. Ой лаҳза сайин бүгланиб бораётган чашма. Ой, тушларимиз сув ичадиган чашма...

Тонг ёришмоқда. Қылт этган шамол йўқ. Лекин тол баргларида сезилар-сезилмас безовталиқ бор. Нечукдир заиф, нечукдир bemажол титроқ бор уларда.

Балки, бу уйгонаётган қушлар оёғидаги титроқдир.

1982

«ОЛИС ТАБАССУМ СОЯСИ» КИТОБИДАН

МЕН БУГУН ОЙ ЧЕХРАСИНИ КҮРДИМ

Мен бугун ой чехрасинини күрдим -
Хали ҳеч ким ўпмаган чехра.

Мен бугун ғалати булбулни күрдим -
Билмас у ўзининг булбулигини.

Бир гул кқрдим, гулки шаънига
Бирор марта ёзилмаган шеър.

Мен тош кўриб қолдим дафъатан,
Ҳеч қачон, ҳеч кимга отилмаган тош!

1980

ТОКИ ТАШҚАРИДА ҚОР ЁҒАР ЭКАН

Токи ташқарида қор ёғар экан,
Қийин ўзга сўзни ёзмоқ.
Қорга қараб туриб шунчаки,
Мумкин эмас ақлдан озмоқ.

Токи айланаркан миллионлаб нуқта
Қийин бир нуқтага тикилиб қолмоқ.

1977

МЕХР

Мехр - бир пиёла сув,
Мұхаббатнинг синглиси холос.

Мехр бу жимирлаш,
Қақраган лабларнинг орзуси.

Дунёда йўқ бирор
Қақрамаган лаб.

1980

МУҲАББАТ

Муҳаббат. Сариқ ва зангори.
Мен ҳеч ҳам кўрқмайман ўлимдан.
Сассиз, капалаклар сингари,
Бургутлар учар ўнг-сулимда.

Нимадир бормоқда янгориб
Нима у, қийиндир англарим.
Муҳаббат. Сариқ ва зангори.
Оҳ, мен узоқ кутган рангларим.

Тиграб уйғонмоқнинг шавкатин
Қайтадан берди-ку шафқатинг.
Йўл бошла, муҳаббат, йўл бошла!

Мен эса кўрқмайман ўлимдан.
Мушуклар мисоли йўлимдан
Йўлбарслар ўтмоқда, йўлбарслар.

1980

КУЗ

Тонг отсин, сизларни таажжуб кутар,
Хозирча хотиржам ухланг барингиз.
Тонг отсин, албатта, «шув» этиб кетар
Ёз бўйи асраган юракларингиз!

Дераза ортида - ушбу фурсатда -
Пинҳон тайёрланар ҳар оғоч
Кўзингиз олдида, тонгда, тўсатдан
Пайдо бўлмоқ учун қиппа-яланғоч!

1980

ТОНГГИ КУЙ

Китобларга ўтирибди чанг-
Артсанг бўлмайдими, нотавон.
Дунё буюклари йиғилган
Казармага ўхшайди жавон...

Сен-чи, чиқдинг куйлакчан ҳолда
Бокка, узиб келмоқ учун гул.
Шунда...
Сени бирдан лол этар
Дунёқараши йўқ бир булбул...

1980

ТАДРИЖ

Биллур шодалардай жонимда
Тортылар такрорлар тадрижи -
Яна ҳеч ким йүқдир ёнимдла,
Яна тақвадорман, хотиржам.

Үтган оқшомларни эслайман бир-бир,
Илохий такрор бор бу мусиқада -
Қайта нашр этар құшиғин булбул
Бу гал ҳам ягона нусхада.

1980

СҮЗ ИЗЛАЙМАН

Жоним, жонгинам,
Севгилим, меҳрибоним, жигарим,
Жигаргүшагинам.
Яна қайси сўзлар қолди, кўрсатинг менга!

Ёлғизим, ягонам,
Қорачиккинам.

Яна нималар бор бисотингизда?

Мен инжиқ чол каби,
Оладигани битта гул,
Аммо барча тувакларни эринмай
Пайпаслайдиган чол каби,
Сенга сўз излайман муносиб...

1980

ТҮЛГОНИШ

Вужуд йўқ аммо бир Тўлғониш бордир.
Кўзсиз нигоҳ,
Тилсиз шивирлаш
Атрофда айланиб юрибди.

Масофа йўқ,
Бордир Яқинлик.
Масофасиз бир Узоқлик бор -
Гоҳ келиб, гоҳ кетиб юрибди.

Вужуд йўқ,
Ғалати Тўлғониш бордир.
Энг доно илоннинг пўсти сингари
Одамсиз уй каби бўм-бўш Тўлғониш.

Кўчиб ўтсанг бўлмайдими шунга.

1980

БАЛКИ

Балким, ютуқ чиқар заёмга...
Балким, хат оларман бугун кимдандир...
Балким, ёмғир ёғар...
Балким, зилзила...

Ҳар куни,
Ҳар лаҳза,
Тинимсиз
Қармоқ пўкағидай сирли ликиллар
Замин узра «Балким» деган сўз.

1980

КУТАМАН

Мен билмайман. Фақат, фақат сезаман ҳар кун:
Лаҳза сайин яқынлашиб келар нимадир -
Қувончмиカン? Дардми? Нима? Поезддир балким,
Балким Миррих ёқдан учган сирли кемадир?

Яқынлашиб келаверар гурас ва гурас
Нафасимни ич-ичимга ютиб ётаман,-
Фақат кутиш лозим бўлган нарсани эмас,
Кутилмаган нарсаларни кутиб ётаман.

1980

ҚАЙРИЛИБ ҚАРАМА

Қайрилиб қарама. Қайрилиб қараб,
Унга кўл силкмагин. Силккандан кейин
Турмагин сукутда сен талмовсираб,
Қайтмагил, қайтмаслик бўлса ҳам қийин.

Қайтдингми изингта, қайтдингми, энди
Айтмагил лоақал сўнгти сўзингни!
Бари бир айтдингми, айтдингми, энди
Тиз чўккил, бағишла унга ўзингни!

1981

ЧУМЧУҚЛАР

Чумчуклар шип-шийдөн бөгнинг болалари.
Улар ҳазин йўлкаларнинг,
Чирик ҳазонларнинг боласи эрур.
Аёзнинг,
Шамолнинг арзандаси,
Яйдоқ карниزلарнинг эрка боласи,
Кузда - ёмғирнинг,
Кишда - қорнинг,
Нима иссиқ бўлса, ўшанинг боласидир улар.
Улар фақат чумчуқ эмас,
Ҳатто ўзи ейдиган қуртнинг,
Ўз танасидаги хароратнинг боласидирлар.
Улар - ҳар нарсанинг боласи,
Фақат шаҳарники эмас,
Шаҳарнинг боласи эмасдир улар.

1980

ДАРАХТ ШОИР БЎЛСА

Дараҳт шоир бўлса
Нима ҳақда ёзган бўларди?
Озгина қушлар ҳақда,
Осмон,
Куёш,
Кейин саёҳат ҳақда.
Саёҳат, саёҳат, саёҳат
Ҳақда тинмай ёзган бўларди.

1980

ТУН

Япроқлардан пештоқ тепада -
Афсонавий, ҳувлаган сарой.
Қалқиб-қалқиб қўяр шабада,
Шохлар аро сизиб чиқар ой.
Тўртта дараҳт, яъни тўрт устун
Жонга солар ширин бир қўрқинч -
Қаердадир шу кимсасиз тун
Одам мисол қичкирап бир қуш.
1980

ШОИРНИНГ МУКОФОТЛАНИШИ

Тик турди.
Ўтирмади курсига.
Унга ҳавас билан боқдилар.
Нарвон қўйиб, баланд қўксига
Қандайдир нишонни такдилар.
Шоирга қўл силтайди залдан
Ўз тилида бақирап «жоним!»
Боя унга урилиб кетиб,
Бурнини жийирган хоним.
Ҳар хил аппаратлар - мураккаб -
«Шиқ»иллай бошлади дафъатан:
Хавфли маҳбус каби суратга
Олинди у тўрт тарафидан.
Истеҳзо бор шоир лабида,
У сезади масъулият кучин:
Бу юмалоқ-чап қўкрагида -
Нишон ҳамдир мерғанлар учун.
1980

ҲАФТА

Душанба иш,
Сешанба,
Чоршанба,
Пайшанба ҳам иш.
Лекин Шанба бизни кутиб олади
Радиода «Табассум» билан.
Кейин Якшанбанинг устига чиқиб,
Ойдин бир ҳафтага назар соламиз.
Нафасимизни ростлаб,
Яхши ният билан,
Калла ташлаймиз-ку бу кўлга!...
Шу кетганча чикамиз
Шанбанинг ёнидан пишқириб
Ёки чиқмаймиз.

1980

УЛАРГА АЙТ, СЕВГИЛИМ

Сен ва мен биламиз
муҳаббатнинг
тимсоли мажнунтол эмаслигини.
Сариқ гул - айришиқ,
қизил гул - учрашув, дегани эмас.
Айт уларга,
тушунтир севгилим,
биз қандай севгандик бир-биримизни,
қандай севган эдик,
гуллари юлинган оламда!

1980

АЙБИМ НИМАДА

Оллоҳим,, не ўтди мендан айблик,
ярашмас табассум, кулгу турқима,
нима бўлди ўзи, бу не заифлик -
мен ҳатто қувончдан қўрқаман.

Кичик бир туйғунинг шабадасидан
юрагим омонат пуфакдай шишар,
атрофга жовдираб, қўрқиб қарайман,
кўксим беркитаман, у бўлса - шиша!

Шодлик келса агар дафъатан сўра,
турман йўқотиб буткул эс-хушим,
қочаман бошимни камзулга ўраб,
тепамда айланиб қолса баҳт қуши!

1980

ЁЛҒИЗ АЁЛ

Эшик тепасидаги қўнғироқ
чириллаб юборар дафъатан.

Аёл

оғир соchlарини йиғиширади.

Бир амаллаб турмаклаган бўлади,

Эшикнинг ёнига келиб,

«ким бўлдийкин», дейди ўзича

Аммо

икки томонни ҳам кўриб турган эшик
миқ этмайди.

Нима қиласини билмаган аёл

бошидаги оғир чамбарак

бўшашиб бораётганин сезади ногоҳ...

Шу пайт яна ишга тушар күнғирок
чирилдоклар учеб киради яна -

Сочлари сочилиб кетар аёлнинг,
сочилиб кетар
шунча меҳнат билан
турмаклаган оғир соchlари!..

1980

ЯНА ХИЁБОНДА

Дарахтнинг шохи
Елкангга тиралимиш
Милтиқ сингари.

Кўлингда тош мисол
Гижимланган хат.

Қаерда,
Қаерда ётибдийкин мавзу
Ўзининг қонига беланиб?

Капалак учеб ўтар олдингдан,
Жаҳонда энг оғир капалак...

1980

ҮЛДИРИБ БҮЛМАС

Гулни хидлаш учун
Эгилган бошни
Кесиш мумкин эмас ҳеч қачон.
Мерганинг энг зўри
Қўшиқ айтгаётган инсоннинг
Кўксини мўлжалга ололмас.
Дунё зулматида севгилисидан
Бўса олаётган кимсанинг
Елкасига пичоқ уриб бўлмайди.
Ўлдириб бўлмайди,
Ўлдириб бўлмас
Оллоҳга сифиниб ўтирган қулни

1980

ЎЗ УЙИНГ

Филнинг эгаси
Ўз филини суйгани каби,
Эркалагани каби,
Деворларни силайман бу уйнинг.
Эшикларни қучоқлайман
Ошиқ йигит қизни қучган сингари.
Ҳаммомига кириб
Завқдан қичқираман
Шаршара тагида чўмилаётган
Ибтидоий одам кабимен.
Бу менинг ўз уйим
Сизники эмас.
Сизники эмасдир, ниҳоят.
Мен энди хоҳлаган портретимни
Хоҳлаган деворга осаман

Фақат сизникини эмас, ниҳоят.
Бу менинг ўз уйим,
Агарда ўлсам,
Жасадимга ҳеч ким ўшқиролмайди,
«Чиқиб кет бу ердан, чиқиб кет!» дея.

1980

ШИРИНСУХАН КИШИ

Менда ёмон сўзнинг ўзи йўқ.
Мен дунёда энг мамнун зотман.
Ҳар бир сўзим гулдай сокин ўқ,
Гулдай табассумда озодман.

Кун кўраман, боқаман рўзгор
Ўз тилимдан томган бол билан.

1981

ЯНГИ ЙИЛ ОЛДИДАН

Мен бу чирокни ҳам ўчирдим -
Ўн икки пиликли бир йилни.
Кўзларим ачишди ўчираётиб,
Кўзларим ёшланди,
Чироқнинг охирги дудидан!

1980

ВАЗНСИЗЛИК ҲОЛАТИ

Бугун ер инсон изтиробининг
Кичик бир қисмини рад этди -
Ернинг тортиш кучи
Етмайди кўз ёшни тортмоқча энди.
Сифатин ўзгартган томчилар
Кўзлардан буғланиб,
Ҳавога учади тўппадан-тўғри.
Бир кун ер бор изтиробнинг
Ҳаммасини рад этса агар,
Учиб юрар эди ҳавода
Миллиардлаб қанотсиз одамлар.

1981

КУЛДОНЛАР

Ҳатто кулдонга ҳам кўнишиб қоларкан киши.
Балиқ кулдон,
Тошбақа кулдон,
Аёл шаклидаги кулдонлар.
Президент дунё муаммоларини
Хотини билан ечган сингари,
Шоир ўз дардини
Кулдонга айтса ҳам булаверади.
Гарчи мухаббатнинг меъёри бордир,
Гарчи таъқиқланган кўп хотинлилик,
Столимизда турар
Кирпи кулдон,
Тошбақа,
Сув париси шаклида кулдонлар.
1980

ҚАХРАМОНИМ

Бир куни шу йўлдан ўтсангиз эди,
Босган изингизга арзимасдим мен.
Сочингиз солланиб ўтар экансиз,
Арзимасдим унинг бир толасига.
Кўлингизни бирдан чўзсангиз агар,
Арзимай қолардим тирногингизга.
Лекин мен арзийман сизга юз карра,
Чунки сизни ўзим ўйлаб чиқардим!

1982

ЁМФИР

Ёмфир ёғар бу кеч дунёда
Шахар бўлса уйқусига берк.
Кўча бўйлаб ўтар пиёда
Ҳали ҳеч ким танимаган Эрк!
Ёмфир ёғар, бу зиёфатга
Бош қўшмаган чироклар учар...
Чўмар ибтидоий ёмфирга
Ўз номини унутиб кўча...

1977

УСЛУБ

Ёлғончилар даврасида ҳам
У бегона ҳисобланмасди.
Нокдай узатилган ҳар бир ёлғонни
Тановул қиласиди ҳамма катори.

Кейин алдар эди алдоқчиларни:
Яъни ўша нокка хақиқатни ўраб,
Берарди ёнма-ён ўтирган дүстга,
Дүст ер эди бу нокни
Мазза қилиб,
Асл ёлғон, деб...

1977

БОЛАЛАР ВА БОБОЛАР

Болалар дунёни бошқача кўрар -
Оёгини осмонга қадаб,
Қўлида юради болалар
Дунёга бошқача қарамоқ учун.

Дунёни ўзгача тушунар чоллар -
Кечкурун, хиёбонда,
Ўтган-кетганларга парво қилмай ҳеч
Мутолаа этарлар
Газетани тескари ушлаб.

Дунёни бошқача кўрар болалар,
Чоллар ҳам ўзича тушунар уни.

1976

АЁЛ ВА ЭРКАК

Аёл ёлғиз, лекин тул эмас,
Эр якка-ю эмасдир бўйдоқ.
Бир-бирига ҳеч ким қул эмас,
Ҳеч ким озод эмасдир бироқ.

Аёл кетар ўз хонасига,
Лом-мим демай кетар эркак ҳам -
Бир-бирининг пешонасига
Ёзилган бу иккита одам.

Эркак ёқдан милтилаб олис
Папиросми, ёнар дафъатан.
Бунда - аёл бош қўйган болиш
Ёришади...
Сокин...
Нафратдан.

1977

ҚИШКИ НОВДА

Япроқсиз.
Яланғоч.
Аччиқ.
Яна нима керак ифодалаш-чун
Бу новданинг ёлғизлигини.
Яна нима керак сенга?
Бу новданинг йўқотганларин
Йўқотиб кўрдингми сен ўзинг?..
Аммо сен ўжарларча
Сўзни арчийсан,
Новдани арчийсан беомон:
Ниҳоят, мана у -
«Ёлғиз» сўзидан ҳам етимроқ
«Оч» сўзидан-да озғироқ
Хипчин у -
Шивиллаб турибди дарахтда.
1981

УРУШГА ҚАРШИ

Бирорта урушда қатнашмай туриб,
Хөч кимни ўлдирмай,
Асирга тушмай ҳам
Олтмиш ёшга кириши мумкин одамзод.

Хөч қачон ҳарбийга бормаган,
«Тил» тутиб келмаган бобо билан ҳам
Фахрланиши мумкин набира.

Байроқни ўпмай ҳам,
Қасам ичмай ҳам,
Ватанни сотмаслик мүмкіндір.

1981

ХОРИЖДА

Үзга тилда бераман мен ўз саломимни,
Үзга тилда нонушага қилишар таклиф.
Бу шаҳарнинг кўчасида кўр мисол мени
Үзга тилнинг уч-тўрт сўзи юрар етаклаб.

Ўша тилда кўрсатарлар менга юлдузни,
Ўша тилда уйғотурлар мени сахарда,
Ўз тилимни эмас,
Уч-тўртта сўзни
Унутмоқдан кўрқаман бу улкан шаҳарда.

Ватан бўлса-менинг тушим,
Ватан тушимдир -
Ўз тилимда гапираман фақат тушимда.

1981

АРГАМЧИ

Қадам товушлари алдамчи.
Шамол увлар, дараҳт ғижирлар.
Бориб келар бўм-бўш аргамчи -
Ўлтирибди унда Ёлғизлик.

1981

СУҲБАТ

Юзма-юз ўлтиридик. Ўртада стол.
Балки, сархущдирман, балки - тантироқ.
Стол узра ётар икки сокин қўл,
Столнинг остида кезар қалтироқ.

Кўлларинг ётибди -сирли силсила,
Ётар ўн бармоқли қаҳрабо сукун,
Стол остида-чи, майин зилзила,
Титрагр бир оҳангда-ажойиб руқн.

Титрайди столнинг остида тизинг,
Билмайман, гапирай нима ҳакида,
Стол тепасида қилт этмас юзинг-
Зилзиладан йироқ жаннатий қитъа...

1980

ОРЗУ ҚИЛ

На шоҳдирман, на қўли очиқ,
Аммо менинг кимлигим унут,
Эртакларга аччиқма-аччиқ
Сен ўзингни маликадай тут...

Маликадай тутолмасанг гар,
Алдаш қийин бўлса кўзингни,
Дарҳол шоҳга унаштирилган
Чўпон кизи деб бил ўзингни!

1981

УМР ЎТИБ БОРАР

Умр ўтиб борар...
Ундан яширин
Мен сенинг ёдингда қолмоқ истайман.

Сенинг ўзингга ҳам билдирамай,
Қолишим истайман ёдингда -
Тўй тугаб, меҳмонлар тарқаётганда
Парда орқасига беркиниб олган
Бир кимса сингари қолмоқ истайман.

1981

ХАЙРЛАШУВ

Тишиларим тишимга тегмади, тегмади -

Тиграймен.

Бармоғим айланар охирги тугмада -

Турай, мен.

Тилимга санчикдай санчилиди сүнгги ҳарф -

Юрай, мен.

Кийим йўқ. Бўйнимда фақат шу қора шарф -

Урай мен.

Тугади. Вакт йўқ сен билан унумсиз

Куймоққа.

Алвидо. Кийим йўқ тинимсиз, тинимсиз

Киймоққа.

1980

ҚАБРТОШДАГИ ЁЗУВ

Асло менга ўхшаб,

Яқин одамингни йўқотмагил сен.

Кейин менга ўхшаб хатлар кутма -

Бари бир хат келмас сенга

Худди менга келмаганидай.

Кейин менга ўхшаб,

Ўзингни қўярга жой топмай

Кўймагил, қўймагил ўзингни

Мен ўзимни қўйган бу жойга.

1981

ЭРТАГА

Эртага шубҳасиз баҳтли бўламиз
Бугун ўлмасак.

Эртага орзуни қувиб етамиз
Бугун чополсак

Эртага
Қувонч улашамиз ҳаммага
Агар уни бугун тополсак.

Шоир қуиламайди ғамгин қуиларни
Эртага.

1981

ГҮЁ

Гўёки оломон бунда номаҳрам,
Гўё икки киши учундир каъба,
Икки одамови одамнинг меҳри,
Икки камсуқумнинг дўстлиги каби.

Гўё яланг оёқ қадамлар саси,
Гўё афсонавий қушнинг шарпаси
Ёки сухбатлашар жимжит дунёда
Алдаб билмайдиган иккита одам.

1981

УСУЛЛАРДАН БИРИ

Ёлғон -
Яшаш усулларидан биридир.
Макр-яшамоқнинг яна бир йўли.
Хийла ҳам шунаقا.
Демак, тўғри сўзни айтиш ҳам
Яшаш усулига кирав, шубҳасиз.

1981

УЙГОТИНГ

Қилт этмасмиш биронта дарахт,
Худди ерга санчилган буров.
Чечакларни -хидсиз, бефараҳ-
Жоду каби босганимиш қиров.

Тулуп мисол эмиш қалдирғоч,
Кўзи шиша, қарап тусмолдан.
Сассиз эмиш момақалдирок,
Чақин фалаж эмиш осмонда...

Уни туртинг, кўлидан тортинг,
Уни тезроқ уйғотинг,
Ким бор?!

1981

СЕН ГОЛИБСАН

Сен голибсан мағлублиқда ҳам.
Сенга ётдир инграңақ, гингшү.
Үғримассан ёки муттахам,
Сен озодсан, бори-йўғи шу.

Обрўйинг йўқки қуласа -
Оломоннинг эрка эрмаги.
Тешик бўлса, роса куласан,
Эл оғзига тутган элагинг.

Факат сенинг йўқ шахсий ининг -
Ташламайсан ҳеч қайда лангар,
Лекин думинг ҳам йўқ-ку сенинг,
Ғалвир ҳам йўқ унга боғланган!

1981

АЛДАДИМ

Мен сени алдадим. Бу гуллар ҳидсиздир,
Овора бўлмагин хидлаб уларни.

Яна бир алдадим -
Сенга аталмаган эди бу гуллар.

Яна алдаяпман -
Кўлимда ҳеч қандай гул йўқ-ку ўзи!

Сен ҳам, сен ҳам йўқсан-ку, ахир
Мен нега ўзимни алдайман!

1981

КАСБИМИЗ

Яхши, ёмонми, касбимиз -сўзdir.
Биз айтган сўздан тош эримаса ҳам,
Чиқиб кетмаса ҳам илон инидан,
Бу касбдан тонмаймиз бари бир.
Девор пайдо бўлса рўпарамизда
Унга ҳам бошларни урмаймиз -
Иш шу бўлгандан сўнг, гапирамиз-да,
Сўзлаймиз деворга, қараб турмаймиз.

1981

ДАРД ЧУҚУР

Дард чукур,
Мазмун эмас.
Одам ичидаги махлуқ -
Аллақачон бошқа,
Аллақачон маймун эмас.
Кўксини ўқларга тутмаган
Авлод шажараси дунёга келди -
Тасаввур қилингки, уларнинг
Бирортаси маймунмас энди.
Аммо отам елкасига теккан ўқ
Менинг кўкрагимда битмоқда.
Балким, у кичикдир,
Сал кичик -
Дурбинни тескари қилиб қарасанг,
Наинки, яра -
Хатто халқ кичик.
Дард чукур.
Мазмун эса...
Тўпикقا ҳам чиқмайди мазмун.

1981

СЕН КЕТГАНДАН СҮНГ

Бир кун ўтар сен кетгандан сүнг -
Танҳоликнинг биринчи куни.
Лекин иккинчи кун
Имиллай бошлайди кутимаганда.
Учинчи кун зўрға,
Оқсоқланиб келар ойнам олдига.
Тўртингиси ўтмас -
Оёқлари йўқдир тўртингичи куннинг.
1981

ЯШАШНИ ЎРГАТАЙ СЕНГА

Яшаши ўргатай сенга, кел, ўлтири:
Кеч ётиб, турмоқни сакарда,
Бетон кути ичра гуллар ундириб,
Бола ўстирмоқлик дудли шахарда.
Қандай тақсим қилиш керак, масалан,
Бир умрни учта одамга,
Ёки биласанми, бир сўм пул билан
Фаровон яшаши уч кун оламда?
«Нега кунларимиз зерикарлидир?»
Дея қарап экан аёл кўзингта,
Биласанми, қандай табассум зарур
Тарашадай қотган сенинг юзингга?
«Ҳаёт - ўзи шу» деб, аёлни
Қандай ишонтирмоқ мумкиндири, қандай?
Қандай ишонтирмоқ мумкин хаёлни
«Ҳаёт-бу эмас, деб шеърда айтганда?..
Сенга ўргатаман кел, ўлтири,
Ўзим эпломаган бу фанни.
1981

ОБРҮ ДАРАХТИ

(социалистик меңнат қаҳромонлариға бағишиланди)

Бу гул тувак эмас,
Обрү косаси -
Ағдариб юборманг тағин.

Анов келаётган лапанглаб,
Бу косани олиш учун шод,
Обрү дарахтидир! ...

Кўлингизни теккизиб куринг,
Мевалари жаранглаб кетади унинг.

1981

ҲАЛИ

Ҳали анчагача
Кўникмай юраман бу янги йилга.
Қоғозларга адашиб,
Эски йил билан мен имзо чекаман.

Ҳали узоқ вақтгача
Ўзга аёлларни
Сенинг исминг билан чақиражакман.

1980

ҚИРҚ ЁШ

Ойна оппок. Хона зим-зиё.
Тамом бўлиб қолди гугуртим.
Бугун қирқ бир ёшдадир дунё -
Унга танҳо, жунжикиб кирдим.

Изгирин ҳам дафъатан тинчир,
Гоҳо яна чалар сибизга.
Ойналарни қаҳрабо занжир
Сассизгина олар хибсга.

Бокар оппок, бокар бетиним,
Корачиксиз кўздай дераза -
Мен танҳоман. Туғилган куним.
Совуқ қаттиқ. Қирқ бир даражা.

1980

АЙЁРЛИК

Оллоҳим, шу чолдан аввал мени ол,
Мени ол, - деб уч йил жавради кампир.
Чол-чи, Оллоҳига ялинмади чол
ва ўлди, жимгина ўлди такаббур.

Кампир нима қиласин бўм-бўш оламни!...

Оҳ , ёмон кўрар у орқаворотдан
ишини битирган одамни!

1981

ВАЪДА

- Келишмадик, ўғлим. Хўп, кечир.

Менда не умид бор, не таъма.

Фақат менга шу қиши мухлат бер,

Қищдан омон чиқсан... кетаман.

Қищдан омон чиқолмади у,

Лекин кетди, кетди ўжар чол!

1981

ВАҚТ

Мана шу семиз аёл билан бирга ўқигандик.

Мана шу семиз аёлни мен севган эдим. Агар ҳозир учратмаганимда у ёдимга ҳам тушмасди.

Бизми шафқатсиз, вақтми?

Иккови бир нарса. Суриштиromoқ шартми?

Биз икки оёқли вақтмиз.

Тарвақайлаб кетаётган мана шу аёлни мен севган эдим, ахир!

У билан мана шу теракка исмларимизни ўйган эдик. Энди ҳарфлар қорайиб, шилинганд. Терак эса ҳамон ўсмоқда, ҳамон тарвақайлаб боряпти терак.

1982

ГАРЧИ У ҚУШ ЭМАС

Гарчи қүш эмас у, лекин унинг ҳам
Узок-узокларга учгиси келар,
Гарчи у ит эмас, лекин унинг ҳам
Баъзан увлагиси келар осмонга.
У қүёш эмас-ку, шунга қарамай
Мангуда яшагиси келади унинг,
Гарчи дараҳт эмас, лекин унинг ҳам
Тўкилажак бир кун барглари.

1981

ЎРИК ДАНАГИНИ ТОМОША ҚИЛИБ

Барча ўсимликка, ҳамма нарсага
Овоз берса эди Яратган,
Яъни барча оғзи тикилган
Ва нолишдан маҳрум этилган
Не бўлса, барига овоз берсайди -
Йиртилиб кетарди қулоқ пардамиз
Ўрик данагининг қичкириғидан!

1981

ОҚ

Бошимдаги оқ
Кордир, болам.
Осмондан эмас,
Ёрдан ёққан қор.
1981

ОНА БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Тобора оқарар бошидаги соч,
Тобора узоқлашар ундан
Бошини силаган ул меҳрибон қўл.
Тобора узоқлашар,
Узок-узокларда ҳилпиар
Ўзга бир давлатнинг байроғи каби.
1981

ЎЗИ БОР

Балким янги ороллар очмас,
Лекин айтадиган сўзи бор -
Аравани қуруқ опқочмас,
Аравада унинг ўзи бор.
1981

КЎНИКИШ

Шу қадар хижолат бўлардики, шўрлик,
Кўзи тиниб, ҳеч нарса кўрмасди.
Уят қучли эди, қучли эди хўрлик,
Ер ёрилмас эди ерга кирмасди.
Одам ҳар нарсага кўникар экан,
Кўнишиб олди у тақдирга -
Энди ер ёрилар эди уятдан,
у бўлса, кирмасди ёрилган ерга.
1981

УМРИМ БЎШЛИҚЛАРИДА

Умримнинг кенг бўшлиқларида
Онда-сонда учраб қолар гул
Ва ўзининг қўшиқларидан
Аллақачон воз кечган булбул.

1981

ХАЁЛ

Бирдан кўзингизга мен
Зўр бир одам бўлиб кўринсам -
Қандайдир қахрамон, бирор космонавт
Ё машхур ёзувчи бўлиб кўринсам.

Мен сизга қўнгироқ қилгандай,
Сиз менга қўнгироқ қилсангиз ҳар кун,
Жонимга тегсангиз менинг
Сизнинг жонингизга мен текканимдай:

«Кечирасиз, бугун бандман, жуда ҳам бандман
Эртага қўнгироқ қилинг», десам мен.
Шунда Сиз телефон қаршисида лол
Туриб ўйласангиз «бирдан кўзига
Энг гўзал аёл бўлиб кўринсам...»

1981

ДАРАХТ

Мана шу дарахтга бераман
Сенинг етим қолган исмингни.

Токи дарахт мазмун касб этсин,
Токи камроқ ўргансин виждон
Сендан сўнг ҳам тириклигимга,
Токи деразамда титрасин абад
Олис табассуминг сояси!

1981

БИЗНИНГ ЕРИМИЗ

Maқsудга

Биз шу ерда яшаган эдик.
Бобомники эди шу ҳовуз.
Суви тугаб қолган энди
Хазонлар чирир ҳовуч-ҳовуч.

Гужумлар қуп-куруқ - кутилган юқдан,
шўрдан оппоқ ҳовузнинг лаби.
Чумчуклар юрар, сувсизликдан
Куш бўпқолган балиқлар каби.

Биз юрибмиз-ака ва ука,
Сайёхга айланган иккита ерли.

1981

ЖУДОЛИК

Жудолик дев каби келмайди доим,
Баъзан у мушукдай келади сассиз:
Панжалари момиқ, мулойим,
Ўткир тирноқлари махфий -- кўринмас.
Кўтармоқ учун хам бу жудоликни
Шарт эмас девларга хос бир ирода -
Оддий одам бўлса етади, яъни
Бошига жудолик тушган бир одам.

1981

БАРИ БИР

Кимдир дуо қисса ҳақимга хар кун,
Дуолар мўлжалга етиб борса ҳам,
Бугунги кунимдан ҳам фаровонрок,
Шодмонроқ яшолмас эди бари бир.
Кимдир чин юрақдан нафратланса-ю,
Ихлос билан тинмай қарғаса мени,
Бари бир, бари бир яшай олмасдим
Бугунги кунимдан ҳам баттар!

1981

ТАХРИР

Яrim оқшомда у гўридан туриб,
Ўз қабр тошига ёзилган
Баландпарвоз сўзларни
Ғазаб билан ўчирди.
Бу унинг сўнгти тахрири эди.

1981

ЭРТАГА ҲАМ

Эртага ҳам тузалмасам гар,
Чўкаверса агар кўзларим,
Эртага ҳам телбаникига
Ўхшайверса менинг сўзларим.

Эртага ҳам мендан ҳол сўрсанг,
Ин dampасам, бермасам жавоб,
Кўзларимда муаллақ турса,
Тураверса соқов изтироб.

Эртага ҳам одам бўлмасам,
Мен ўзимга келмасам агар,
Эртага ҳам ўлиб ўлмасам...
Кўлларимни боғла, биродар.

Кўлларимни боғлаб олиб бор
Ўша аёл ёнига мени,
Мени курсат: «Бу кимса -магур,
Аммо севиб қолибди сени,

Сени севиб қолибди!» дея
Бакир, аямагин кучингни,
Бакир, ичим бўшатиб олай,
Ёниб бораётган ичимни!

1982

СОВУҚ КЕЧА КАБИ

Совуқ кечә каби энди шеър.
Япроқларин түкди сатрлар.
Йүқ, хеч кимдан хафа эмасман,
Фақат совуқ кечә каби шеър.

Йүқ, кимдан ҳам хафа бўлардим,
Фақат шеър...
Фақат ҳар бир сўз
Ёқасини кўтариб олиб,
Бегона одамдай ўтиб бормоқда.

1981

БОРГАН САРИ

Борган сари ҳётга мен содикроқ ҳамроҳ,
Борган сари ўлим ҳақда секин сайрайман,
Борган сари ўлимни кам сўкаман, камроқ.

Борган сари ўлим томон,
Ўлим ҳақда камроқ, камроқ...
Борган сари ўлим томон,
Ўлим ҳақда секин, секин...

Подшоҳ қабулига бораётган фуқаро
Ғийбатни тўхтатар нақ сарой олдида.

1980

ТАРАЛАДИ СИЁХНИНГ ИСИ

Таралади сиёхнинг иси.
Кўкрагимни нимадир эзар.
Лекин қўлим ўзидан ўзи
Қувноқ-қувноқ расмлар чизар.

Бир рутубат тиграр чироқда,
Юрагимда нимадир кечар,
Лекин қўлим мендан йироқда
Ўйнар, қувноқ расмлар чизар.

1981

МАЁҚ

Кимдир тиржаяди. Кимдир кўз қисар.
Ногоҳ қайнар бошлар ғийбат булоғи -
Узокда кимнингдир қулоги қизар,
Бирдан ёна бошлар унинг қулоги.

ғийбат давом этар... Бир-бирин авраб,
Нихоят бир-бирин қилганда тамом,
Жим суза бошлайди адашган давра
Зулматда ёнаётган қулокқа томон...

1981

МЕН ҲЕЧ КИМГА БҮЙИНСУНМАСМАН

«Мен ҳеч кимга бүйинсунмасман,
Балки менга бүйисунар қисмат.
Мен сиз эккан жойда унмасман,
Фақат рухға қиларман хизмат.

Мен сизларга раҳм қилмасман,
Яъни ўзни аямайман ҳеч.
«Оқ-кора!» деб ваҳм қилмасман -
Йўқ, сочимни бўямайман ҳеч.

Букилмасман кувончу ғамдан,
Сўрамасман сиздан нафака,
Яъни, мен бу моддий оламда
Оллоҳ учун яшарман фақат!..»

Эсда йўқ, бу юксак сўзларни
Қай китобда, қачон ўқидим?
Балки танҳо қолган кезлари
Билиб-билимай ўзим тўқидим...

1981

УЧОҚДА

Учар, учар баҳайдабат лайнер.
Дарчаларни ялайди булут.
Аввалига кўнгиллар айнир,
Кейин... бари бўлади унугт.
Кейин бирдан унугт бўлади
Ерда эмас, кўкда эканинг -
Кимдир ўқир, кимдир кулади,
Кимдир ухлар ёнингда сенинг.

Кимдир бошлаб берар уйкуни...
Ва янграйди умумий хуррак.
Сен-чи, четда танҳо, биқиниб,
Ўтирасан - кўнникмас юрак.
Ҳамма ухлар. Ухлайди барча.
Ёлғиз қолдинг дарча ёнида -
Ёлғиз ҳазм бўлмаган парча
Улкан қушнинг жигилдонида.

1981

ХУШЁРЛИК

Бахордаги дарё сингари
Тошиб борар эҳтиёткорлик.
Қулоғимиз соғломдир, аммо
Баъзан оғрир у бечора ҳам
Хушёрликни кўтара олмай -
Чидаб бўлмас динглиқдан оғрир.

Кўзларимиз тўртга
Иккиси ухлаб,
Иккиси навбатда туради бедор.
Юрак ҳам турттадир -
Улар гавдани
Коровуллаб тураг тўрт тарафидан.

Бир-бирини ўйлайди ҳамма,
Кўнглимиз тўқ қорнимиз қаби;
Ҳамма ухлар бемалол
Чунки,
Чунки ҳамма ухлайди хушёр!

1980

МҮЙЖИЗА ЮЗ БЕРСА...

Мүйжиза юз бериб, Ахмад Яссавий
Келиб қолса, агар бизнинг асрга,
Кириб кетмас эди ерга асабий,
Жойлашмас ҳам эди бирор қасрга.
Унинг шоирлигин ҳисобга олиб,
Ижроқўм берарди бир хоналик уй.
У бўлса эшикка ичдан қулф солиб,
Тоза замон ҳақда сурар эди ўй.
Бизни киритмасди уйига асло,
Осиб қўяр эди эшигига хат:
«Эшик чертилмасин.
Бундан мустасно
Ўзга дунёлардан келганлар факат».
1981

АЁЛУ ЭРКАК КУЙ ИЗМИДА

Аёлу эркак куй измида -
Ҳаммаси тушмоқда зикр.
Мени-чи, кузатар зимдан
«Қочиш керак» деган фикр.

Расадхонага ўхшар айвон.
Чиқаман. Юлдузлар ўткир.
Бошимда айланар ҳамон
«Қочиш керак» деган фикр.

Уйку дори тўла косани
Бўшатаман. Сўнар тафаккур...
Ёнимда тўлгонар нозанин
Бошимда яна ўша фикр!

Не қилай, бир фикр кечди,
Бир фикр «ялт» этди -
на ҳайрат -
Менинг имконимдай кичик
Қочишнинг ўзидай баҳайбат!
1981

БИР УХЛАБ ТУРСАНГ, БАС

Бир ухлаб турсанг бас, тинар пўртана,
Кетар чарчоқ деган ялмогиз
Ва яна яшашга тайёрдир тана,
Яна гапирмокқа шай тураг оғиз.
Яна ўша давра, яна ўша май
Куйилару парда тортар кўзингга
Ва яна иккинчи қадаҳ бўшамай,
Даҳшатли бир бўшлиқ тўлар кўксингга.
Шунда «чўрт» узилар давра лангари,
Муаллақ қолади қадаҳу қошиқ,
Коронғида кўрккан бола сингари,
Ичингдан отилиб чиқар бир кўшиқ!
Кўзларинг олдида олис бир воҳа,
Овозинг етмайди, тиграйди лабинг -
Кўналға тополмай учади оҳанг
Юртидан қувилган сор бургут каби.
Овозинг бўғилар, қирилар томоқ,
Лекин кўзларингдан оқади кўшиқ.
Сен учун қўрқинчли, энди тўхтамоқ -
Тўхтадинг, шу заҳот ютади бўшлиқ!

1981

ЁМОН СЕЗЯПМАН ЎЗИМНИ

Ёмон сезяпман ўзимни
Ёмон сезяпман негадир.
Гүё мен бирорвни ҳақорат қилдим,
Гүё етим қолдим жаҳонда.

Гүё боягина,
Бир лаҳза олдин
Кимнидир уйимдан ҳайдаб чиқардим,
Гүё ҳамон титрар лабларим
Бояги шафқатсиз сўзлардан.

Ҳеч ким келгани йўқ, аслида,
Демак, ҳеч ким бундан кетгани ҳам йўқ,
Лекин нима учун менинг кўзимда
Кўзёш айланмоқда -менга етти ёт?

Нима учун бунда ҳар нарса
Чўғ мисол кўзимга босилар
Мен ҳайдаб чиқарган одамнинг
У нутиг қолдирган нарсаси каби?!

1982

СЕНЕКА

Курб,
Куч эмас,
Курб, деяпман сизга.
Ҳамма фарзаңдини эркалар,
Мен сени эркаларман, курб.
Кимки истар экан,
Аллаласин худбинлигини,
Бошини силасин ўз қудратининг.

Мен курбга аллалар айтарман фақат,
Барча балолардан асрарман уни.
Токи сўнгги бало келганда,
Бир масрур табассум,
Бир озод табассум суратин
Куруқ лабларимга чиза олсин қурб!
1980

* Сенека -кадимги Рим файласуфи

НОГАҲОН БИР МОВИЙ РУҲИНАР

Ногаҳон бир мовий руҳ инар жонга,
Юрак-бир, қуёш-бир, соя - бир.
Учта гўзал кирап Ўзбекистонга -
Сентябр, октябр, ноябр.

Кирап бир-бирининг қўлидан ушлаб,
Сен-да улар билан кетабер.
Сени қайтариди изингга тушлар -
Ноябр, октябр, сентябр.

1980

ШУ СЎЗ УЧУН

Шу сўз учун
Юз йил илгари
Унинг кўзларини ўйишар эди.

Шу сўз учун уч юз йил олдин
Кесардилар унинг тилини.

Шу сўз учун ўн аср аввал

Боши кетган бўларди унинг...

Сарсон юрар эди, асрлар аро
Ўтмиш йўлларида сочилиб ётган
Ўйилган кўзию йўқотган бошин
Ва кесик тилини излаб юрарди
Бугун айтиш учун ўша сўзини.

1981

ДАРВИШ

Орзу қилар: қанийди аруз
Аллаласа уни, ухласа -
Сентиментал мажнунголлару
Майин чизгиларнинг муҳлиси.

Четда юрар бойлик, ҳашамдан
Бор бойлиги - унинг ҳаёси.
Офтоб эмас, титроқ бир шамдан
Ёрип унинг бутун дунёси.

1981

ЭРКАК

Эркак мактуб ёзса,
Аёл қўллари
Тиграйди минг фарсах нарида.

Қўнгирик қилса у,
Аёл овози
Эркак овозининг пинжига кирап.

Эркак уйга кирап, ниҳоят,
Аёл қўллари
Айланар дафъатан иккита гулга...

Эркак уйда бўлса,
Чироқни bemalol ўчириш мумкин.
1983

ЧЎЛИ ИРОҚ

Сахро -бу юрақдир,
Таслим бўлган одам юраги.

Сахро -оқ байроқдир,
туялар пойига ташланган байроқ.

Сахро -«Чўли Ироқ»,
Бироқ
Ҳеч кимнинг юраги бетламас
Бу куйни чалмоққа, ҳеч кимнинг.

Лекин тингламоққа ҳамма тайёрдир.
Шунда ҳам кўзини юмиб тингларлар,
Кўзларини юмиб, негадир.
1983

МЕН ЎПМАГАН ҚЎЛ

Сизга таъзим учун шайландим, бироқ
Кимдир таъзим этди мендан олдинроқ.
Сизнинг қўлингизни ўпмоқчи эдим,
Кимдир яна мендан олдин улгурди.

-- Салом, --дедим, хирқираб... Саломимни ҳам

Хайдаб юбордингиз еллигич билан.
Боқмайсиз. Мағурсиз. Турибсиз чидаб
Гул каби, ёввойи ўтлар ичида.

Нихоят чарчайсиз. Таъзимлар аро
Мен томон қарайсиз бир мотамсаро.
Ёнимга келасиз, кўзлар жиққа хўл...
Ва титрар қўлимда мен ўпмаган қўл...
1984

ҲАММАСИНИ КЎРИБ

Ҳаммасини кўриб жим турсанг, юрак,
Ҳаммасига чидаб айлансанг тошга,
Нима тошсин, ахир, дарёдан бўлак,
Нима қимирласин шу ердан бошқа?!

1983

БАЙРАМ

«Байрам, Байрамхоним,
Мен Сизни кутлайман мана шу
Шоду хуррам одамлар билан,
Чехраси ҳамиша қулгуга,
Табассумга тайёр одамлар билан.
Сизни чириётган хазонлар эмас,
Ёзда ўтиб кетган яшиллик билан
Қутламоқчиман.

Мен Сизни
Шохларда дийдираб ўтирган,
Байрам нелигини билмовчи

Күшлар билан күтлемайман ҳеч.

Мен Сизни
Дераза олдида
Хўрсишиб, ойнанинг юзини
Музга айлантирган синиқ чехрали
Одамлар-ла табрикламайман»...

Музлаган дераза,
нақшли ойналар -
Ортига ёзишиб табрик сўзлари
Жўнатилмай қолган номалар.

1982

ТУШ

Икки бор шиддатли яшай бошлайсан
Оқшом гирбонингдан туш ушлаганда:
Душман сипоҳийси, мана, бошингни
Олиб борар эмиш кумуш лаганда.

Лаганда кетяпсан хукмдор томон -
Сенинг оёғингдир душман оёғи -
Бир нутқ тайёрланар лабингда ёмон,
Ханжардай хезланиб борар қулофинг.

Қон-ла оқа бошлар сўзлар лабингдан,
Лаган тутмиш қўлга киради кутқу -
Бу сўз юрак ёки гавданинг эмас,
Бу - инсон бошининг даҳшатли нутқи.

Хукмдор ўшқириб йиртади оғиз,
Ҳатто сеникайдай лаби гезарар,
Бари бир хукмдор ожиздир, ожиз-

Қон билан оқмайди чунки сўзлари.

- Бирон не қўйингиз унинг тагига,
Лаган билан суҳбат ҳақорат минг бор...
Яхшиси, опкелинг унинг танини, -
Дейди бирдан маъюс тортиб ҳукмдор.

Гавданг келтирилар...

Шунда дафъатан
Сўнгги бор қийшайиб қонгалаш лабинг,
Туфлайсан танангта бор кучинг билан
Хоиннинг юзига туфлаган каби...

Ва кўзинг юмасан лаганда секин,
Гўё бор кучни шу нутқقا асраринг...
--Уни осинг,--дейди ҳукмдор, лекин
Бошли қандоқ осиш мумкин, ҳазратим?!

1980

ТУТУН

Чекаман.
Тамакининг тутуни енгил.
Чекаман. Онам эса,
Секин келиб, тортади енгим:
--Нима бўлди сенга, дангаса,
Кун бўйи чекасан,
Пул йўқотдингми,
Жавоб бергил, еринг сотдингми?
Мен жавоб бермайман, чекаман.
Чекаман-у титрайди енгим
Тутун бўлса... Накадар енгил!
1980

ИШГА КЕЧИККАНДА

Ахир, иш кутмоқда. Давлатнинг иши.
Хотин зир югуарар.
Мен ураман дўқ.
Балконга қарайман тиришиб -
Ҳали ҳам қўйлагим қуригани йўқ!
Ахир, кутиб турар севимли ватан,
Кўйлак-чи, буғланиб тамом бўлмас ҳеч -
Қандайдир дазмолнинг хиёнатидан
Давлатнинг ишига бораманми кеч?
Яна идорага етиб боргунча,
Шиорларга ҳам қарашим керак,
Токи иш олдидан, ҳеч бўлмаганда,
Илҳомланиб олсин бу юрак!

1981

ОШИҚ

Мен - сен билан чекланган одам,
Ер юзида энг кичик ҳоким.
Чекланмишдир менинг иродам,
Хаёлларим, сўзим, идроким.
Тушун, сифатлашлар Олами,
Чекланганга суз керак эмас -
Яшашига ошиқ одамнинг
Лугатида ўн сўз бўлса, бас!
Фақат ўн сўз - нурдан тикланган,
Чексиз севги билан чекланган,
Фақат ўн сўз, балки учта сўз
Курашади туриб юзма-юз
Бу дунёнинг Сукунати-ла...
Қолганлари томошабинлар.

1980

ПОРТРЕТ

Сурат ўзгармабди,
осиғлик турибди ҳали ҳам
осилган жойида гилам.

Ҳали ҳам
жилмайиб турибди сурат
гиламга осилган милтиққа қараб.

У сўқир,
иккала кўзи ҳам кўрдир милтиқнинг.

Захарли-захарли жилмаяр сурат
Аянчли милтиқдан кўзини узмай.
1980

ЖАҒ

Панъжарага суяниб писта чақар у -
Бир маромда бориб-келар жағ.
Эринчоқ нотиқнинг сўзлари каби,
Лабидан сирғалиб тушар пўчоклар.
Панъжарага суяниб писта чақаркан,
Бир маромда бориб-келар жағ,
Нотаниш бир аёл йиглаб юборар,
Ўша панъжарага суяниб!..

Тиграб кетар ҳаво,
Тиграг панъжара,
Йўловчилар ўгирилиб қарап аёлга -
Фақат бир маромда бориб-келар жағ,
Бориб-келаверар ўша маромда...
1980

ИТ

Думи кесик бечора ит,
Мен сенга ачинаман холос.
Холингга йиғламоқ учун
Маймун керак.
Лекин у йўқ-ку...
Ҳаммаси ҳайвонот боғида.

Думи кесик бечора ит,
Хўжайнинг олдида
Нимани ликиллатасан энди?

1980

ТОНГ

Табиат Оллоҳни зикр қиласи,
Ўзи билан ўзи зикр қиласар жим -
Шабада ўзи билан,
Япроқ ўзи билан,
Майса ўзи билан зикр қиласи..

Жим бўлинг:
Тинглангиз, анна
Табиатнинг энг кичик зикри -
Чумолилар кетиб бормоқда!

1980

БУ ЕРДА

Бу ерда изтироб нотаниш сўзdir,
Бирор баҳона йўқ маъюслик учун,
Кувонч уйқу билмас абадий кўзdir.

Демак ҳеч ким бунда багрин тигламас,
Демак хат ёзилмас, кутилмайди хат,
Бирдан бирор ўлиб, бирор йигламас.

Демак тураверар олма қизариб
Тагига тушмас у, қурт тушмас унга
Демак тураверар мангу қизариб.

Кувонч уйқу билмас бемор бир кўзdir.

1980

ОЙДИНЛИК САРИ

Сайраб-сайраб чарчаган қушлар
Сув ичишга кетган.
Атроф жим.
Эҳтиёкткор ҳайвонлар ҳам
Чеккароқдан учади
Ўйларингга тегиб кетмаслик учун.
Ҳеч кимни кутмайсан,
Чиқмайсан ҳеч кимнинг истиқболига
Ҳеч кимдан муҳаббат қилмайсан талаб.
Кўксингда бир ажиб ойдинлик,
Кимсасиз ойдинлик
Ҳеч ким ўпишмайди бу ойдинликда.

1980

СИЛЛОГИЗМ

Пахта - ерда ётган булутдир.

Йүк.

Бу ташбөх жуда ҳам мавхум.

Пахта -- опшоқ бүгдир балким?

Ха, худди ўзи:

Дехқон гапирганда,

Дехқон нафас олганда,

Оғзидан чиқадиган бүг эрур пахта.

Дехқон эса - одам,

Яъни у ўлгунча нафас олади.

1981

МЕНГА БИР ҚАРА

Ўлим, менга қара, менга бир қара -

Мен жуда ҳам узоқ яшарман.

Ичимда бир ҳаёт барқ ураг -

Мен уни сендан ҳам яширмам.

Бир севги барқ ураг, ярқирап,

Қамашарди, күзинг бўлганда,

Шундай бир севгики, бақириб

Йиғлардинг, мен ҳозир ўлганда!

1983

СОВУҚ КУН

Бу кун бир қундирки, күйдаги қүёш
Ундан юз ўғирган, умидин узган,
Бу кун шундай қундир, ҳаттоқи күз ёш
Ерга тушганича айланар музга.

Бир кунки, қүш мисол қаноти синган,
Замин - гүё унга отилган кесак.
Бир кунки, Бу кунда ишонмас сенга,
Хеч ким ишонмайды «Севаман!» десанг.

1983

ДЕМАК

Бир ожиз жонзот бор тепа ё пастда,
Бир заиф мавжудот бордир мукаррар.
Йўқса, мен ўзимни кучли сезмасдим,
Қалб ўзига ишонмас эди бу қадар.

Бир буюк куч бордир тепада шаксиз,
Ё пастда бир улуг кудрат бор демак,
Йўқса, на ўзимни сезаман ожиз,
Йўқса, нега бунча титрайди юрак?

1983

УМР

Яна ўша ташбех; умрим - қофоздир,
Узун сўқмоқ каби чўзилган қофоз -
Ёниб келмокдадир унинг бир учи,
Бир учи сувдадир - Мангу Уммонда.

1983

МАН ЭТИЛГАН САВОЛ

Бу ёққа кел. Қўл қўй, имзо чек,
Мана шу умр сенга ҳадя.
Кўрқма, ҳеч ким сўрамаяжак
«Нега келдинг дунёга?» дея.

Яшайвергин, ҳадиксирама,
Дўст-ёр орттирип, орттирип бойлиқ, пул.
Ва ҳеч кимдан изн сўрама,
Илож топсанг, бўлмагин сен қул.

Пулинг булса, эркни сотиб ол,
Текинга ол, пулинг бўлмаса.
Ерда юргин, судрал bemалол,
Осмонга уч, кўнглинг тўлмаса.

«Нега келдинг дунёга?» дея
Сен ўзингдан сўрама факат -
Бу савол даҳшатли бомбадай
Ma'н этилган заминда абад!

1983

ЯНА

Гапириб билмайман. Сенга не дейин,
Сенга нима дейин, жоним, улфатим -
Ахир, минг йил ўтди севгидан кейин,
Минг йил, роса минг йил мен ҳам кулмадим.
Оҳ, бу узок сўзлар - «айрилик», «висол»,
Хаётим узундир менинг нақадар!
Тетапоя гўдак юргани мисол,
Ёза бошладим мен севги ҳақида.
1983

БИР ТҮЙГУ

Шошилма, жонингга раҳм қил, раҳм,
Ховлиқма бу түйғу сеникидир нақд.
Нечун энтикасан югрук юрагим -
Наҳотки, анқонинг уруғидир баҳт?!

Шошилма, оқил бўл, телбанинг қалби,
Бу түйғу чиндан ҳам севгига монанд -
Яланғоч новдада бир томчи каби,
Бир түйғу чиндан ҳам туар омонат...

1983

МАҚТОВ

Мен сизни доимо мақтагим келар,
Кўкларга кўтаргим келади доим.
Афсуски, мен севган одамим билан
Суҳбатга нўноқман - шудир хатоим.

Сиз менга азизсиз. Мақтамайман, йўқ.
Мен кўкка кўтарган одамлар мингта -
Сизга нима даркор одам тўла кўк,
Келинг, ултирайлик овлоқ заминда...

1983

СЕН БОРСАН

Сен борсан. Мен сени йўқотганим йўқ.
Чунки топганим йўқ сени, севгилим.
Мен сени излайман, чунки ёлғондир
Йўқлигинг ҳақдаги бор ҳақиқатлар.

Бутун замин бўйлаб излайман, аммо
Ҳеч қайтиб келмасман яна шу ерга -
Сени топмагунча ёлғондир чунки,
Ёлғондир заминнинг юмалоқлиги!

1983

ТОКИ

Мендан юз ўгириб,
Кетиб қолганича токи хотиним.

Ўзимнинг фарзандим. Ўзимнинг болам
Ўзимни масхара этганича то.

Токи номим
Лаънат тахтасига осилгунича.

То бўйнимга қилич тушганга қадар...
Дейману тўхтайман.

Наҳотки, дейман, наҳотки,
Шунча курбон керак сенга, ҳақиқат?!

1983

ҚУШ БИЛАН СУХБАТ

Ер - меники,
Сеники - осмон.
Яъни ўргамизда чиқмайды жаңжал.
Сен хужум этмайсан менга ҳеч қачон,
Мен ҳам ўқталмайман сенга ҳеч ханжар.

Агар пахта экмоқ мумкин бўлсайди,
Сенинг ўша мовий осмонингга
Қазилма бойлиги тўкин бўлсайди,
Мен дарров борардим ёнингга!...

Хозирча, ер -меники, осмон – сеники.

1986

СУКУНАТ

Куйга тушмас бугун осмон,
Куйга тушмас сайроқи қушлар.
Эсар мавхум шабадасимон
Соз ичидан қочган товушлар.

Куйга тушмас бу кўпол харсанг,
Куйга тушмас ҳаттоқи сукун.
Куйга тушмас ҳеч ким, ҳеч нарса -
Иш ташлаган ҳаммаси бугун.

1983

ҲАММАСИ ЁДИМДА

Ҳаммаси ёдимда. Энди борай мен.
Шартми севги учун ўзни окламоқ?
Ҳаммаси ёдимда. Демак, мен бойман,
Агар бойлик бўлса ёдда сақламоқ.

Умримни пойингга сенинг тўшадим.
Менда ҳеч не йўқдир, энди ҳеч нарса.
Ношукур эмасман - узоқ яшадим,
Агарда мухаббат ҳаёт саналса.

1983

СЕВГИЛИМ

Кўзлари киртайган, юзи заъфарон,
Сочлари паришон, тожсиз маликам,
Мен сени шу ҳолда кўрганим замон,
Бир пул бўлар кўркув, бир пул - таҳликам.

Ўзгарма, шундай тур доим тушимда,
Мен кўрқмай яшайин, мени сев, гулим -
Мана шу алфозда, шу туришингда
Менинг Ватанимсан, севгилим.

1986

ХУШЁР ДАВРАДА

Мен сизга бор гапни айтмоқ бўламан -
Буни сезиб,
Сиз бирдан хушёр тортасиз.

Бу гапни оҳиста айта бошлайман -
Уни эшигатуриб,
Яна ҳам хушёроқ тортасиз.

Ниҳоят, бу гапни айтиб бўлганда,
Менга тикиласиз,
Тикилгандай худди телбага.

Буни кўриб, худди сиз каби
Мен ҳам,
Мен ҳам хушёр тортаман дарров!
1983

ВАҚТ

«Вактинг борми?» дея илжайма,
Биласан-ку менинг вактим мўл.
Мен йўқотган вақтнинг олдида
Ҳеч нарсамас қуриб битган кўл.
Ракеталар ортидан чиқиб,
Кули кўкка совурилган пул -
Арзимас харж, озгина чиқим
Мен йўқотган вақт олдида, бил...
«Вактинг борми?» деб илжайма, хўп
Мен тайёрман, кетдик, йўл бошла -
Биласан-ку, менинг вактим кўп,
Ҳеч нарсам йўқ вақтдан бошқа.
1983

ЯРИМ ТУНДАГИ ЎЙЛАР

«Аёл қўлин олиб бўйнингдан,
Ёстиқка кўй оҳиста... Кейин
Оҳиста чиқ, унинг қўйнидан.
Оҳиста тур. Оҳиста кийин.
Хат қолдирма. Ўпма, ўғлингни.
Қарама у ётган бешикка.
Йигиштириб бору йўғингни,
Ғижирлатмай... чиқгин эшикка...»
Бу шунчаки орзунинг йўли.
Кучим етмас менинг бу ишга:
Бўйнимдаги аёлнинг қўлин
Олиб қўймоқ қийин болишга.
1983

СИР

Оғзинг қулоғингда,-
Нимани эшигди ўзи қулогинг?
Кайфиятинг яхши,
Жунбушдасан қандай хабардан?
Қачон? Қай маҳал? Эрталаб?
Тонг пайтида? Қайси соатнинг,
Қайси лахзасида? Қайси радио?
Қайси халқнинг? Қанақа Эркка
Эришганин эълон қиласа?
Оғзинг қулоғингда,
Кайфиятинг баланд -
Биз ҳам воқиф бўлайлик сирдан,
Тонггача ухламай юрайлик биз ҳам.
1983

ГУЛ

Қимтиниб,
Ютиниб,
Үзича шивирлаб, пилдираб
Кетиб борар сочи оқарган одам
Илк бор севги изхор этгани.
То у севганига етгунча,
Қуёш минг бор чиқиб, минг бора ботар.
Замин ўз ўқида айланар минг бор,
Қай бир мамлакада тугайди уруш,
Қай бир салтанатни қўлига олар
Адолатли, эркпарварпар қирол.
То у севганига етгунча,
Сочлари қораяр, қадди тикланар,
Тиззасида куч пайдо бўлар,
Қўлидаги чинигул эса...
Айтгандай, гул қани, чиннигул?
Эсдан чиқарибди... Шошилганидан...
Ортга қайтиш керак -бошқа илож йўқ.
Лекин у гулзорга етгунча,
Қуёш минг бор чиқар, минг бора ботар,
Минг бор айланар ер ўз меҳварида,
Қайсиdir қигъада бошлинар уруш,
Тахтдан ағдарилар эркпарвар қирол.
Токи у гулзорга етгунича,
Сочлари оқарап, қадди букилар -
Қимтиниб, ютиниб,
Үзича шивирлаб, пилдираб,
Кетиб борар, ана, севиб қолган чол!..

1983

РИВОЯТ ЯКУНИ

Кечир, мени қудук -
Искандалинг шохи йўқ.

Қудук, мени кечир,
Сувингдан ичир -

Икки минг йил сенга
Шивирладим пичир-пичир
Искандалинг шохи ҳақида,
Лекин аён бўлди бугун ҳақиқат:
Искандалинг шохи йўқ экан.

Кудук, мени кечир -
Шох қаерда бўлсин,
Бошнинг ўзи бўлмаса, ахир.

1983

УНУТИЛГАН ОСМОН

Бошимни қўтардим тўсатдан,
«Ялт» этиб қарадим осмонга -
«Ялт» этгандай бўлди юзимда
Бир зангори, аччиқ шапалок!

1983

АЧЧИҚМА-АЧЧИҚ

Рутубатли, қора деразаларга,
Оғир пардаларга, сүник қандилга,
Чанг босган күзгүй соchlар тикилган
Бу синиқ тароққа аччиқма-аччик.

Арвоҳдай хувиллаб турған күйлакка,
Мунчоқларга - сочилиб ётган -
Ғижимланған мактуб, ағдарилған бу
Атир шишасига аччиқма-аччик.

Сувсиз қуршаб колған манови гулға,
Ёлғизликдан күркән күрқоқ юракка,
Кадарга, кадарга аччиқма-аччик,
Бир құшиқ айтмоқчи бўламан.

Бир құшиқ айтмоқчи бўламан, лекин
Лекин құшиқлар ҳам кадарли,
Құшиқлар улардан ҳам баттар аччик!
1983

ХАЛҚ МАТАЛЛАРИГА ТАҚЛИД

Күз чиқарар бу одам қош қўяман деб,
Билмас, кеча ўзининг не еганини,
Қилич яланғочлару қуш сўяман деб,
Ташлаб қўйган устига ўз юганини.

Бол туттганнинг бармоғин яlamаса ҳам,
Унинг қуруқ қозони баъзан ёғлиқдир.
Хаётини тавонга тўламаса ҳам,
Эл қатори бу элда ипсиз боғлиқдир.
1983

СИЗДАН ФАРҚЛИ ЎЛАРОҚ

Сиздан фарқли ўлароқ ҳар хил
Йўлларин биламан овунишнинг мен.
Сиздан фарқли ўлароқ, мени
Вояга етказар етишмовчилик.
Узокда милтилаётган шамчирок – нафрат
Кўпроқ ёритади йўлимни
Мехр куёшига кўра дўстларнинг.
Агар ҳеч ким мени ерга урмаса,
Кўкка қандай сакрай олардим?
Оддий ўсимликман, хуллас:
Қанча кўп сув қўйсалар тагимга
Мен шунчалик гуллаб-яшнайман.
1983

РЎЁ

Бугун менинг уйқум бузилди, бевакт
Деворда соялар лопиллар улкан -
Кўзим қамаштириб юборар ногоҳ
Олис мингақада ёнган бир гулхан -

Чарсилааб кетади олов дамо-дам,
Зулматда чирилдоқ чириллар нолон,
Гулхан теграсида еттига одам -
Соқоллари ўсган етти қўзғолон.

Улар сухбат қуарар жимгина... аммо
Уларнинг дунёга тушгандир иши -
Гулхани кучоқлаб олгандир гўё
Чордона курган бу еттига киши.

Олов узра парвоз этар безавол,
Қанотин күйдирмай учади шу тоб
Менинг кўркувимга ўхшаган савол
Сенинг умидингга ўхшаган жавоб...

Мана, тун ҳам дарров ярмидан оғди,
Сухбат давом этар, гулхан ёшарар,
Ўйнар еттовининг юзида ёғду -
Ўт билан ўйнайди етти башара...

1983

КОР

Кор, сира тўхтама, сира тўхтама,
Кўчага чиқарма сен мени бугун -
Ўтиргаз курсига, хонага қама,
бир зум ўйламоққа айлагин ҳукм.

Тўхтама, тўхтама, тўхтамагин, кор,
Сершовқин дунёни бир зум алдаб тур.
Кўчага ҳеч кимни қўймагин бир бор,
бир зум эшикларга оқ тамғангни ур!

Деразадан сенга тикилганча жим,
Бир зум тин оларкан сенинг оқингда,
Бир зум ўйга чўмсин одамлар, бир зум
Бир зум ўзи, бир зум Ўлим ҳакида!..

1983

МЕН ДУНЁГА КЕЛДИМ

Мен дунёга келдим. Вазифам
Тошларнинг кўнглини овламоқ.
Дараҳтларга бир эрмак излаб
Овунтироқ қушларни - ишим.

Сувларда акс этиб,
Ўтин топиб бермоқ оловга.

Мудроқ томашабинлар – тоғларнинг
Кўзлари олдидан бир лавҳа каби
«Йилт» этиб ўтмоқдир менинг вазифам.

Яшайман,
Токи бу табиат
Менга қараб, сезсин доимо
Ўзининг накадар буюклигини.

1983

ТАШБЕХ

Нилуфар, шаккок гул - сувни танлаган,
Осмоннинг аксига томир ёзган гул,
Бунда мен - ягона сени англаган.
Менинг юрагимга ўхшайсан, валлоҳ.
Сен каби ер билан кўк ўртасида -
Кўксимда турибди у ҳам муаллақ!
Нилуфар! Сувдаги ойнинг қўшниси!
Менинг юрагимни кимса тушунмас,
Ҳеч ким -тушунганим каби мен сени!

1983

ХИКОЯНИНГ ДАВОМИ

Мен сенга айтгандим ўтган сафар:
Тоғлар чўкиб кетган бу ерда.
Анов дўнгликка қўмилган зафар,
Инқирознинг қабри - анов уорда.

«Шу ерда-я?», дейсан менга ишонмай,
Юзингда қалқииди шубҳа тамғаси -
Сен қанча ишонма, мен қанча тонмай,
Ха, шу ерда бўлган ҳаммаси!

Шунака. Ўйланма. Бузмагин кўнглинг,
Бу тарих ҳазили, тарих таъбири:
Шухрат қўйимгоҳи - қақраган дўнглик,
Гуллаб турган тепа -маглублик қабри.

Пойингдаги оқ суюклар, иним,
Хоразм деган бир дараҳт илдизи.
Бу ҳам пахта эмас, Мангубердининг
Ерга қулақ тушган ўлдузи...

Ишонгинг келмайди...
Арофда суқун.
Ҳаммаёқ теп-текис... Кўзинг алданар!..
Ахир, яна қандай бўлиши мумкин
Оёғи осмондан келган салтанат?!

1983

СИЗ КАБИ

Ишонингиз, сиз каби Машхур
Бир қаҳрамон бўлмоқчи эдим.
Адолат-чун курашиб мен хур
Ўлим билан ўлмоқчи эдим.

Мен ўзимни аядим бироқ -
Етти ўлчаб бир кесдим доим.
Бугун, мана, оғрир зирқираб,
Етти ўлчаб бир кесган жойим.

Чўчиб уйғонаман сахарлар,
Мен ичимга ютаман дамим:
Айғоқчидаи писиб келарлар
Ҳар бир ўлаб босган Қадамим!

1983

БИР ТОМОНДАН

Бир томондан, яхши
Бир томондан - ёмон менинг ҳаётим.

Бир томондан,
Хато қилмадим мен туғилиб,
Дунёга келганим ажиб иш бўлди.

Иккинчи томондан...
Онам эшигмасин
Эшига кўрмасин отам ҳам буни.

1983

МЕХМОНХОНАДА

Қўшним ухлаб қолди. Ётибди, анна
Фариштадай ҳалол, тоза, қирмизи -
Гўё одам ерда ҳоким, ягона,
Ҳаёт-мамотга ҳам хўжайин ўзи.

Унга қараб туриб ўйлайман бирдан:
Бу асрда Қиёмат келмайди демак,
Унинг охирида - аср тўрида
Бу одам bemalol отолса хуррак...

1983

КЕЙИН

...Кейин ер оқарди, кейин қор ёғди,
Худди соғинч каби, соғинчдай юмшоқ.
Севимли аёлнинг ёзмаган хати,
Севимли аёлнинг жимлигидай ок.

1983

НУР ИЧРА

Иккита қоронгу хона мисоли,
Кўзларимнинг ичи ёришар бирдан
Ва ял-ял нур ичра тўлгонаётган
Мен ўз иймонимни кўраман.

1983

ХАЁТ ЗАВҚИ

Хаёт,

Кўксим тўла хаётдир, қаранг.

Билмайман, мен бунга қандай эришдим.

Дорбоздай боряпман, тортилар таранг

Мен ўлим билан боғлаган ришта.

Ип узра боряпман. Яшаш қандай зўр!

Юмиб юбораман завқ-шавқдан кўзим -

Килкўприкнинг зўри бу дунёдадир,

Килкўприк - шу завқли хаётнинг ўзи!..

Қойил қараб турар дор сўнгидагим,

Ёлғиз томошибин - нуктадон ўлим.

1983

ИЛТИЖО

Кўз кўради тушганин бошга,

Деб ўзини юпатаётган

Юввошгина одамдан бошқа,

Яна кимман, мен яна кимман?

Ҳалол бўлай, деб жони ҳалақ,

Ҳар гапида мингта «мумкинми?»

Серилтифот кимсадан бўлак,

Яна кимман, мен яна кимман?

Гапир замин! Жавоб бер фалак!

Бу сизларга ялинаётган,

Ожиз, муҳтоҷ кишидан бўлак,

Яна кимман, мен яна кимман?!

1983

МАҚОЛ

Замон сенга бокмаса гар, сен ҳам бокма замонга,
Майли, яхши отинг чиқсин бир лаҳзада ёмонга!

Боқма унга, бир кун келиб оғирлашса аҳволинг,
Исбот қилгин эскирганин замон хақда мақолнинг.

Хаёти-ла ўзгартирса бир мақолни бир одам,
Бир одамнинг хаётига етиб ортар ўша ҳам.

1985

ОНАНИНГ ДЕГАНИ

Абдулҳамид Сулаймон Ҷўлтон хотирасига

Сен ҳам ўша йўлдан кетдинг-а, болам,
Қайт, дедим, қайтмадинг, энди кеч, эвоҳ -
Ром этди сени ҳам шубҳали оҳанг,
Ром этди юртидан ҳайдалган арвоҳ.

Ахир, ўша йўлдан кетдинг-ку, ахир,
Энди гуллар эмас, тикон босгайсан -
Сен ҳам арвоҳ янглиғ юргайсан факир,
Ўз тилингни сен ҳам шифтга осгайсан.

Ўшал эски йўлдан кетдинг-а болам,
Кўркмай тикилдинг-а қоронги ғорга -
Эвоҳ, бошгинангни урарсан сен ҳам
Арвоҳ бошин урган ўша деворга!..

1985

ЙИҚИЛГАННИ ТЕПМА

Амир Темур хотирасига

Йиқилганни тепма. Ҳар ҳолда, мархум...

Тўғри, у йиқилди, лекин ҳар ҳолда,

Сену менга ўхшаб йиқилмади-ку,

Ўлмади-ку балиқ қилтаноғидан.

Ўлмади у балиқ қилтаноғидан,

Унинг томоғига туғ тиқилган, бил -

Йиқилса ҳам, унинг ланг оёғига

Яловлар ўралиб, йиқилгандир ул.

1985

ТУРКИСТОН

Ҳар бир сониёда юз бор тингилган,

Юз бор сўроқланган шаппатдай диёр -

Сенми, ҳали ўша кўкка интилган,

Сенми, қоронғуда ахтарган зиё?

Фаровон хаётдан ношукур банда

Нон эмас, Эрк ҳақда куйлаган сенми -

Ёмон отли бўлиб ҳаммага бунда

Яна ҳамма ҳақда ўйлаган сенми?

Сенми, тутиб қолган Адл қамчисин,

Сенми, ҳақ жазога халақиг берган -

Сенми, нишон олган қўз ёш томчисин,

Сенми, ҳали ўша такаббур мерган?

Сенми ҳамон бўйинсинмаган бўйин,

Қақраган лабларнинг ол қаҳри - сенми?!

Куллар сахросида кўтариб куюн,

Хеч не күрмагандай, лол дахрий сенми?

Соқчи уйқуда, деб умид-ла боқкан,
Кочиши күзлаган сенми пиёда -
Бу огир занжирни шалдиратмоқقا
Журъат этган сенми жимжит дунёда?!
А-ха, сенми?!

1985

ГАРЧАНД

Йүк, одим отмасман ортиқ сиз томон,
Энди ўзга эрур мендаги ихлос.
Гарчанд, излаганим изсиздир тамом
Гарчанд, эришганим эришдир холос.

Мақтана олмайман, гарчанд, мен бунда
Лекин ҳуснбузар эмас бу - чандик.
Оқиб бораётган, гарчанд, Жайхунда
Тохирмас, ўн аср солингган сандик.

Гарчанд, мен суянган китоб – бурдадир
Ва минг тешиги бор ёпинганимнинг,
Гарчанд, эргашганим ерда -мурдадир,
Пойи ҳар ердадир топинганимнинг!

1985

ҮЙГА ВАЗИФА

Шомни ёд ол, нахорни ёд ол,
Корни ёд ол, баҳорни ёд ол.
Вакт сингари оқиб бораётган,
Ёдда турмас анхорни ёд ол.
Ёд ол, күзинг күрган не бўлса,
Ўткинчидир бу очун - ёд ол;
Токи бир кун паймонанг тўлса,
У дунёда эслаш-чун ёд ол.
У мақталган жаннати билан
Қиёслаш-чун боғларни ёд ол.
Товусларнинг товушларидан
Зерикарсан - зоғларни ёд ол.
Тўқ кунларни ёд ол, бехато
Оч кунларни ёд олгин, албат,
Зеро, очлик, очлик хам хатто,
Бу дунёning неъмати факат!

1985

РУХИНГ ТУШИБ КЕТСА

Ҳаво совуқ бўлса, қилмагин аччиқ -
Бу нафас меники эмасдир зинҳор,
Менинг зардам эмас, ахир, бу балчик,
Менинг қовоғимдан ёғмади бу кор.
Тўнграйган тошларга қоқилиб кетиб,
Жеркинма, уларни мен тўкканим йўқ.
Кўксингни тирнаса, дараҳтлар етим,
Менга қарамагин: мен экканим йўқ.
Рухинг чил-чил синса, олайтиб кўзни
Яна менга томон сочма нафратинг:
Ахир, ёзгани йўқ Рух деган сўзни
Менинг маслаҳатим билан Афлотун!
1985

ТАБИАТ МУХОФАЗАСИ ҲАҚИДА

Сенга нима бўлди, жоним, Қорақум -
Қайга гойиб бўлди буюк шамоллар,
Улуг исён қани, қани талотум,
Жайронлар қаерда, қани жалоллар?..

Бир қошиқ қонимдан кечсанг, айтаман:
Қорақум, сен - кумсан, оддий қумсан - бас!
Сени ташлаб кетди ёввойи саман,
Сени аллақачон тарк этди йўлбарс!..

Тоғларим, сизга-да бир бало бўлди,
Салобат йўқ бордош* қуришингизда,
Кўрдиму кўзимга жикқа ёш тўлди -
Тоғларим, шиддат йўқ туришингизда...

Агар шафқат қилиб ўлдирмасангиз,
Сизга ҳам чин гапни айтай шу нафас:
Бугун ҳеч ким қўркмас гулдирасангиз,
Бугун хўмрайсангиз ҳеч ким чекинмас!..

1985

* *Бордош, мордош - шевада Чордона дегани*

ДУНЁГА ҚАРАШИ

Қўлимда пиёла. Чордона қуриб,
Кутаман. Мудрайди хоргин кўзларим.
Ялқов қаҳр билан пашшани қўриб,
Кутаман. Келмади ҳали дўстларим.

Ҳали душманларим тўплангани йўқ,
Юришар узилган симларни улаб.

Хар холда, улардан менинг күнглим түк -
Пайт келса, бир-бирин топажак улар.

Пайт келса, билмайман, нега ярайман?
Күлимда пиёла. Чордона куриб,
Лоқайдлик пардаси аро қарайман:

Хали ўнгламади ўзини зўрлик,
Қанотин ёзмади ҳали ҳақорат,
Хали қиёмига етмади хўрлик.

1984

ШЕЪРИЯТ

Туроқ деб аталган tengsiz Тенглик бор,
Кофия деган бир Дўстлик бор экан.
Жаҳонда хонгахта деган Кенглик бор,
Дунёда Эрк бордир шеърият деган.

1984

ҚОРДА ЙОРАР ЭКАН...

Остонадан ҳатлаганим он,
Кор қарсилай бошлади-ку, кор!
Уч-тўрт одим отиб, ҳар томон
Аланглайман уч-тўрт бор ночор.

Аланглайман, ҳар бир қадамим
Тўрт тарафга ўқ отар "пох"- "пох" -
Гўё менмас, тутиб оламни
Келмоқдадир янги бир даҳо!

Йўқ, йўқ, дедим, оғирдир пича
Бу масъулият мен учун оғир -
Йўл четида, қор эригунча
Кутиб турай, тутингиз маъзур...
1983

ТАРКИ ОДАТ

Бу ҳаётни англасам бир кун
Ва ўлимни тушуниб етсам,
Хатто сизнинг кўнглингиз учун
Шеър ёзмайман, ёзмайман ҳеч ҳам!

Бир кун кўрсам баҳт-саодатни
Кўриб қолсам агар дафъатан,
Ташлагандай ёмон одатни
Шеър ёзишни ташларман албат!
1984

ЯНГИ ЖУМЛА АХТАРИБ

Сўзлар бири-бирига боқсин эркинроқ,
Яшасин мустақил Жумхуриятдай,
Бир-бирин тўлдирсин, бўлсин Иттифоқ,
Ҳар жойда туғилган бир хил ниятдай.

Жипслашсин, жипс этса замона зайли,
Аммо олий Белги этган ҳукм-ла
Ўргада ҳад бўлсин... Шундан сўнг, майли
Жумлаи жаҳонга айлансин жумла!
1985

ТҮЙДАГИ ЗЕРИККАН ОДАМ ТИЛИДАН ("Дружба народов" га бағылланды)

Юз ийл давомида иккита бахши
Бир-бiriғa қaраб йиpтаркан томоқ -
Үлтириб рүбару, қarama-карши,
Тишни тишга босиb юз ийл чидамоқ.

Үпмоқ афт бужмайтириб, ўлмоқ ирганиб
Каршингда ўтирган маst башарани,
Валдирамоқ мастнинг тилин ўрганиб
Шоирнинг «Дўстимга» деган шеърини.

Ниҳоят тугагач бу узоқ ўйин
Янги тантанада кўтармоқ қадаҳ:
Бошламоқ чидамнинг юз ийллик тўйин
Сабр нишонини кўкракка қадаб!

1985

ҚАҲРАТОН

Оқ рўпаги бошга танғилган,
Қимир этмай, тубанга қараб,
Фарзандлари хиёнат қилган
Она каби турар ҳар дараҳт.

Ҳар лаҳзада бир абадият -
Чўнг фожиа худди кечгандай,
Сукут ичра турар табиат
Бир даҳшатли қасам ичгандай.

1984

АМИР ТЕМУР ХАҚИДА ТОПИШМОҚ

Минг ярим йил бери Шоҳ Исқандардан,
Кўк турк Отиллодан ўн аср йироқ,
Уч аср кейин Юлий Қайса́рдан,
Маҳмуд Фазнавийдан уч юз йил берроқ,

Аммо Бонапартдан тўрт юз йил нари,
Яна ҳам нарироқ Орий Буқадан*..
Инқи́лобдан олти аср илгари,
Демак, олти юз йил биздан муқаддам!..

Чунки у Бобурга яқин жуда ҳам,
Эҳтимол, етмиш йил, етмиш ҳам чиқмас,
Улугбекка эса, шундок бир қадам -
Сарой бўсағасин ҳатлаб ўтса, бас!

1985

**Адолф Хитлер назарда тутилади*

ТАЪҚИҚ ДАРВОЗАСИ

Юмган бўлдим ёлғондан кўзимни,
Уйку дори солдим шуур оғзига.
Ва секин етаклаб бордим ўзимни
Таъқиқнинг нақшинкор дарвозасига.

Қўлим дарвозага қўйганим замон,
Ёқамдан ушлади ногаҳон ҳайрат:
Унга ташдан тамба урилган экан
Девнинг ҳассасидай баҳайбат!

Дарвоза ортида эса менингдек,
Кимдир нафас олар, кимлигин билмам...

-Нахот, тамбаланган,--дәя қотдим тек,-
Бу шүрлик дарвоза ўёғидан ҳам?!

1983

БИР ОДАМ СЕВСА, БАС

Бир одам кимнидир севаркан токи,
Бир одам севса бас, бигта одамзод -
Бутун башарият яшашга ҳақли,
Ўзини оқлайди ердаги ҳаёт.

1983

МАНЗАРА

Қор озгина ўйланиб турди,
Кейин... ёға бошлади яна.
Сўнгра тинди. Бирпас ўтириди
Қорбобога ўхшаб, жимгина.

Лекин кимдир келдио шу пайт
Қор юзига бурун ўрнатди -
Шўрлик қорнинг нафаси қайтди
Ер хидидан -нотаниш ҳиддан!

Яна бирор - кор билмас, кимдир,
Иккита кўз кўйди кўмирдан -
Қорнинг боши айланди гир-гир.
Оппоқ осмон қорайди бирдан!

1983

ҚОРОНГИДА ЁЗИЛГАН ХАТ

Сизга ўргатмоқчи эмасман ақл,
Авлодлар, чўчиманг, бу - мактуб эмас,
Шунча ийл олган хат-саводим ҳақи
Бир зум ёзувимга бош эгсангиз бас.

Устимдан кулмангиз, топаркан хато,
Яхши кўрмаяпман...
Атроф қоронғи...
Зотан, сиз томонда ҳозир отса тонг
Мен томонда қуёш ботмоқда... ахир.

Ҳеч не кўрмаяпман...
Икки сўз холос...
Сизга айтмоқчийдим... Мени кечиринг...
Хуллас... Қайтиб беринг...
илтимос...
Сиз ҳақда ёзган... кўр...
башоратларим...

1983

ЁРУҒ БЎЛДИ ОЙНИНГ ЎН БЕШИ

Ёруғ бўлди ойнинг ўн беши,
Қолган ўн беши ҳам ҳам ёруғ бўлди-ку -
Мен бир камсукум киши,
Юрагим қувончга тўлди-ку.
Эрта қувонибман, қарангки,
Мукаммал экан Оллоҳнинг иши -
Мана, ой ўн беши коронғи,
Иккиланиб турар қолган ўн беши.

1983

БАЪЗАН

Баъзан йўққа ўхшайди ўлим,
Гўё ўлмагандай ўлганлар.
Туш кўраман, тушимда йўлим
Тирик марҳумларга тўларлар.

Баъзан ҳаёт эслатар тушни,
Узун тушга ҳаёт ўхшайдир -
Юз йил ухлаётган ўтмишнинг
Тушларига ўхшар бу аср.

1983

БОШИ БЕРК КЎЧА

Йўлимни «чирт» узди ҳашаматли уй,
Қисматнинг қоп-қора болгаси мисол.
Кўча жимиб қолди, тамом бўлди қуй,
Туардим адашган бир боласимон.

Ўчди чап томонда охирги чироқ -
Чап қўлим шол бўлиб қолгандай бўлди,
Кейин ўнг ёнда ҳам зулмат тушган чоқ,
Жон кетди ўнг қўлдан - охирги қўлдан.

Чиқди қобигидан мавҳум манзара -
Тун ўзича, мен ҳам ўзимча ўжар;
Мен билан юзма-юз турар ҳансираਬ,
Параңжи ёпинган, боши берк кўча!

1984

ИЛОЖБОР ЭДИ

Түғилмаслик мумкин эди-ку,
Демак, мумкин эди ўлмаслик.
Мумкин эди, буларни мангу
Билмаслик, ҳеч қачон, билмаслик.
Түғилган кейин ҳам ҳатто,
Сенда имкон бор эди, аттанг -
Яшаш мумкин эди бехато
Кўзларингни юмиб яшасанг.
Нега очдинг қўзингни йириб?
Уйғонмаслик мумкин эди-я...
Мумкин эди, қул бўла туриб,
Кун ўтказмоқ «мен шоҳман», дея.

1983

СИЗГА ЯРАШАР

Гул ҳақда куйлашни сизга чиқарган,
Бахор истеъдоди сизда намоён,
Сизга ярашади, бокиб юқорига,
Десангиз, меники эрур шу осмон!
Ярашар, меники, десангиз ерни,
Чунки алдамайсиз шундай деганда,
Шу ер -меники, деб ёзаркан шеърни,
Шубҳага бормайсиз ҳеч қачон мендай.
Бу Ватан -меники, десангиз бирор
Одам туриб демас сизга: «Бу -ёлғон!»
Чунки ҳақиқатни айтасиз такрор,
Айтиб, мен сингари йиғламайсиз кон.

1984

ОТИМНИ БОШҚА ҚҰЯМАН

Отимни мутлақо бошқа құяман,
Буткул ўзгартаман ўз шарифимни,
Миш-миш ҳандогига бориб, құяман
Элнинг менга берган бу таърифини.
Етар. Мен ўттиз йил яшадим алдаб,
Ўттиз минг қулоқни гулдай сұлдирдим -
Мұхаммад Солихни ўттиз ёшида
Мана, құрбонликка келтирдим.
Унинг номидан мен сүрайман узр
Сизга ёлғондан дүст бўлгани учун,
Ниҳоят, ўзидан умидин узиб,
Ҳеч кимга айтмасдан ўлгани учун.
Хунини тўлайман, зарра ачинмай,
Мўминлиги учун у еган ноннинг,
Қайтариб бераман, ўттиз йил тинмай
Жилмайгани учун олган унвонни -
Ишонинг, мен агар шундай қиласасам,
Дарров ўзгартаман янги отим ҳам!

1984

ШЕЪРИЯТ САНЬАТИ

Аёллар юзидан буюк инқиlob
Сидириб ташлаган паранжиларни,
Афу этинг, ўзимча ишлатдим шу тоб -
Юпун сўзларимга кийдиридим барин.
«Шеъринг мавхум», дея қилмангиз пичинг,
Шеър нозик паранжи ичида яшар -
Уни ҳам сидириб ташламок учун
Балки лозим бўлар яна бир Ҳашар.
(Инқиlob)

1985

ҚҮРҚУВ

Қўрқаяпти.

Нари ўтири.

Юқмасин қўрқув

Ундан чиқиб сенга бу дард қилмасин хужум.

Ҳаётининг ярмин ҳозир берар эди у,

«Мен қўрқмайман», дея бир бор ҳайкирмоқ учун.

Кечир уни, ниятлари пок эди унинг,

«Тондим», длея душманига ялингунча то,

Эзгу йўлда юраклари чок эди унинг,

Қўркув деган касалликка чалингунча то...

«Ким келяпти», дея ҳайрон бўлаверма сан

Бу товушнинг нелигини ундан сўрагин:

Бу - қўкракда аланг-жаланг, зир югуратган

Юрак эрур қўрқаётган, инсон юраги!

1985

АФАНДИНИНГ МОТ БЎЛГАНИ

Кўз қисиб, илжайиб, деди: «Унгача

Ё эшак ўлади, ё подшоҳ улар»

-Хурматли Насриддин Афанди, сиз-чи,

Не бўлар ўзингиз ўлсангиз агар?

-Мен ҳаётман! -деди у парвойифалак.

-Кечирасиз... Демак, улар ҳам ҳаёт -

Улар ўлса, сизга ҳаёт не керак,

Улар ўлса, кимни қиласдингиз мот?!

1985

ЭНГ ШИРИН ЖОН

Мен ҳаётга ўчман, ҳаётга хасис -
Яратган ширин жон берибди менга,
Шу қадар ширин жон, шу қадар азиз,
курбон қилса арзир ул Яратганга!
1985

ҚУРУЛТОЙ

Тонг отар. Чимёнчол ўз чўнтағидан
Кўёшни чиқарар хўроқанд каби,
Байрамга айланар ҳаво дафъатан,
Ўзгарар бу тахир осмоннинг таъми.

Хорижий қўшиқдай янграр «Бари гал»,
Жўр бўлиб, сумалак эрийди чак-чак,
Узоқда, дунёнинг муз минбарига
Тирмашар паст буйли озгин бойчечак.
1985

САҲАРДА

Фалак виждон каби тозадир шу пайт,
Шоир хаёлидай кенгаймиш очун -
Хозир сен дунёга бор гапингни айт,
Сўзла, юрагингни лангу ланг очиб.

Гапир, дунё сенга қилгай эътибор,
У холис, шу дамда бир худо янглиф -
Хозир бир лаҳзалик марҳамати бор,
Хозир шафқати бор унинг бир тонглик.
1985

ДЕХҚОН ҚҰЛЛАРИ

Бир құлым күксимда турар мунтазам,
Бир құлым раисга саломлар берар,
Ишга шунғиб кетар қолган ўнтаси -
Қолган ўнта құлым пахтани терар.

Құлдан иборатдир менинг вужудим,
Күзим-құл, юзим-құл, оёғим ҳам-құл,
Неки туртиб чиққан бўлса ичимдан
Бари қўл, ҳаттоқи қулогим ҳам - қўл!

Тушда аён бўлди улуг бир мақсад,
Олга кетаяпман, боқмай орқамга:
Хўжалик ерига пахтани эксам,
Мен қўл экажакман ўз томорқамга!

1985

СИЧҚОН ИНИНИНГ ЯНГИ БАҲОСИ

Мени сотгин, дўстингни сот, сот оғайнингни,
Сота-сота икки мингга яқин пул тўпла,
Ва сотиб ол минг тангага сичқон инини,
Ўз номингга ўtkaz яна минг танга тўлаб!

1985

ҲАМОН

Тўдасин тарк этган бир телба қушдай,
Тилимда айланар Ҳамон деган сўз.
Гўё чўлга чиқиб кетган мажнун дарвишди,
Гўё тил бойлиги - унинг бир ўзи...

Балки, бу мажнун сўз чексизлик томон
Чекиниб, турмушни унуган ёдим -
Балки, бу хаётдан кетса-да ҳамон
Давом этаётган менинг хаётим...

1985

ҚУРЬА

Айни қиши кунларининг бирида
Яъни кирқ тўққизнинг декабрида
Мен куръа ташладим дунёга келиб.
Ерга тушгани йўқ ҳамон бу қуръа,
Турибман-ку ҳамон унга тикилиб -
Юрак така-пукка:
Чикками, пукка,
Чикками, пукка?..

1985

КЕЧИККАНЛАР

Мен ҳаётдан қолдим - кечикдим мен поездга,
Бекатда бир зум толдим, тилим айланмай сүзга.
Уфққа бир балиқ мисол шүнгиди сүнгти вагон,
Құлымда қолди патта, қолди-ку катта тугун.
Ёлғиз эмас эканман-ку , пайдо бўлди бир одам,
У ҳам мендай кечикибди - қувватланди иродам.
Дақиқа ўтар-ўтмас ҳансираган, ичиккан
Минг киши етиб келди - ҳаммаси ҳам кечиккан.
Бирпасда миллион бўлди одам сони бекатда,
Ҳар кимда миллион тугун, миллион кераксиз патта.

Халқ турибди, деярли халқ... ҳеч ким англамас лекин -
Гар кечиккан бўлса ҳамма , ким поездда кетди , ким?

1985

ИККИ ХАЙРИЯТ

Рўзғор, нонни ўйлар одам дегани,
Доим оқилона юритар фикр.
У шоир эмас-ку, ташбех егани -
Ҳаётни билади, худога шукур.
Лекин одам ростдан шоир бўлмаса,
Шоир ҳам мутлақо одам эмасдир -
Ўктоj айтганидек, бир юлдуз еса,
Унинг корни тўяр, худога шукур.
Хайриятки, шоир интилмас нонга.
Хайриятки, одам ея олмас нур -
Шундок, иккалови икки томонда
Айтурлар ягона Оллохга шукур.

1985

РУС ШОИРИГА

«Бахт йўқ бу дунёда. Эрк ва Жимлик бор»*
Шунинг ўзи бизга етади абад -
Агар, ҳақиқатан Эрк бўлса, агар,
Чиндан ҳам бор бўлса, агар, фароғат.

1984

* A.C. Пушкин шеъридан олинган сатр

ЗАКИЙ ҚУЛ

Албатта-ки, мени қўрқитар Оллоҳ
Аммо хотиржамман жаннат борасида.
Ҳаттоқи бу ерда қилганим гуноҳ
Кўрилса у дунё идорасида.

Букаман, лозим бўлса тиз букиш,
Мен мағур эмасман керак жойида -
Дунё қаршисида тиз буккан киши
Не бўпти тиз чўкса Оллоҳ пойида!

1983

ДЕНГИЗ БЎЙИДА

Ҳаво ёмон. Дам олувчиilar
Кириб кетар хоналарига.
Юз ўгириб денгиздан улар
Парда тортар ойналарига.

Ҳаво ёмон. Бемажол дайдир
Куя тушган булутлар кўкда.
Соҳилда-чи турар қандайдир

Ватанидан айрилган одам.

Мен биламан унинг кимлигин -
Яккамохов, бадавлат, нотинч -
Мен биламан, унинг жимлиги
Чидаб бўлмас соғинчдир, соғинч.

Ўша одам ҳавони бузган,
Ёмғирни ҳам чақирган ўша,
Ўша сабаб кўримсиз бизга
Бу шифобахш, жаннатий гўша!

Ахир, нима ҳаққи бор унинг?
Бу сизники, сизнинг ерингиз -
Боринг, уни хибсга олинг!..

Ё Ватанин топиб берингиз...

1983

СОҒИНЧ

Кўринмайди йўлнинг учи,
Шамоллар тинмай эсади.
Соғинмоқ фойда мен учун -
Сенга етолмаслик лаззати.

Айрилиқнинг топдим ишин,
Камон ипидай таранг-
Фақат ўша лаззат ўқ каби
Мени ушлаб турар аранг...

1983

МЕТАМОРФОЗАЛАР

1

Тилим халал берар сүрайин десам,
Учай десам, күймас икки қанотим,
Күз нури қўймайди, кўрайин десам -
Яшашга халақит берар хаётим.

2

Хатто айёрликдай жўн масалада
Одам олга кетмай, турибди ночор.
Буюк айёр бўлиш осон, аслида,
Оддий тўғри одам - энг буюк айёр.

1985

МИСОЛ

Қор -
Қишдан келтирилган бир мисол.
Қишига яна нима мисол, дейсизми?
Загча.
Қор устида қалтираб ўтирган загча.

Кадар.
Бунга ҳам мисолни ўзим айтами?
Ўзим кўрсатайми сиз муғомбирга?

Тўхтанг, нега кетяпсиз ўпкалаб?
Ана, мисол, ана –юрагингизда
Хатто пўстин аро милтиилаб турар!

1985

АЙТГАНДАЙ

Дарвоқе, сиз бунча түгрисиз,
Маккадан яқында қайтгандай?!

Айтгандай, сиз кимнинг ўғлисиз,
Кимнинг набираси, айтгандай?

Айтгандай, ҳеч уялмадингиз,
Андиша йўқ, айтгандай, сизда -
Халқ олдида, куппа-кундзузи
Миллат ҳақда гап сотдингиз-а?

Айтгандай, сиз сал такаббурсиз,
Ўзингизни камтарроқ тутинг -
Керагидан ортиқ мағрурсиз,
Ватани бор одамдай худди!

1985

ФИКР

Ярим йўлда тўхтагандай тақ
Ёхуд чўчиб уйғонган мисол,
Фикрлашдан тўхтайман ногоҳ -
Нозик ипни узаман дарҳол!

Фикр... Ундан кўрқаман баъзан.
Аммо бу ҳаётда, Худо хоҳласа,
Мен фикрдан бошқа ҳаммасин
Етказурман ниҳоясига!

1985

ТАЛАФФУЗ

(Совет Иттитифоқи раҳбари Л. Брежневнинг ўлими куни)

Турибман. Унутдим кўксимдаги юк
Тош эмас, бир ҳовуч юраклигини.
Унутдим ким эди жаҳонда буюк
Ва кимдан қўркишим кераклигини.
Кўзларим олдида туман тарқалди.
Турибман - кўрсатмас ҳеч ким йўл-йўриқ.
Ҳосилин тугатди, хувиллаб қолди
Бултур ёлғон учун "Очилган қўриқ".
Бари бир, рағбат йўқ менда ўлишга,
Талаффузи бузук келгинди сайёр -
Мен ҳар сўзим учун кулгу бўлишга,
Масхара бўлишга турибман тайёр.
1983

САҲРОДИР КЎЗИМ

Кураш -
Бу сўзнинг маъносин
Болалигим билади фақат.
Кўлларимга қарайман:
Қаламга қўниккан қўлнинг
Қаламни синдиримоққа кучи етар холос.
Ҳамма ёзганларимни йигиштириб ёқса,
Уч одамга гулхан бўлмайди.
Кураш.
Бу сўзнинг маъносини мендан сўраманг.
Мен йигламоқ истайман фақат,
Кўзим эса сахро,
Сахродир кўзим.
1984

МАХЛУҚ

У бир махлук дунё боғида
Унинг турган-бигтгани қайгу -
Кишан йўқ-ку қўл, оёғида
Аммо эркин, эркни истар у.

У бир махлук, юрган бир дайди,
Йўқ, йўқ, юрмас, кўкларда учар,
У ўзининг нафратин ейди,
У ўзининг ғазабин ичар.

Шундай махлук, унинг ёнида
Хар бир аёл кўринади тул.
«Келгинди»миш ўз ватанида,
Ўз уида «номаҳрам»миш ул...

Бас кил, махлук! Бас кил, дедим, бас!
Музламасин юзингда қаҳр -
Бу дунёда мумкин-ку яшаш,
Ватансиз хам мумкин-ку, ахир!

1985

ҚУРУҚ ТАШБЕҲЛАР *(Шонли тарихимиз ҳақида)*

...Бу сариқ сахфалар тарих аталган
Ғаройиб чинорнинг япроқлариридир.
Эгри-буғри чизик ҳаритадаги
Жаҳонгир қалбининг титроқлариридир.
Осмонни қоқ бўлган Сомон йўли ҳам
Ердаги бузилган чегара руҳи,
Кўйда тўлфонаётган улкан булутлар
Марҳум байроқларнинг мазлум арвохи...
1985

ҲАТТО

Агар бир кун менинг элангим келса,
Сенга эланмайман ҳеч қачон,
Бойлигу олтинга белангим келса,
Сенга беланмайман ҳеч қачон.

Сендан қабр сүраб, чуқур қазмасман,
Ҳаттоки ўлсам ҳам итдай дарбадар -
Йўқ, сенинг шевангда минбаъд ёзмасман,
Ҳаттоки ёзсам ҳам Душман ҳарфида!

1985

ҚЎПОЛ СЎЗ

Реализм сўзи гарчанд теран, бой,
Дагалроқ кўринар шеърий сатрда.
Лекин тирик бўлса эди Жулқунбой
Бизга уни равшан кўрсатарди.

Кўлин музга тиқиб - мағрур боши ҳам -
«Ёзмайман ҳеч қачон, ёзмайман энди!»
Дея бақираётган Усмон Носир ҳам
Бу сўзнинг нелигин англатар эди.

Реализм сўзи кўпол сўз, чиданг.
Сўз йўқ бу сўздан ҳам чуқурроқ, бойроқ -
Башарият оғзига тиқилган читдан
Тикилар дунёда энг одил байроқ!

1985

ҚУЁШ

Тунда ҳақиқатдай бекинган ўхшар,
Адолатта ўхшар тонг отаётганда,
Пешин -тик ўқылган хукмга ўхшар,
Қасосга ўхшайди ботаётганида.

1986

ТАРАҚҚИЁТ ВА МАҚОЛ

Кримлик қардошларимга

Мана, тараққиёт қүёши балқди -
Бизлар ҳар нарсага қодирмиз бу қун.
Агарда истасак, бутун бир халқни
Бошқа сайёрага күчириш мумкин.

Тараққиёт ёнида ожиздир мақол:
Эл оғзига элак топиш ҳам мумкин,
Агар биз истасак бугун, бемалол
Ойни этак билан ёпиш ҳам мумкин.

1986

РҮХ

Гарчанд жисми заиф, у курашмайды,
Ҳақиқатни яшириб, тура олар лол,
Ярадор жангчини ёвуз душмандан
Ертўлага яшириб жим турган мисол.

1986

ДЕСА ЭДИ

(85 ва 86-йилларда "пахта иии" дея бегуноҳ репрессия қилинган дөхқонлар учун ииғи)

Мана шу кетаётган одамларга қараб,
Мана шу кетаётган одамларга мен,
Мен жавоб бераман деса эди кимдир.
Мана шу кетаётган, тинмай кетаётган
Одамларга қараб, шуларга мен жавоб бераман,
Мен жавоб бераман, деса эди кимдир.
Майли, бакирмасин,
Майли ҳайқирмасин,
Майли, жар солмасин дунёга,
Майли, пичирласин,
Лоақал пичирласа эди,
Мен жавоб бераман шуларга, дея.

1986

ШУНДАЙ ВАТАНИНГ БЎЛА ТУРИБ

Шундай ватанинг бўла туриб,
Ёзасан юлдузлар ҳақида,
Чарогон кундузлар ҳақида,
Қошлари қундузлар ҳақида.
Шундай ватанинг бўла туриб,
Сен гуллар ҳақида куйлайсан.
Онангнинг ҳам кўзёшини сен
Шабнам дея ўйлайсан.
Шундай ватанинг бўла туриб,
Коинот ҳақида сўйлайсан.
Тошга уриш керак бўлган бошни
Гулчамбар учун шайлайсан.
Шундай ватанинг бўла туриб,
Курол йўқ қўлингда.
Шундай ватанинг бўла туриб,
Кўрқасан ўлимдан!

1986

СЕН КЕТГАНДА

Кетганды,
Бир аёлдай кетсанг эди,
Нозу фирок этсанг эди...
Йүк, бунақа кетмайдурсан сен,
Нозу фирок этмайдурсан сен.

Сен кетсанг боғлардай кетасан,
Вақт ўтган сари юқ солиб.
Сен худди тоглардай кетасан,
Узоклашган сари юксалиб.

Фигонсиз, фарёдсиз ва тилсиз,
Чексиз бир ватандай кетасан.

1986

ВАХИЙ

Мен бир дехқон каби экин экаман
Чимдимлаб, доналаб, секин экаман.
Одами, хайвонми, қурт-кумурсками -
Хаммасига бир хил текин экаман.

Менинг экканларим бир кун ниш уриб,
Бошини күтарса бу замин узра,
Дарёлар тошажак, тоғлар қутуриб,
Ерни тигратажак буюк зилзила!

1986

КАЛАВАНИНГ УЧИ

Ўтмишими англамоқ истаб
Китоб йиғдим ўнгу сўлимга
Ва бир куни олдим оҳиста
Калаванинг учин қўлимга.

Ип учини топган нуктадан
Чопа кетдим ўтмишга томон,
Аммо бирдан таққа тўхтадим -
Тугаб қолди ипим ногаҳон...

Тугаб қолди қўлимдаги ип,
Олдга бокдим, жимир этди жон;
Калава ўрнида бақрайиб,
Ўлтиради баҳайбат сичқон!

1986

ТАБИАТ ҲАЗИЛЛАРИ

Нишондор жангчига ўхшар олмурут.
Бойчечак - корда юрган пахтакор.
Шоирга ўхшайди каллакланган тут,
Бюро аъзосига ўхшайди чинор.

1986

КҮПНИ КҮРГАН ҚАРҒА

«Қарр», «қарр», дейсан қорда югуриб,
«Қарр», «қарр», дейсан учиб юқорига -
Күргуликни одамдан құриб,
Нечун қорни қарғайсан, қарға?!

Койил, сенга, мустаҳкам асаб,
Сени темирдан экансан, хей, қуш -
Туркистанда уч юз йил яшаб,
Үрганганинг биргина қарғиши!

«Қарр», «қарр» этма, сен ҳам бир ўйла:
Сен - ягона тарихсан шу тоб -
Үтмишдан бир ҳикоя сўйла,
Учиб юрган, хей, қора китоб!

1986

ИЖОДИЙ ЙҮЛ

Мана, шоир ётибди, мана қўли,
Шу қўл билан тинмай шеър терган.
Манави - шоирнинг ижодий йўли,
Яъни, унвонлар -
Буни халқ берган.

Ниҳоят, манави, шоирнинг тили,
Унда катта чипқон, кўринар узоқдан,
Аммо буни халқ бермаган, билинг,
Буниси - Худодан.

1986

СҮФИ

Ўз сочимдан тўқиб оламан чакмон,
Суягимдан ясайман пичоқ сопини.
Мен соямни тўшаб ухляяжакман,
Соя ухляяжак мени ёпиниб...
Юрак нима дейди, билмадим, лекин
Шахсан мен шунака яшамоқчиман.
Умримдан -бор роҳат, бор соя-салқин -
Ҳаммасини юлиб ташламоқчиман
Ва бу яратилган жазирамада
Ўткир ҳақ қуёши қолажакдир тоқ,
Токи насиб этсин менга бир марта
Умр эмас, ҳақиқат учун йиғламоқ.
1986

ТУНГИ ТИЛАК

Нотинч бўлсин тунингиз, жоним,
Тушингизга фаришта кирсин.
Ярим тунда чўчиб уйғонинг,
Хонангизда малаклар юрсин.
Мен жимгина ўтирган жойда,
Ўтирсин бир сўзамол малак
Ва бемалол хўпласин чойдан,
Сўз бошлайн парвойифалак:
- Қизча, хафа қилиб М. С.ни,
Суиистеъмол этдинг чиройни,
Ахир, юлдуз узиб берсинми?
Ахир, олиб берсинми ойни?
Мұхаббатинг сен дариг тутма,
Ерга урма унинг номусин.
Кейин айтиб қўяй, унутма:
Бизда маҳсус руйхатда М. С.!
1986

«ДЕХҚОН ҚЎЛЛАРИ» ТУРКУМИДАН

Худо қарамади менинг раъйимга
Аллакачон ўзининг муҳрини босди.
Ва ижрочи фаришта қоқ манглайимга
Лавҳи Махфуздаги қисматим ёзди.

Манглайимга бокиб уйдагилар ҳам
Ёзувни тушунмай бўлдилар сарсон.
Ниҳоят, марказдан келган бир одам
ўқиди ва деди: «Сен -пахтакорсан!»

Шу-шу олтин топган қул каби хурсанд
Юраман пахталар кўкарса гулдай.
Мен маҳзун юраман аччиқ қиши кирса,
Топган олтинини йўқотган қулдай.

Баъзан тушларимда сўкинаман бад,
Ўнгимда-чи, «тавба» дейман асосан:
Ҳар ҳолда, энг ширин таом бу - меҳнат,
Энг катта идиш бу - сабр косаси.

1986

ЎРТОҚЛИК ҲАЗИЛИ

Пахталар очилиб турса...
Дафъатан
Кулиб турган ҳаво кетса бузилиб,
Кор ёгса, бу демак, ерга нисбатан
Осмоннинг ўртоқлик ҳазили.

Чопиб раис келса, кийиб ол эгнинг,
Кор эмас, пахтадир турган осилиб,
«Териш керак» деса, бу бир ўзбекнинг

Ўзбекка ўртоқлик ҳазили.

Зўрикиб пахтадан уйганда тогни,
Марказдан келсаю кимдир сузилиб,
«Тўйга кетдик» деса, буниси согнинг
Касалга ўртоқлик ҳазили.

Тўйга келса ўзбек ва дастурхонда
Нон эмас, шиорлар турса ёзилиб
Бу ҳам бир пахтакор Ўзбекистонга
Ўртоқнинг ўртоқлик ҳазили.

1986

БОШҚА

Ўт бор, ўлан бор, майсадан гилам бор,
Май бор, палов бор, алвон ранг ялов бор,
Бахт бор, саодат бор, тўй бор, зиёфат бор,
Ҳамма нарса бор ўзбекдан бошқа.

Кари бор, картанг бор, каттаю кичик бор,
Аччиқ бор, чучук бор, ит билан кучук бор,
Курт бор, қумурсқа бор, илон бор, чаён бор,
Ҳамма нарса бор ўзбекдан бошқа.

Ўзбек қани? Ўзбек - пахтада!

1986

ТИЛЧИНИНГ ДЕГАНИ

«Эрк» сўзи

Отаси эмасмикан «эрқак» сўзининг?

Шундай бўлиши мумкин,

Фақат - ўтган замонларда.

«Эрк» сўзида, балки,

Умуман маъни йўқдир,

«Эрк» сўзи шунчаки

Ўлаётган аскарнинг бўғизидан чиқкан

«Хик» иллашдир?

Шундай бўлиши ҳам мумкин,

Фақат Афғон томонларда.

Биз учун эса,

Эринчоқ одам тўқиган сўздай туюлар у,

Шунчалар қисқа:

Эрк.

1986

СИЁХДОН БИЛАН ҚИСҚА СУҲБАТ

Бир шабада эсди боғчадан,

Эшитилди мунгли бир товуш.

Сиёҳдон «пирр» учиб токчадан

Хонтахтага кўнди мисли күш.

Хонтахтанинг нариёғидан

Менга боқиб, ютинди шўрлик.

Ютинаркан, хўл томоғида

«Култ» этди-ку бир қултум хўрлик.

-Умид билан қарама, қушчам,

Ёзолмайман, --дедим унга,-бас.
Гарчанд, менинг томоғимда жам
Бўлганлари бир қултум эмас.

Сиёҳдоним, сиёҳим, узр,
Сенга ёрдам беролмам бугун,
Турса ҳамки, Туркистон узра
Сенинг билан ёзадиган кун...

1986

ДАЛДА

Дўстим, темирдан қил энди бардошинг,
Шеъринг тушунарли, «мавхум»мас, ишон,
Бўлмагани каби мавхум кўзёши,
Бўлмагани каби мураккаб қувонч.

1986

ОРАЛИҚ

Кийинганча ўлда ва жўлда,
Сувга турган бир дехкон каби,
Ғира-шира, қатқалоқ йўлдан
Дангир-дунгир кетди ноябр.

Қарс-курс юриб келди, мана, қиш
Оҳор ёғиб ҳамма ёғидан -
Қандай завқли кўчага бокиш
Икки фасл оралиғидан!

1986

ҚАРШИМАН

Мардни номард деган мард эмас -
Хадеб айланмангиз, келинг ўртага.
Енгмоқ учун писиб қараш шарт эмас
Рақиб қўлидаги картага.

Мен сизга қаршиман, билсангиз.
Буни айтиш мумкин ҳеч иккиланмай.
Мабодо, сиз боғдан келсангиз,
Менга тоғ ёқади, тоқдан келаман.

Буни билиб қўйганингиз маъкул.
Яъни ҳайрон бўлманг менинг ҳолимга,
Тўсатдан туфласам, сиз топинган ул
сохта пайғамбарнинг ол соқолига!

1986

ЧИЗГИ

Кулди
Чиройли тишларни кўрсатиб.

Тили ҳам «йилт» этди,
Оппоқ тошлар ортида
Ётган илондек.

1986

ТЕИСТИК ШЕЪР

Ногоҳ пастга тушар булутлар,
Юрар тегай-тегай деб ерга,
Нафасидан ўчади ўтлар,
Инсоният ботади терга.

Ўпка гуё қовжираб сихда,
Кичраяди улкан юраклар,
Бир зарб билан қоқилган миҳдай
Ерга ботиб кетар тераклар.

Този итлар каби ер исказб,
Қотиб қолар булутлар бирдан,
Кейин каттиқ увлашар кўкка:
«Дин хидлари келмоқда ердан!»

1986

ТАШБЕҲСИЗ ШЕЪР

(Ёки Ленин, Сталин ва Брежнев ҳақида шеър)

Буюк одам инжик бўлади сал
Бу ҳам бир фазилат албатта:
Дунёга келар у хоҳлаган маҳал
Ва хоҳлаган жумхуриятда.

Буюк одам камтар, бунақа одам
Тугилмай ҳам турар юз йиллаб баъзан.
Тугилгудек бўлса, мабодо,
Биздан яшириниб юрар мунгазам.

Биздан беркинади, чунки буюкнинг
Таъмаси йўқ биздан тариқча.

Камтарлик ҳам юқдир, бу юкни
«Тарихий зарурат», дерди тарихчи.

Үша камтарлиги сабаб биргина,
У беркинмас бойлик, моли ортига.
У биздан инсоний беркинар,
Дейлик, ўз **соқоли** ортига.

Башарти, удумда бўлмаса соқол,
Буюкка етади оддий бир мўйлов.
Бизга шу **мўйлов** ҳам келса гар малол,
У **коши** ортига беркинар дарров.

Кошни ҳам кўп кўрса ношукур давр,
Буюк одам ҳеч буғилмайди.
Фақат камтарона қиласи сабр,
Удум эврилгунча, у тугилмайди.

1986

ЧИЛЛА ЧИҚҚАНДАН СЎНГ

Паға-паға ёғди ва оқди шир-шир,
Чилла ҳам кирди-ю чиқди бедаво.
Кирқ кунлик жаҳлдан хозир тушган бир
Одамнинг юзидаи муаллақ ҳаво.

Қор-ку гўзал эди, эриб кетди-да...
Осмон ўриб олди ўз экканини.
Бу фасл тонг чоғи, соат еттида
Бутунлай унуди қиши эканини.

1986

ОЙ ЭНГАШАР

Замин жимжит
Тұхтаб қолган юрак сингари.

Ой энгашар,
Кулогини тутар яқинроқ...

Замин жимжит.
Күз ёш каби им-илик жаҳон.

1986

БАДИЙ ЁЛГОН

Бугун ҳам шоирлар гулни булбулға
Қоғия этсалар, ишонманг: ёлғон!
Чунки бу әлатда булбуллар ўлған,
Чунки қуриб қолган гул аллақачон!

Агарда бугун ҳам шоир бемалол
Түртта гүзәл деса түртта фаслни,
Ишонманг: фасллар юзидаги ол
Гулгунлик хусн эмас, тамғаси силнинг.

Пахтани «олтин» деб кимдир бўлса ҳақ,
унга ҳам ишонманг, қалқинг оёққа -
Унинг ҳакикати ёлғондир мутлақ
Чунки ҳакикати қаршидир халққа!

1987

АФСУН

«Йўқолсин зулм!» дедик,
Зулм дарров йўқолди.
«Яшасин хуррият!» дедик,
Хуррият яшади.
«Йўқолсин бойлар!» дедик,
Йўқолди бойлар.
«Яшасин йўқсуллар!» дедик,
Яшайпти йўқсуллар.

1987

СОВЕТ КИШИСИНИНГ КУН ТАРТИБИ

Бешта кам олтида кўзим очаман,
Аросатда тураг беш лаҳза жисмим.
Соат нақ олтига урганида занг,
Оҳиста эсимга тушади исмим..
Исмни ўтказиб дарров тасдиқдан,
Янги кун хукмига этиб итоат,
Бошни кўтарганда ёстиқдан
Роса олти ярим бўлади соат.
Еттида урф ила яқдил ва яктан,
Хурмат қилган ҳолда халқ, хукуматни
Киртишлаб оламан ияқдан
Парвардигор ато этган неъматни.
Нонушта пайтида текшираман боз
Бола-чақаларнинг дунёқарашин:
Оғзимда нон билан (чунки вақт оз)
Нутқ ирод этаман худога қарши.
Саккизда кўчага чиқамиз секин,
Чорраҳада тўхтаймиз бир зумга:
Болалар-мактабга, мен-ишга, лекин

Хар бир йўл элгади порлоқ Измга.
Метрога тушаман. Одам кўп. Ийиб.
Сўзламоқ бўламан, боқмаслар ҳатто:
Бунда ҳар фуқаро манглайин уюб,
Давлат миқёсида фикр этар қаттиқ.
Мен ҳам тириштириб пешонамни тез
Сеза бошлайдирман ўзимни улкан -
Саккизу ўттизда чақнай бошлар кўз,
Таммом масъул бўлар тўққизда елкам.
Идорага кириб соат бешгача
Юрита бошлайман мустакил фикр
Бешдан олтигача, яъни кечгача
Мен чарчай бошлайман кўринмоқдан хур.
Соат нақ еттида уйга еламан,
Елкалар кичрайиб, торайиб миқёс,
Хотинга сўзлайман уч-тўрт калима,
Болаларга эса жилмаяман мос.
Соат ўнга етмай илинар кўзим.
Туш кўра бошлайман соат ўн бирда.
Кайдадир мен эски турмушни бузиб,
Инқилоб киларман халқ билан бирга.
Мен борар эмишман буюк савашга
Тагимда аргумоқ, қўлимда тизгин.
Кимсан, инқилобчи. Исмим ҳам бошқа -
Калқондай жарангдор, қиличдай кескир.
Бешта кам олтида, тугар ногоҳ жанг,
Кўзимни очаман, қалтирас жисмим -
Икки исм аро ётурман гаранг
Билмасман қай бири менинг асл исмим...
1987

ҲАЗИЛНИ ТУШУНМОҚ

«Йўлга ҳозирлик кўр, турақол», дердим.
Бизни кутиб турган бўлса эди йўл.
«Чиройли қуялагинг кийиб ол», дердим
Агар қўйлакларинг бўлганида мўл.

Ҳазилни тушунмай, жоним, агарда
«Қаерга?» десанг сен оғиз тўлдириб,
«Денгизга кетамиз!» дер эдим шартта...
Денгизни қўймасак эди ўлдириб.

«Ҳа, ҳа, денгиз ўлган. Хоҳласанг, жоним,
Тоғларга кетамиз!» дердим шу онда,
Бирор-бир заҳару закқумдан холи
Гўша бўлса эди Ўзбекистонда!

Севгилим шунда ҳам мени тушунмай
Кийина бошласанг эди тўсатдан,
«Кетдик!» дердим, босиб тишга тишимни,
«Кетдик!» дейверардим бу аросатдан!

1987

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ

Туркийда сўзлар бор, ҳанжардай ўткирдир.
Бир хато қилсанг бас, тил дарров тилинар.
Айникса, бирорвга айтмоқчи бўлсанг сир,
Айникса, ҳайқирмоқ истасанг, билинар.

Туркийда сўзлар бор, ўткирдир наизадай.
Аммо мен биламан ишимнинг кўзини:
Эрталаб тилимга, доривор майсадай,

Кўяман Englishнинг ўн-ўн беш сўзини.

Ўн-ўн беш сўз ила тузалгач бу яра,
Қайтадан тилимни найзага ташлайман.
Энг ўткир сўзларга мен уни қўярак,
Энг юмшоқ сўзларни келтира бошлайман.

Мен энди биламан, энг қадим обида -
«ЭРК» сўзи тил учун энг хавфли калима.
Ва лекин бирор сўз юмшоқлик бобида
Хеч тилда teng келмас бу туркий «ЎЛИМ»га.

1987

АДАШ ГАНЛАР ҚЎШИГИ

Биз, ахир хеч кимни ўлдирмадик-ку,
Лекин нега бизнинг қўлларимиз қон -
Гуноҳ қуши тураг бош узра мангур,
Ёнаётган авлиёдай чирпанар виждан?

Эҳтирос қамчиси остида дир-дир
Титраётган тудай, тушов оёқда,
Юришга мажбурмиз, юрмоққа мажбур,
Билмай, мағриб қайдা, машриқ қаёқда.

Бизни мувакқатлик даҳшатга солар,
Дарров зериктириб қўяр мангулик -
Ҳар кимнинг бўғзизда узун бир нола,
Ҳар кимнинг қўксизда бигтадан ўлик.

Ожиз кучли бўлиб, бир марта бошин
Мардлик кундасига қўймоқни истар,
Кучли ожиз бўлиб, тўкиб қўз ёшин,

Бир марта меҳрға тўймоқни истар.

Лекин осмон узоқ, ер эса қаттиқ
Бизлардан қарздор эмас бу олам -
Ҳақиқат юзига боқолмаймиз тик,
Аммо истамаймиз бош эгишни ҳам.

Баъзида кўкларга қараймиз ёниб,
Гўё кўқда бордай ерда йўқ нарса -
Қани, меҳр излаган шўрлик инсонни.
Инсон севмаса ҳам, бир Худо севса!

Лекин Худо севса, бўлиб овора,
Факат бир одамни севиб ўтирумас -
Ўзига яраша улгуржи севар,
Бутун бир миллатни севади у - бас.

Шунингдек, қарғаса Малик-явмиддин,
Майдакашлик килиб юрмайди асло,
Инсонни ажратмас унинг қавминдан,
Бутун бир миллатни қарғар, қарғаса.

Қарғалган миллати хўқиздай ишлаб,
Рахматнинг ўрнига эшигар миннат,
Бор-йўғини дунёнинг пойига ташлаб,
«Ўғри» деб ном олар қарғалган миллат.

Қарғалган миллатнинг келажаги тул,
Дарёлари қуриб, чирир ерлари,
Қарғалган миллатнинг болалари - кул,
Аёллари тумсо, белушт эрлари.

Қарғалган миллатнинг қозиси - фосих,
Олим - савдогар, илм сотиб яшар,
Шоирлари эса, ақлдан озиб,
Душмандан мукофот олмоққа шошар...

Қарғишиң ҳам ўзига яраша катта,
Түшса, анча жойни қамрар ҳойнахой -
Тахминан айтганда, Оролнинг сатхин
Бемалол қоплайди қарғиши тушган жой...

Оллоҳим, бу юкни соқит қил биздан
Гуноҳимиз чексиз - билсайдик зора! -
Аммо бизнинг бутун гуноҳимиздан
Сенинг марҳаматинг чексизроқ, ё Раб!

Оллоҳим, бу юкни соқит қил биздан!

1983-1987- 2003

ҚУЛАЙ МАВЖУДОТ

Узумнинг хомтогини қирқса бўлади,
Мевасини эмас.
Итнинг қулогини,
Жуда нари борса,
Думини ҳам қирқиши мумкиндир баъзан.

Лекин одамнинг-чи,
Унинг қаеридан қирқса қулайдир?
Бу ҳақда ўйлашга тўғри келади
Батафсил дўппини супага қўйиб.

Зеро, танлаш мумкин bemalol -
Қирқса бўладиган қулай жойи кўп.

1977

АФУ ЭТ МЕНИ

Тақлид этолмадим, сенга, Ватаним -
Сен каби бардошли бўлламадим ҳеч.
Сапчиб турган эсам, айбситма мени,
Афу эт, ахир, мен ўлламадим ҳеч.

Кечир сапчиб турдим оғир уятдан -
Тарихидан жудо бўлган халқ каби
Келажаги қаро инсониятдай -
Энг сўнгти лаҳзада турдим мен қалқиб!

Турдим, сапчиб турдим, ўзимга келдим,
Шаккок фарзандингни афу эт, ватан -
Гўзал кафанларни эгнимдан юлдим,
Тушдим, сакраб тушдим тилла тобутдан!..

1985

ШОИРНИНГ СЕВГИЛИСИГА ЁЗГАН ОЧИҚ ХАТИ

Мунисим, пахтадан бошингни кўтарп -
Кун ботди, келди бош кўтармоққа пайт!
Чўлни қувавериб, ўзинг ҳам, дилбар,
Чўлга қувгин бўлдинг, етар, уйга қайт.

Пахтани терасан... ватанга бериб,
Донг қотиб ухлайсан, факат ухлайсан -
Уйкунгда ётасан кучогинг кериб,
Қайси саодатни бундай йўклайсан?!

Булар кесак эмас, эмасдир харсанг,
Булар -ўғилларинг, айтаяпман-ку.
Хар бири, сен агар кўзингни очсанг,

Күзларин юммоққа тайёрдир мангу!

Жоним, ухламагин!..

Айтолмайман мен

Бундан ҳам соддароқ, бундан ҳам баттар -

Наҳот, ўз жигарим, тушунмасанг сен,

Душманлар ҳам мени тушунган пайтда?!

1985

СОЧМАЛАР

Роппа-роса минг йилдан буён

Рўза тутиб, оғиз очмаган ҳамон

Турк саркардаси -

Тиёншон.

Минг йил давомида у емаган нон,

Унинг насибаси-минг йиллик увол -

Тузга тўлиб бораётган туздон -

Орол.

Саркарданинг гўзал қизи ўтлоқда

Оқ илонни босиб, деганида «Вой!»

Чиққан товуш, кумушранг ҳалқа -

Ой!

Ўтлоққа шитирлаб сингиб бораётган,

Бебаҳт Осиёдан кочаётган мангу

Бу оқ илон, муқаддас илон -

Аму...

Яна «Вой!» дема қиз. Етар бигта Ой.

Оғзинг очма гўзал, этма овоза.

Фақат отангта айт: оғзини очсин -

Тугади рўза!

1987

МАҲАЛЛА

Замон шундай. Тиқилинч макон.
Бўйи қулай, энига кўра,
Турмуш ўсар бўйига ҳамон
Энига-чи ўсар мафкура.

Бўйидан арз этайин нега?
Басдир, эни бўлса фаровон:
Меҳмон кутиш мумкин энига
Ёзиш мумкин катта дастурхон.

Тобланади энига асаб:
Душман билан дўст бўлиш мумкин.
Умр бўйи бўйига яшаб,
Энига ҳам бир ўлиш мумкин.

Тиқилинчdir. Макон тақа-так,
Ўсиш мумкин бўйига, ҳарна.
Эни бошқа... Энига фақат
Куйлаш мумкин Байналминални.

1987

НУҚТАИ НАЗАР

Дехқон идеалистга урмайди қарсак,
Материалистга ҳам лоқайд мутлақо.
Қилаётган ишига қарасак,
Ўсиб бораётган марксист дехқон.

У - олим.
Ўз умрин хоҳлаган пайтда
Узайтира олар нақ икки ҳисса -
Яъни иш кунини саккиз соатдан
Етади ўн олти соатга чўзса

У доно файласуф, ўйласа агар,
У аниқ билади, масалан,
Силжитиб бўлмайди ўзга ерларга
Күёшнинг нуқтаи назарин.

1987

БЕЛБОҒ

Оқшом журъат этиб, бобом бисоти -
Ям-яшил белбогни хуфия олдим
Ва уни ёздиму ёзган заҳоти
Ям-яшил оловнинг ичида қолдим -

Оловнинг забтига чидамай, туйкус
Белбогни силкитган эдим, шу замон
Жаранглаб, тушди-ку ерга бир юлдуз,
Яркираб кетди-ку тунда беомон!

Лекин ёнаверди лов-лов яшил ранг,
Мен уни сўнгги бор силтдим ҳойнаҳой -
Хушдан кетаётиб кўрдим-ку аранг,
Бу сафар жаранглаб тушди яrim ой!

1985

ПАХТА ПАЙКАЛЛАРИДА

Сукутга сачради мотор товуши.
Тонгни қоплаб олди мой хиди.
Кимдир «Салом!» деди,
Сукунат
Яна бир товушга бойиди.

Оқкуш каби титраб пайкаллар
Үз тақдириң бир зум кутишди...
Сүнгра шпинделларнинг сассиқ
Кучогига кириб кетишди...
1976

ОРЗУ ФУҚАРОСИ

Гарчанд йироқ насабим-наслим,
Бу дунёдан минг-минг розиман.
Мен бу ерлик эмасман асли,
Одам Ота фуқаросиман.

Мен бу ерга келганим ҳамон
Тутқаздилар дарров қўлимга
Умр учун бир рухсатнома,
Бир йўлланма битта ўлимга.

Дунёда энг мунис аёлни
«Шул заифа онанг», дедилар.
Учкур отли, учкур хаёлли
Мард йигитни «отанг», дедилар.

Қўл чўзишиб бепоёнликка,
Дедилар: «Шул эрур ватанинг!» -
Бағрим бўлди тилка ва тилка,
Кўзимдан ёш потради менинг!

Шундай экан, недан кўрқайин,
Ҳаммаси бор, нечун ўйланай -
Рухсатнома қўлимда тайин -
Чўнтагимда эса йўлланма!

1986

Мушоҳада

Оллоҳ ризоси учун давомли рўза тутаётган бир кимса Оллоҳдан бунинг учун мукофот кутгани қизик.

Оллоҳу Таоло очликни Ўзининг бир неъмати сифатида бор килгандир.

Очлик - унинг хазинасидаги бир жавоҳир, У ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, яъни бир мукофот. Шундай экан, ўз очлиги учун Оллоҳдан мукофот кутмак мукофот учун мукофот кутгандай бир 2000 гап.

* * *

Хар сафар аксирганимда айтганим “Алҳамдулилоҳ!” ғафлат ичида ўқиганим намозлардан хайрлироқ ибодат бўлиб кўринади факирга.

1999

ҲАЛОЛ ТАОМ

Бизнинг замонда ҳалол таом ейиш мумкин эмас, дейишади ислом мутафаккирлари.

Менимча, иложини қисса булади. Оз ейиш керак, жуда оз.

Инсонни оёқда тутиб туриш учун етарли бўлган, 24 соатда бир марта ейилган таом ҳалол булиши мумкин. Яна тўғрисини Оллоҳ билади.

2003

ЎЗИМГА ҲУРМАТ

Ўзимнинг ҳурмат қилганилигининг сабаби “жуда яхши одамман” деб ўйлаганимдан эмас, балки мени яратган Оллоҳу Таолога ҳурматсизлик бўлмасин, деган кўркувдандир.

Унинг яратган маҳлукига қандай ҳурматсизлик кўрсатиш мумкин?

2004

ДИНИМИЗДА ҲАММА НАРСА БОР

Икки кунда бир марта еган одам ҳар куни егандан узокрок яшармиш.

Бу замонавий докторларнинг тасбити. Лекин бизнинг динимизда Оллоху Таоло инсон ўз ризқини еб битирмагунча ўлмаслигини билдирган. Яъни оз еган одам, дейлик, 1 йилда сяжагини 2 йилда еса, ўз умрини 1 йилга узатган бўлади. Тўғрисини Оллоҳ билади, албатта.

2005

ДУО

Оллоҳим, Бизга Ўзингта ва ота-онамга итоат ва хизмат қилишни амр этдинг.

Мен осийни мағфират айла, Оллоҳим! На Сенга қуллик қилодим, на ота-онамга хизмат!

Ота-онам вафот этди, улар олдидаги қарзим - кўксимда оғир юқ.

Ё Раббим, ортиқ Сенга қуллик қилишни мен осий бандангга насиб айла!

Бир оз умр бер, ки мен Сенинг ризонгни қозонмоқ учун солиҳ амаллар ишлашга улгурайнин.

ИншоОллоҳ таоло, балки у ҳолда ота-онам олдидаги гуноҳларимни ҳам афу этарсан, ё Рахмонир Роҳийм!

2003

* * *

Емак учун айтганим шукр, емаганим (ортиқча емак) учун айтганим шукрдан каттароқ эмас.

2004

ДУШМАНГА

Оллоҳим сени менга мени сенга мусоллот этди, қутулиш йўли - ҳар икимиз учун ҳам бигта - кибрни енгишdir.

2005

* * *

Умидим Қўркувимдан каттароқ. Қўркувимни тарбия этмоғим керак, ки у умид билан тенглашсин.

2005

ХУСНИЗОН

Хаққим бизни ҳаққа чиқарди,
Пешонамиз оққа чиқарди,
ИншоОллоҳ, сұякларимиз
Ёнмайдиган ёққа чиқарди.
ИншоОллоҳ, шундай бўлажак,
Бу сўзимга маъно тўлажак,
ИншоОллоҳ, пушаймон эмас,
Солиҳ хуснizon-ла ўлажак!

2006

ТАРЖИМА

ТУРКИЯ ИСТИҚЛОЛ МАРШИ

Мөхәмәт Оқиғ Әрсой

Кўрқма, сўнмас бу шафакларда сузган ол саңжоқ,
Сўнмасин юртимнинг устида ёнган энг сўнгти ўчок.
У маним миллатимнинг юлдузидир порляяжак,
У манимдир, у маним миллатимнингдир ҳар чоқ.

Уйма, қурбон бўлайин, қошингга эй, нозли ҳилол!
Қаҳрамон иркимга бир кул! На бу шиддат, бу жалол?
Санга бўлмас тўкилган қонларимиз сўнгра ҳалол...
Ҳакки, Ҳаққа топинган миллатимнинг истиқлол.

Ман азалдан бериидир хур яшадим, хур яшайман!
Қайси телба манга занжир уражакмиш? Ман шайман!
Кукрамиш сел кабиман, деворни йиқиб, ошаман.
Йиртаман тоғларни, ҳандакларга сифмай, тошаман.

Магрибнинг уфқини қопласа пўлат зирҳли девор,
Маним имон тўла кўксим каби сарҳадим бор.
Улусим, кўрқма! Қандай қилиб шундай бир имонни бўғар,
“Маданият!” деганинг бир тиши қолган жонивор?

Биродар! Юртимга олчоқларни йўлатма, токи,
Қолқон эт говдангни, тухтасин ҳаёсизча оқим.
Туғажактир сенга ваъд этгани кунлар Ҳақнинг...
Ким билар, балки эрта, балки эртадан-да яқин.

Босганинг ерларни “тупроқ” деярак кечма, тани:
Тушун, остида мингларча кафансиз ётганини.
Сан шахид ўғлисан, инжитма, ҳокини отангнинг:
Берма, дунёларни олсанг-да, бу жаннат ватани.

Ким бу жаннат ватанинг йўлида бўлмас-ки фидо -
Шуҳадо пишқиради тупроқни сиқсанг, шуҳадо!
Жони-жононни, бутун боримни олсин-да Худо,

Этмасин тек ватанимдан мани дунёда жудо.
Рухимнинг сендан, Илохий, шудур ёлғиз амали:
Тегмасин маъбадимнинг кўксига номаҳрам қўли.
Бу азонлар-ки шаҳодатлари - диннинг тамали,
Абадий юртимнинг устунда маним янграмали.

У замон важд ила минг сажда этар ҳатто тошим,
Ҳар жариҳамдан, Илохий, тўқилиб қонли ёшим,
Пишқирав рух-и мужаррад каби ердан лошим;
У заман юксаларак Аршга тегар балки бошим.

Ҳилпира, сан-да шафаклар каби, эй шонли ҳилол!
Бўлсин энди тўқилган қонларимнинг жами ҳалол.
Абадиян санга йўқ, ирқимга йўқ измиҳдол:
Ҳаккидир, хур яшаган байробимнинг ҳуррият;
Ҳаққи Ҳаққа топинган, миллатимнинг истиқлол!

Туркия туркчасида:

İSTİKLAL MARŞI

Korkma, sözmez bu şafaklarda yüzen al Sancak
Sönmeden yurdumun üzerinde tüten en son ocak.
O benim milletimin yıldızıdır parlayacak!
O benimdir, o benim milletimindir ancak!

Çatma, kurban olayım, çehreni ey nazlı hilal!
Kahraman ırkıma bir gül... ne bu şiddet, bu celâl?
Sana olmaz dökülen kanlarımız sonra helal.
Hakkıdır, Hakk'a tapan milletimin istiklal.

Ben ezelden beridir hür yaşadım, hür yaşarım;
Hangi çığın bana zincir vuracakmış? Şaşarım!
Kükremiş sel gibiym, bendimi çığner, aşarım.
Yırtarılm dağları, enginlere sığmam, taşarım.
Garbin âfakını sarmışsa çelik zırhlı duvar.

Benim iman dolu göğüm gibi serhaddim var.
Uluslararası korkma! Nasıl böyle bir imâni boğar,
'Medeniyet!' dediğin tek dişi kalmış canavar?

Arkadaş, yurduma alçakları uğratma sakın;
Siper et gövdeni, dursun bu hayâsizca akın.
Doğacaktır sana va'dettiği günler Hakk'ın,
Kim bilir, belki yarın, belki yarından da yakın.

Bastiğın yerleri 'toplak' diyerek geçme, tanı!
Düşün altındaki binlerce kefensiz yatanı.
Sen şehid oğlusun, incitme, yazıktr, atanı.
Verme, dünyâları alsan da bu cennet vatanı.

Kim bu cennet vatanın uğruna olmaz ki feda?
Şühedâ fişkiracak toprağı sıksan, şühedâ!
Câni, cânâni, bütün varımı alsın da Hudâ,
Etmesin tek vatanımdan beni dünyâda cüdâ.

Rûhumun senden İlâhî, şudur ancak emeli:
Değmesin ma' bedimin göğsüne nâ-mahrem eli!
Bu ezanlar-ki şehâdetleri dinin temeli-
Ebedî yurdumun üstünde benim inlemeli.

O zaman vecd ile bin secede eder -varsıa- taşım.
Her cerîhamdan, İlâhî, boşanıp kanlı yaşam;
Fişkırır rûh-ı mücerred gibi yerden na'sım;
O zaman yükselerek arşa değer belki başım!

Dalgalan sen de şafaklar gibi ey şanlı hilâl!
Olsun artık dökülen kanlarımın hepsi helâl.
Ebediyen sana yok, ırkıma yok izmihlâl;
Hakkıdır, hür yaşamış, bayrağımın hürriyet,
Hakkıdır, Hakk'a tapan milletimin istiklâl!

Mehmet Akif Ersoy

МУҲАММАД СОЛИҲ ҲАҚИДА

Абдурауф Парфи Ўзтурк, Ўзбекистон Халқ шоири:

Шеърият мұқаддас манзилларда доимо сабитdir. Шеърият боши берк күчаларни, сұңғыз масофаларни, турма панжарарапарини кесиб покиза қалбларга ета олади. Турк Дунёси XX асрда ҳам инсониятга улуг шоирларини берди. Җўлпон, Жовид, Алавий, Догларжса каби буюк шоирлар қаторида Мұҳаммад Солиҳнинг муносиб фахрли ўрни бор.

XX аср ярадор аср, яралари битмаган Вақтнинг узун ҳайқиригидир. Ёрилган яранинг тимсолларини улуг шоирлар яратади. Фожеанинг тиник қонини, ўлимнинг тирик тасвирини мен Мұҳаммад Солиҳ шеъриятида аниқ кўраман. Мұҳаммад Солиҳнинг жаҳон шеъриятида ўз Сўзи борлигидан фаҳрланаман.

Эрк сўзининг қудрати дунёни тутажсак деб ишонаман.

(“Эрк” газетаси, №1, 2000 й.)

Аҳмад Бейжон Эржилосун, Туркия Тил Академияси Президенти (хотираларидан)

1986 йилнинг сентябр ойини ҳеч унутолмайман. Минг йил аввал айролганимиз тупроқларга илк қадам босганимиз кунларни. Туркиядан ўн илм одамининг Туркистон сафарини Байналминал алтаист (туркинос)лар Конферентсияси Тошкентда бўлганди... Тошкент ва Самарқандда кечган саккиз кеча-кундузнинг ҳар бири бошқа-бошқа гўзалликлар касб этарди...

У кеча шундай бошланганди...

У кечанинг энг диққатга сазовор жумласи "Бизга туркчиликнинг Асослари керак", деган жумла эди. Боғчадан уйининг кутубхонасига чиққандик, Мұҳаммад Солиҳ биздан "Туркчиликнинг асосларини"ни сўраганди. Тўгриси, биз қулоқларимизга ишонмагандик! Сотсиалист бир ўлканинг пойтактида, ҳали темир парда дунёни иккига бўоявтмврган бир замонда биздан Зиё Кўкалти сўрашлари мумкинмиди? Ҳа, мумкин эди. Бир мард одам, бир туркчи одам биздан бу китобни сўраётган эди. Икки ой сўнгра унга бу китобни етказгандим азиз дўстим

Турсун Йилдирим воситаси ила...

Бу воқеалардан сўнг орадан йиллар ўтди. У юлдузли кеча, у нурли юзлар, ёлқинли суҳбатлар юрагимда каттая борди ва ниҳоят, 1998 йили "Гулнор" исмли бир романга айланди...

Хеч шубҳам йўқ-ки, учинчи минг йилликда турк дунёси достонигамавзу бўлажак воқеалар 19 ва 20 асрларда рўй берди. Балки, бир муддат рўй беришида давом этажакдир. Худди ер куррасини пайдо қилган магма қатламидаги маъданлар бир оташ ичида қайнаб-қўпириб, Учинчи минг йилнинг Турк дунёсини яратажакдир...

Янги минг йилликнинг магма қатлами Болқонлардан Хитойгача узанган турк жустрофиясидир. Қайнаган оловлар эса - бу жустрофияда тепган юраклардир: Исмоил Гаспиралилар, Ҳусайнзода Алилар, Зиё Кўкаллар, Абдулҳамид Сулаймон Ҷўлпонлар, Аҳмад Бойтурсунлар, Ниҳол Отсизлар, Усмон Ботирлар, Нажедот Қўчоқлар, Абулфайз Элчибейлар, Муҳаммад Солиҳлар...

(“Эрк” газетаси, №1, 2000 й.)

Темур Хўжа, Истанбул Қўч университети доценти:

Уста шоирнинг шеърияти фақат унинг ҳаёти билан чегараланиб қолмайди, балки, у мансуб бўлган миллат ҳаёти ва тақдирининг ҳам ажралмас қисмига айланади. Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Фузулий каби шоирларнинг шеърларини дунё туркларининг маънавий ҳаёти ва тақдиридан айриши мумкин эмас. 20 аср бошлирида яшаган Абдулла Тўқай шеърияти татар туркларининг, Аҳмад Жовид шеърияти озори туркларининг, Абдулҳамид Сулаймон Ҷўлтон шеърияти ўзбек туркларининг юрак сасига айлангандир бугун.

Адабий яратувчилигини узоқ йиллардан бери кузатиб келаётганим шоир Муҳаммад Солиҳ шеърияти ҳам ўзбек туркларининг бугунги босқичида ҳаётий аҳамият касб этмоқдадир...

Муҳаммад Солиҳнинг теран хаёл кучи шеърда ниҳоятда ўзига хос, янги ва ҳар кимни ҳайратга соладиган маъжозларини қаршимизга чиқаради. Бу маъжозлар фақат ҳайратга солиб қолмай, одатий замон-макон ўлчовларини янада чуқурроқ идрок

этишга йўналтирилгандир...

Муҳаммад Солиҳ 1985 ва 1992 йиллар оралигида бошқа ўзбек зиёлилари каби юрагида не бўлса, айтди. 1992 йилдан бошлиб, унга тазийклар кучайди, аввал миллат вакиллигини, сўнгра юртни бир-бир тарк этди. У ҳозир суюкли ватанидан узоқда яшаяпти, ундан олинмаган бир нарса - унинг сўзлаши қобилияти.

Агар Муҳаммад Солиҳ бошқа нарсаларни ўйласайди, балки, юртида қолиб миллат вакиллигини давом эттирас, дўстлари даврасида ўйнаб-кулиб вақт ўтказган бўларди. Аммо буни “жим туриши” эвазига қабул қўлмади, онгли равишда рад этди.

(“Эрк” газетаси, №1, 2000 й.)

Буланд Эжевит, Туркия Бош вазири:

Farбда сиёсатчи шоирларни кўп учратмайсиз, аммо Шарқда, хусусан, Турк ўлкаларида сиёсатчилар, давлат одамлари, ҳукмдорлар орасидан кўплаб буюк шоирлар етишиб чиқкан. Масалан, Усмонли подшоҳлари орасида машҳур шоирлар ҳам бор. “Хатоий” таҳаллуси билан шеърлар ёзган шоҳ Исмоил, ҳукмдор бўлиши билан бирга, айни пайтда буюк шоир ҳам эди.

Ўзбек шоири Муҳаммад Солиҳ ҳозирги замон Турк сиёсатчи шоирларининг устун ўрнагидир. У бир пайтнинг ўзида ҳам ўзбек туркларининг кўзга кўринган шоири, ҳамда Ўзбекистоннинг бош мухолифат партияси бўлган “ЭРК”нинг Раисидир.

Муҳаммад Солиҳ ўз шеърларини оғир тазийқ-таъқиблар бўлган замонларда ёзди. Совет Иттифоқи тарқаб кетган ва Ўзбекистон мустақил жумхурият деб эълон қилинган бўлишига қарамай, тазийклар ҳали ҳам давом этаёттир. Фақат уста шоирларининг “шеър тили” энг оғир тазийклар остида ҳам Эрк машъаласини баланд тутуб келаверади.

Муҳаммад Солиҳ ҳам турли гайриинсоний тузумларнинг тазийқи остида Эрк машъаласини ўз шеърлари билан ёниқ тутуб келган шоирдир. Бир сиёсатчи сифатида Муҳаммад Солиҳ ва унинг сафдошлари ҳали ҳам маълум маънода, ердан олиб, ерга урилмоқдалар. Бироқ, Муҳаммад Солиҳ бундай тазийкларга вақтида, ўз шеъри билан жавоб бериб қўйган:

“Агар ҳеч ким мени ерга урмаса,
Кўкка қандай сакрай олардим?”

Шоир сифатида у аллақачон күкка сакраб бўлган, ишонаманки, у бошлилик қилаётган эркинлик ва демократия ҳаракатининг, "ЭРК" Партиясининг күкка сакрайдиган кунлари ҳам яқиндор!

(“Agaçlar Şair Olsa”, 1987. “Ötüken” нашриёти)

Башир Айвазўғли, Туркияда чиқадиган “Замон” газетасининг мухбири:

Огочлар ҳурми? Нозим Ҳикматнинг "Бу мамлакат бизники" номли машҳур шеърининг тиллардан тушибаган мисралари шундай:

Яшамак бир огоч каби тек ва ҳур

Ва бир ўрмон каби қардоишасига:

Бу ҳасрат бизники.

Илгарироқ Ўзбек Туркларидан бўлган Муҳаммад Солиҳнинг "Огочлар шоир бўлса" номли китобини тақрор кўздан кечирдим. Советлар Бирлиги ҳали тарқалмаган, фақат чириётгани тобора чуқурроқ ҳис этила бошлаган йилларда ёзилмиши шеълардан иборат бўлган бу китобда, бўқинг, Муҳаммад Солиҳ не дейди:

Огочлар шоир бўлса, нима ҳақда ёзган бўларди?

Бир оз қушлар ҳақда,

осмон, қўёши

ва саёҳат ҳақида,

саёҳат, саёҳат, саёҳат ҳақида

тинмай ёзган бўларди!

Сизнингча, Ўзбек шоири не демак истаган?

Ёки Нозимнинг "тек ва ҳур" огочи саёҳат фикрини билмаган огочими迪?

(“Zaman” газетаси, 28 феврал, 2000 й)

Туркияда чиқадиган "САБОХ" газетаси мухбири, журналист аналитик Женгиз ЧОНДОР:

Муҳаммад Солиҳнинг исмини Советлар Иттифоқи замонида эшигтандим. Совет ҳокимиятига қарши мужсадала қилиши кераклигини кўрсатган ноёб турк шахсларидан биридир.

У советларга қарши ўз сўзини айттаётган пайтда

Ўзбекистон Компартияси бошида Ислом Каримов бўлиб, у Москванинг Тошкент бўлими сифатида меҳнат қиласарди... Раҳматли Турғут Ўзол "21 аср турк дунёсининг асридир", шиорини илк бор ўртага ташлаган лидер эди. У Ўрта Осиёниг янги мустақил бўлган турк жумхуриятларига жуда катта аҳамият берарди. Ва унинг яқинлари билади, Ўрта Осиёда Ўзол ҳазм қилолмаган бир одам бор эди.

Бугун ўша Каримов бир тарафдан коммунистик ҳийалалари билан ўз халқига тазиик ўтказар экан, иккинчи тарафдан ёлгон пропаганда билан Туркияда обруқизлантироқ истаяпти. Бу борада ҳар ерга бош суқиб, Муҳаммад Солиҳни изламоқда, уни ёлгонлар билан "террорист" деб эълон қилмоқда.

Биз иккита дўстимиз билан 1992 йилда Муҳаммад Солиҳни зиёрат қилгандик. Уянги қурилган партияси "ЭРК"нинг бошида эди. Президенттикка номзодини қўйиб, минг бир хил найранг ишлатилган бу сайловда ютқазганди...

У пайтларда Туркиянинг Ўрта Осиё сиёсатига Сулаймон Демиралниг қўли тегиб, у Озорбайжон ва Ўзбекистон коммунистлари билан қучоқлашганди. Бу минтақанинг келажагини ўйламаслик Туркиянинг расмий сиёсати ҳолига келганди.

Муҳаммад Солиҳ бир йил сўнгра Туркияда яшай бошлаганди. Бир гал мени зиёрат қилганди, бирга тушлиқ емаги еган эдик. Менинг газетачи дўстларим ёнимдаги узун бўйли муҳолифат лидерининг бир куни халқаро шахсиятга айланишини идрок этмаган бўлсалар керак...

(“САВАН” газетаси, 08. 07. 1999)

Шоир таваллудига бағишлиланган йиғилиш

Муҳаммад Солиҳининг 50 ёшига тўлиши муносабати билан Рус Пен клуби, Москва Хельсинки инсон ҳақлари Кўмитаси ва Марказий Осиёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши Жамияти бир йиғилиш ўтказдилар. Ушибу йиғилиши қатнашичилари имзолаган баёнотдан бир парчасини эътиборингизга ҳавола қиласиз:

Ўзбекистонда чиқадиган газета ва журнallар, радио ва телевидение Муҳаммад Солиҳга қарши түхмат дарёсини оқизмоқда. Корхоналар, идоралар, ўқув юртлари ва маҳаллаларда юқорининг буйруги билан "Президентимизни ҳимоя қиласиз!",

"Йўқолсин мустақиллик ва барқарорлик душманлари!" каби шиорлар остида мајслислар ўтказилди. Бу манзара бизга тоталитаризмнинг энг зулматли замонларини, Андрей Сахаров ва Александр Солженицинларни қоралаши кампанияси кунларини эслатади.

Мұхаммад Солиҳ ўзининг эллик ёшини сиёсий сурғунда, аммо ижодий гайратга тұлғыб түрган бир пайтда қаршиламақда.

Биз Мұхаммад Солиҳни бу құттуғ сана билан табриклаймиз. Унинг бош мақсади бўлмиши Ўзбекистоннинг мустабид тузумдан озодлиги рўёбга чиқишини ва мамлакатининг демократик, эркин жэмият қуриши йўлига ўтишини тилаймиз!

Имзолар:

Андрей Битов, Рус Пен Клуби президенти

Александр Ткаченко, Рус Пен Клуби бош директори

Людмила Алексеева, Халқаро Хельсинки Федератсияси президенти, Москва Хельсинки гурухи раиси

Белла Ахмадуллина, шоир

Валентин Гефтер, Инсон хукуқлари институти директори

Гавҳар Худоназарова, "Тожикистон" фонди президенти

Михаил Арутюнов, Инсон хукуқларини ҳимоя қилиш халқаро Ассамблеяси президенти

Борис Кудашкин, шоир, инсон хукуқлари ҳимоячиси

Виктор Кучериненко, "Мемориал" Жамияти Бошқарув ҳайъати аъзоси

Александр Любославский, "Защита прав и свобод человека" журнали редактори

Авди Қулиев, "Туркманистон" фонди президенти

Наталия Зимянина, "Вечерний клуб" газетаси шархловчиси

Шомил Шиабуддинов, "Ватан" партияси вакили

Виталий Пономарев, Марказий Осиёда инсон хукуқлари бўйича Информатсия марказининг ижрой директори

Абдуфаттоҳ Маннопов, Марказий Осиёда инсон хукуқларини ҳимоя қилиш Жамияти раисдоши

20 декабр, 1999 йил, Москва.

МУНДАРИЖА

| | |
|--------------------------------------|----|
| МУАЛЛИФ ҲАҚИДА | 3 |
| СҮЗБОШИ | 8 |
| ЯНГИ МАТНЛАР | 9 |
| ҒАРИБДАРАХТ | 9 |
| НА ГЎЗАЛ | 9 |
| ПРАГА ТУРМАСИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР | 10 |
| МИШ-МИШ | 10 |
| МАҲШАР КУНИДА | 11 |
| ҲАЁ | 11 |
| ҚЎРҚУВ | 11 |
| ИЛК ШЕЪРЛАР | |
| ИЛК БОР | 13 |
| ТОЛДАГИ ЁЗУВЛАР | 14 |
| ИХТИЁР | 14 |
| БАҲОР ШАМОЛИ | 15 |
| БИОЛОГИК ШЕЪР | 15 |
| АРАФА | 16 |
| ТЕРАК | 16 |
| ШОИР | 17 |
| «ГОҲ ЮРАК ОЁҚҚА БУЮРАР » | 17 |
| «СЕНИНГ ГЎЗАЛЛИГИНГ » | 17 |
| «БЕШИНЧИ ФАСЛ » КИТОБИДАН | |
| УЙГОНИШ | 18 |
| ПИЁДА ТОҒЛАР | 19 |
| ХУШБҮЙ КУНЛАР | 19 |
| КЕЧИККАН БАҲОР | 19 |
| СЕВГИДАН ҚЎРҚМАДИК | 20 |
| МЕНИНГ СҮЗИМ , СЕНИНГ ҒАЗАБИНГ | 21 |
| ҚЎКСИМДАГИ БОШ | 21 |
| МАНГУРОҚ НОМ ТОПСАНГ | 21 |
| БОЛАЛИК | 22 |
| ХАТ | 23 |
| ҲАЁЛ | 23 |
| ЁМФИР | 23 |
| ГЎЗАЛ ИЗИДАН | 24 |
| ЙЎЛ | 24 |

| | |
|----------------------------------|----|
| ОВОЗИМ | 25 |
| ЙИЛЛАР | 25 |
| АЁЛ | 26 |
| ҚАЙТИШ | 26 |
| СЕВГИНИНГ БИР СОНИЯСИ | 27 |
| АВГУСТ | 27 |
| КЕЧИККАН КАПАЛАКЛАР | 28 |
| ЭНГ СОДДА ҚҰШИҚ | 28 |
| СҮНГТИ ЛАХЗАДА | 29 |
| ФАРОФАТ | 29 |
| ШИРИН ХАЁЛ | 30 |
| СИРЛИ МАСОФА | 30 |
| ЗИЁФАТДА | 31 |
| ВУЖУДСИЗ СЕВГИ | 31 |
| ТОГДА | 32 |
| МЕН СЕНИ ИЗЛАДИМ | 32 |
| СҮНГГИ ИМКОН | 33 |
| МЕН БАХТЛИМАН | 33 |
| «ОҚ ҚҮЙЛАКЛАР » КИТОБИДАН | |
| МЕН СҮЗЛАРНИ ЕНГИБ ЯШАЙМАН | 34 |
| БАХОР ҚҰШИГИ | 35 |
| ФАСЛ | 35 |
| ОЛМА | 36 |
| ҚҰШИҚ | 36 |
| ЯЙЛОВДА | 37 |
| БЕПОЁНЛИК | 37 |
| СҮҚМОҚ | 38 |
| КУЗ | 38 |
| УХЛАЁТГАН ОТ | 39 |
| ВАҲИМА | 39 |
| ПОРТРЕТГА ЧИЗГИ | 40 |
| ФЕЪЛЛАР | 40 |
| СЎЗ ДАРДИ | 41 |
| БўШАБ ҚОЛГАН УЙ | 42 |
| УМИД | 42 |
| АГАР ОРЗУЛАРДАН ЧАРЧАСАНГ | 43 |

| | |
|--|----|
| ПОЕЗД | 43 |
| СОАТ | 44 |
| КАЛИТ | 44 |
| У БИРДАН ЎЗИНИ БАХТИЁР СЕЗДИ | 45 |
| ШЕЪР | 45 |
| ЮРАК | 46 |
| НИМА КЕРАК СЕНГА | 46 |
| КЎЗГУ ХОТИРАСИ | 47 |
| МЕН ЎЗ ЮРАГИМДАН ҲАЙРАТЛАНМАН | 47 |
| ЁЗ ОҚШОМИ | 48 |
| БОФ | 48 |
| ДЕРАЗА ОЙНАСИДАГИ ЁЗУВ | 49 |
| ОРЗУ | 49 |
| ХОТИРА | 50 |
| НИМА ҲАҚДА СЕНИНГ ЖИМЛИГИНГ | 50 |
| МЕНДАН УЗР СҮРАР ЁЗГАНИМ | 51 |
| ҲАЛИ ПАЙДО БЎЛМАГАН ЖАНУБ | 51 |
| ФАРОСАТЛИ ДАВРА | 52 |
| МУХТАРАМ ЗАВЖАМ ОЙДИНХОНИМГА | 52 |
| «ҚУДУҚДАГИ ОЙ » КИТОБИДАН | |
| БАФИШЛОВ | 53 |
| СОДДА НАСИХАТ | 54 |
| ТЕЛЕФОН | 54 |
| ҚАЛДИРФОЧ | 54 |
| ОЧИЛДИ БИР ГУЛИМ | 55 |
| АГАР КАМИНАНИНГ БОШЛАРИ | 55 |
| БИР БОР ЭКАН, БИР ЙЎҚ ЭКАН | 56 |
| АГАР | 56 |
| ТУМАН | 57 |
| ЁНГАН ОРЗУЛАР | 57 |
| МЕНИНГ ЭНАМ | 58 |
| МЕН СЕНДАН ХАТЭМОС , ХАВОТИР ОЛДИМ | 58 |
| СИРЛИ ДУНЁ | 59 |
| ЁМФИР | 59 |
| ДЎЙСЛАР , ЭЛТИБ ҚЎЙИНГМЕНИ УЙИМГА | 60 |
| ЧИРОҚЛАР ЎЗГАДИР | 60 |
| БИРИНЧИ ҚОР | 61 |

| | |
|---|----|
| «ВАЛФАЖР » КИТОБИДАН | |
| БИЗ НЕГА УЧРАШДИК | 62 |
| ҮЗИНГ ҚАРА | 63 |
| БАЛИҚЛАР БОЗОРИ | 63 |
| ҮЗИНГНИ ТУТ | 64 |
| ТОНГ МАҲАЛИ | 64 |
| ЧУМОЛИ | 64 |
| УЧАЁТГАН ҚЎЗИЧОҚ | 65 |
| БОҒДА | 65 |
| ДЎСТЛАРНИ ДИЛХАСТА ҚИЛМАСЛИК УЧУН | 66 |
| ГУВОҲНОМА | 66 |
| ПАРИШОНХОТИР ОДАМ | 67 |
| ЁЗ ТУНИ | 67 |
| ҚЎЗОЙНАК | 68 |
| ШУНЧАЛАР БАХТЛИ БЎЛАДИМИ | 68 |
| ҚИШ | 69 |
| ВАЛФАЖР | 69 |
| БАҲОРДА | 73 |
| ҮЗИМНИ АВРАЙМАН | 73 |
| ҚИСҚА КУЙ | 74 |
| СОНЕТ | 74 |
| ТУН СОАТИ | 75 |
| ТУФИЛГАН КУН | 75 |
| ТОНГ ОТМАС | 76 |
| ҚОР | 76 |
| БАҲОР | 77 |
| АЗОБ | 77 |
| ШЎРЛИК | 78 |
| ДЕКАБР | 79 |
| ОЧ БИР ЧУМЧУҚ БЎЛСАМ | 79 |
| ҮРТАДАГИ ГАП | 80 |
| ПАХТА | 80 |
| КУЛГИ ЧЕГАРАСИ | 80 |
| ҚИШКИ ТУШ | 81 |
| Сўз | 81 |
| ЁМФИР | 82 |
| ЯНА КИМ БОР ЭКАН СЕНДЕК | 82 |

| | |
|-----------------------------------|-----|
| ҚУДУҚ | 83 |
| НАРСАЛАР | 84 |
| ОДАМ ЖАМЛАБ ОЛСА ЎЗИНИ | 84 |
| ГУЛЛАРИМ ЮЛИНДИ | 85 |
| ТУШДАН СҮНГ | 85 |
| САНЬАТ | 86 |
| ШОИР | 86 |
| СҮЗЛАРНИ ЯРАТИБ | 87 |
| ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ | 87 |
| ХАЙРИЯТ | 88 |
| ЖИМЖИЛОҚ | 88 |
| ПУЛ | 89 |
| ИЗЛАШНИ СЕВАРУ | 89 |
| ТУНГИ ЁМФИР | 90 |
| ЛАЗЗАТНИНГХИЛЛАРИ | 90 |
| ШАРҚ ШОИРЛАРИ | 91 |
| СЕНГА БИР ХАЁЛИЙ ДҮСТ КЕРАК | 91 |
| МУСИЧА | 92 |
| БҮЮРТМА | 92 |
| ЗИНАПОЯ | 93 |
| ТАБИБ | 93 |
| ЁЛҒИЗ ОДИМЛАЙСАН | 94 |
| МУҲЛАТ БЕРИНГ | 94 |
| РАСМИЙ РАМЗИЙЛИК | 95 |
| ТУНГИ ЧЕГАРА | 95 |
| ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ҚАХРАМОН | 96 |
| ҚИЛИЧЛАР УЙҚУГА КЕТСА | 101 |
| КУНДУЗ | 101 |
| ҚИШ МАНЗАРАСИ | 102 |
| ВАҚТОЗ | 102 |
| МАРД ЙИГИТ | 103 |
| ЕТТИ ҚАТЛАМ | 103 |
| УНУТМА , ФАКАТ СЕН ҲУРСАН | 104 |
| МАНСУР ШЕЪРЛАР | |
| ТУРКИЙ ТИЛДА СҮЗЛАМОҚ | 105 |
| ХОРАЗМ СЕГОХИ | 105 |
| ТУН ТАШБЕҲЛАРИ | 106 |

| | |
|---------------------------------|-----|
| РАССОМ | 106 |
| ЭХТИЁТКОР ОСМОН | 106 |
| ТИЛАНЧИЛАР | 107 |
| «ОЗОДЛИК» КАРТИНАСИ | 107 |
| ЖАРДАГИ ОҚТЕРАКЛАР | 108 |
| ЙҮҚ ОДАМНИНГ ЭШИГИ | 108 |
| ГУЛТУВАК ТУРГАН ЖОЙ | 108 |
| САЙЁХАТГА БОРАДИГАН ОДАМ | 109 |
| ҮРИКЗОРДА ТАНХО | 109 |
| СЕВГИ | 109 |
| КҮНГИЛ | 110 |
| ҒАЛАТИ ОДАМ | 110 |
| ЭРТАЛАБ | 111 |
| ВАҚТ | 111 |
| БИР СҮЗ БИЛАН | 111 |
| ШОИР ХАЛҚИ | 112 |
| КРЕСЛО | 112 |
| СУРАТ | 112 |
| ЖАСОРАТНИНГ КҮЗИ | 113 |
| ЁЛФИЗ КИШИ | 113 |
| ТОҒДА | 114 |
| ҚҮРҚӨК ОДАМ | 114 |
| «ШАФФОФ УЙ » КИТОБИДАН | |
| БЕШ ЙИЛКИ | 115 |
| ГИЛАМ | 116 |
| САЙЁХГА | 116 |
| ОЛГА КЕТМОҚ | 118 |
| ФИКРИМ | 119 |
| СЕВИМЛИ АЛДОҚ | 119 |
| ҚОЧИШ | 120 |
| ҚИШ | 120 |
| ҚАЛТИСЛИК | 121 |
| УЧЛИКЛАР | 121 |
| ЮРАГИМ | 122 |
| МОДОМИКИ | 122 |
| ХАЗОНРЕЗ | 123 |
| ВЕРТЕРГА ҚҮЙИЛГАН АЙБНОМА | 123 |

| | |
|--|-----|
| МУДДАТДАН СҮНГ | 125 |
| КИТОБЛАР | 125 |
| ТАНИШУВ | 126 |
| ИЛХОМ | 126 |
| КУЗ | 126 |
| ОСМОНДАН УЗИЛГАН ТОМЧИ | 127 |
| ТИЛСИМЛАНГАН УЙ | 127 |
| ОРЗУ | 128 |
| ОЙ | 128 |
| ДУМ МОНОЛОГИ | 129 |
| МАРҲУМ БИДАН ҲЕЧ КИМ САЛОМЛАШМАЙДИ | 129 |
| ҮН БЕШ ЙИЛДАН КЕЙИН | 130 |
| АЛДОҚЧИ | 130 |
| 1. МУМКИН | 131 |
| 2. МУМКИН ЭМАС | 131 |
| ҚАРЗ | 132 |
| ГАП | 132 |
| АЯНЧ БИЛАН ҚАРАМА | 133 |
| ВОҚЕА | 133 |
| АГАР СЕВСАК | 134 |
| ОЙДИНГА | 134 |
| «ЁШЛИК» ҚАХВАХОНАСИДА | 135 |
| СЕНИНГ УЙИНГ | 135 |
| АХИР | 136 |
| ШАФФОФ УЙ | 136 |
| ҚҮРҚИНЧЛИ ТУШ | 137 |
| СОВИБ БОРАЁТГАН ҚЎЛНИ УШЛАБ | 137 |
| ҲАЙКАЛ СОЯСИДА | 138 |
| ДАХЛСИЗ ХАЁЛ | 138 |
| ЁЛҒИЗЛИКДА | 139 |
| САЙЛОВЧИ | 139 |
| ТАБИБ МАСЛАҲАТИ | 140 |
| ҚОР ЁҒАР ЭКАН | 140 |
| УЙҚУДАН ЧАРЧАГАН ҚУШЛАР | 141 |
| «ОЛИС ТАБАССУМ СОЯСИ » КИТОБИДАН | |
| МЕН БУГУН ОЙ ЧЕХРАСИН ҚЎРДИМ | 142 |
| ТОКИ ТАШҚАРИДА ҚОР ЁҒАР ЭКАН | 142 |

| | |
|------------------------------|-----|
| МЕХР | 143 |
| МУҲАББАТ | 143 |
| КУЗ | 144 |
| ТОНГИ КҮЙ | 144 |
| ТАДРИЖ | 145 |
| СҮЗ ИЗЛАЙМАН | 145 |
| ТҮЛГОНИШ | 146 |
| БАЛКИ | 146 |
| КУТАМАН | 147 |
| ҚАЙРИЛИБ ҚАРАМА | 147 |
| ЧУМЧУҚЛАР | 148 |
| ДАРАХТ ШОИР БҮЛСА | 148 |
| ТУН | 149 |
| ШОИРНИНГ МУКОФОТЛАНИШИ | 149 |
| ҲАФТА | 150 |
| УЛАРГА АЙТ, СЕВГИЛИМ | 150 |
| АЙБИМ НИМАДА | 151 |
| ЁЛФИЗ АЁЛ | 151 |
| ЯНА ХИЁБОНДА | 152 |
| ҮЛДИРИБ БҮЛМАС | 153 |
| ҮЗ УЙИНГ | 153 |
| ШИРИНСУХАН КИШИ | 154 |
| ЯНГИ ЙИЛ ОЛДИДАН | 154 |
| ВАЗНСИЗЛИК ҲОЛАТИ | 155 |
| КУЛДОНЛАР | 155 |
| ҚАҲРАМОНИМ | 156 |
| ЁМФИР | 156 |
| УСЛУБ | 156 |
| БОЛАЛАР ВА БОБОЛАР | 157 |
| АЁЛ ВА ЭРКАК | 157 |
| ҚИШКИ НОВДА | 158 |
| УРУШГА ҚАРШИ | 159 |
| ХОРИЖДА | 159 |
| АРҒАМЧИ | 160 |
| СУҲБАТ | 160 |
| ОРЗУ ҚИЛ | 161 |
| УМР ЎТИБ БОРАР | 161 |

| | |
|------------------------------------|-----|
| ХАЙРЛАШУВ | 162 |
| ҚАБРТОШДАГИ ЁЗУВ | 162 |
| ЭРТАГА | 163 |
| ГҮЁ | 163 |
| УСУЛЛАРДАН БИРИ | 164 |
| УЙФОТИНГ | 164 |
| СЕН ҒОЛИБСАН | 165 |
| АЛДАДИМ | 165 |
| КАСБИМИЗ | 166 |
| ДАРД ЧҮКҮР | 166 |
| СЕН КЕТГАНДАН СҮНГ | 167 |
| ЯШАШНИ ЎРГАТАЙ СЕНГА | 167 |
| ОБРҮДАРАХТИ | 168 |
| ҲАЛИ | 168 |
| ҚИРҚ ЁШ | 169 |
| АЙЁРЛИК | 169 |
| ВАЪДА | 170 |
| ВАҚТ | 170 |
| ГАРЧИ У ҚУШ ЭМАС | 171 |
| ЎРИК ДАНАГИНИ ТОМОША ҚИЛИБ | 171 |
| ОҚ | 171 |
| ОНА БИЛАНХАЙРЛАШУВ | 172 |
| ЎЗИ БОР | 172 |
| КҮНИКИШ | 172 |
| УМРИМ БҮШЛИҚЛАРИДА | 173 |
| ХАЁЛ | 173 |
| ДАРАХТ | 174 |
| БИЗНИНГ ЕРИМИЗ | 174 |
| ЖУДОЛИК | 175 |
| БАРИ БИР | 175 |
| ТАХРИР | 175 |
| ЭРТАГА ҲАМ | 176 |
| СОВУК КЕЧА КАБИ | 177 |
| БОРГАН САРИ | 177 |
| ТАРАЛАДИ СИЁХНИНГИСИ | 178 |
| МАЁҚ | 178 |
| МЕН ҲЕЧ КИМГА БҮЙИНСУНМАСМАН | 179 |

| | |
|----------------------------------|-----|
| УЧОҚДА | 179 |
| ХУШЁРЛИК | 180 |
| МҮЙЖИЗА ЮЗ БЕРСА | 181 |
| АЁЛУ ЭРКАК КҮЙ ИЗМИДА | 181 |
| БИР УХЛАБ ТУРСАНГ, БАС | 182 |
| ЁМОН СЕЗЯПМАН ЎЗИМНИ | 183 |
| СЕНЕКА | 183 |
| НОГАҲОН БИР МОВИЙ РУҲ ИНАР | 184 |
| ШУ СЎЗ УЧУН | 184 |
| ДАРВИШ | 185 |
| ЭРКАК | 185 |
| ЧҮЛИ ИРОҚ | 186 |
| МЕН ЎПМАГАН ҚҮЛ | 186 |
| ҲАММАСИНИ КҮРИБ | 187 |
| БАЙРАМ | 187 |
| ТУШ | 188 |
| ТУТУН | 189 |
| ИШГА КЕЧИККАНДА | 190 |
| ОШИҚ | 190 |
| ПОРТРЕТ | 191 |
| ЖАҒ | 191 |
| ИТ | 192 |
| ТОНГ | 192 |
| БУ ЕРДА | 193 |
| ОЙДИНЛИК САРИ | 193 |
| СИЛЛОГИЗМ | 194 |
| МЕНГА БИР ҚАРА | 194 |
| СОВУҚ КУН | 195 |
| ДЕМАК | 195 |
| УМР | 195 |
| МАН ЭТИЛГАН САВОЛ | 196 |
| ЯНА | 196 |
| БИР ТУЙФУ | 197 |
| МАҚТОВ | 197 |
| СЕН БОРСАН | 198 |
| ТОКИ | 198 |
| ҚУШ БИЛАН СУҲБАТ | 199 |

| | |
|--------------------------------|-----|
| СУКУНАТ | 199 |
| ҲАММАСИ ЁДИМДА | 200 |
| СЕВГИЛИМ | 200 |
| ҲУШЁР ДАВРАДА | 201 |
| ВАҚТ | 201 |
| ЯРИМ ТҮНДАГИ ЎЙЛАР | 202 |
| СИР | 202 |
| ГУЛ | 203 |
| РИВОЯТЯКУНИ | 204 |
| УНУТИЛГАН ОСМОН | 204 |
| АЧЧИҚМА-АЧЧИҚ | 205 |
| СИЗДАН ФАРҚЛИ ЎЛАРОҚ | 206 |
| РҮЁ | 206 |
| ҚОР | 207 |
| МЕН ДУНЁГА КЕЛДИМ | 208 |
| ТАШБЕХ | 208 |
| ҲИКОЯНИНГ ДАВОМИ | 209 |
| СИЗ КАБИ | 210 |
| БИР ТОМОНДАН | 210 |
| МЕҲМОНХОНАДА | 211 |
| КЕЙИН | 211 |
| НУР ИЧРА | 211 |
| ҲАЁТ ЗАВҚИ | 212 |
| ИЛТИЖО | 212 |
| МАҚОЛ | 213 |
| ОНАНИНГ ДЕГАНИ | 213 |
| ЙИҚИЛГАННИ ТЕПМА | 214 |
| ТУРКИСТОН | 214 |
| ГАРЧАНД | 215 |
| ЎЙГА ВАЗИФА | 216 |
| РУҲИНГ ТУШИБ КЕТСА | 216 |
| ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ҲАҚИДА | 217 |
| ЎЗБЕКНИНГ ДУНЁГА ҚАРАШИ | 217 |
| ШЕЪРИЯТ | 218 |
| ҚОРДА ЮРАР ЭКАН | 218 |
| ТАРКИ ОДАТ | 219 |
| ЯНГИ ЖУМЛА АХТАРИБ | 219 |

| | |
|-------------------------------------|-----|
| ТҮЙДАГИ ЗЕРИККАН ОДАМ ТИЛИДАН | 220 |
| ҚАХРАТОН | 220 |
| АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ТОПИШМОҚ | 221 |
| ТАЪҚИҚ ДАРВОЗАСИ | 221 |
| БИР ОДАМ СЕВСА, БАС | 222 |
| МАНЗАРА | 222 |
| ҚОРОНГИДА ЁЗИЛГАН ХАТ | 223 |
| ЁРУФ БҮЛДИ ОЙНИНГ ЎН БЕШИ | 223 |
| БАЪЗАН | 224 |
| БОШИ БЕРК КҮЧА | 224 |
| ИЛОЖ БОР ЭДИ | 225 |
| СИЗГА ЯРАШАР | 225 |
| ОТИМНИ БОШҚА ҚЎЯМАН | 226 |
| ШЕЪР САНЪАТИ | 226 |
| ҚЎРҚУВ | 227 |
| АФАНДИННИНГ МОТ БҮЛГАНИ | 227 |
| ЭНГ ШИРИНЖОН | 228 |
| ҚУРУЛТОЙ | 228 |
| САҲАРДА | 228 |
| ДЕҲҚОН ҚЎЛЛАРИ | 229 |
| СИЧҚОН ИНИНИНГ ЯНГИ БАҲОСИ | 229 |
| ҲАМОН | 230 |
| ҚУРЪА | 230 |
| КЕЧИККАНЛАР | 231 |
| ИККИ ХАЙРИЯТ | 231 |
| РУСШОИРИГА | 232 |
| ЗАКИЙ ОДАМ | 232 |
| ДЕНГИЗ БҮЙИДА | 232 |
| СОФИНЧ | 233 |
| МЕТАМОРФОЗАЛАР | 234 |
| МИСОЛ | 234 |
| АЙТГАНДАЙ | 235 |
| ФИКР | 235 |
| ТАЛАФФУЗ | 236 |
| САҲРОДИР ҚЎЗИМ | 236 |
| МАХЛУҚ | 237 |
| ҚУРУҚ ТАШБЕХЛАР | 237 |

| | |
|--|-----|
| ХАТТО | 238 |
| ҚҮПОЛ СҮЗ | 238 |
| ҚУЁШ | 239 |
| ТАРАҚҚИЁТ ВА МАҚОЛ | 239 |
| РУҲ | 239 |
| ДЕСА ЭДИ | 240 |
| ШУНДАЙ ВАТАНИНГ БҮЛА ТУРИБ | 240 |
| СЕН КЕТГАНДА | 241 |
| ВАҲИЙ | 241 |
| КАЛАВАНИНГ УЧИ | 242 |
| ТАБИАТ ҲАЗИЛЛАРИ | 242 |
| КҮПНИ КҮРГАН ҚАРҒА | 243 |
| ИЖОДИЙ ЙЎЛ | 243 |
| СЎФИ | 244 |
| ТУНГИ ТИЛАК | 244 |
| “ДЕҲҚОН ҚЎЛЛАРИ” ТУРКУМИДАН | 245 |
| ЎРТОҚЛИК ҲАЗИЛИ | 245 |
| БОШҚА | 246 |
| ТИЛЧИННИНГДЕГАНИ | 247 |
| СИЁҲДОН БИЛАН СУҲБАТ | 247 |
| ДАЛДА | 248 |
| ОРАЛИҚ | 248 |
| ҚАРШИМАН | 249 |
| ЧИЗГИ | 249 |
| ТЕИСТИК ШЕЪР | 250 |
| ТАШБЕҲСИЗ ШЕЪР | 250 |
| ЧИЛЛА ЧИҚҚАНДАН СҮНГ | 251 |
| ОЙ ЭНГАШАР | 252 |
| БАДИЙ ЁЛГОН | 252 |
| АФСУН | 253 |
| КУН ТАРТИБИМ | 253 |
| ҲАЗИЛНИ ТУШУНМОҚ | 255 |
| ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ | 255 |
| АДАШГАНЛАР ҚЎШИФИ | 256 |
| ҚУЛАЙ МАВЖУДОТ | 258 |
| АФУ ЭТ МЕНИ | 259 |
| ШОИРНИНГ СЕВГИЛИСИГА ЁЗГАН ОЧИҚ ХАТИ | 259 |

| | |
|---------------------------------|-----|
| СОЧМАЛАР | 260 |
| МАҲАЛЛА | 261 |
| НУҚТАИ НАЗАР | 261 |
| БЕЛБОҒ | 262 |
| ПАХТА ПАЙКАЛЛАРИДА | 262 |
| ОРЗУ ФУҚАРОСИ | 263 |
| МУШОҲАДА | |
| АЛЛОҲ РОЗИЛИГИ УЧУН | 264 |
| ҲАР САФАР | 264 |
| ҲАЛОЛ ТАОМ | 264 |
| ЎЗИМГА ҲУРМАТ | 264 |
| ДИНИМИЗДА ҲАММА НАРСА БОР | 265 |
| ДУО | 265 |
| ШУКР | 265 |
| ДУШМАНГА | 265 |
| УМИДИМ | 266 |
| ҲУСНИЗОН | 266 |
| ТАРЖИМА | |
| ИСТИҚЛОЛ МАРШИ | 267 |
| М. СОЛИҲҲАҚИДА | 270 |

В А Л – Ф А Ж Р

(Шеърлар)

Мұхаммад Солих

VEL-FECİR

(Şiirler)

Muhammed Salih

Түпловчи: Пирмуҳаммад Ҳолмуҳаммад
Hazırlayan: Pirmuhamed Halmuhammed

Мұхаррир: Камолиддин Йўлдош
Muhabbir: Kemaleddin Yoldaş

Тираж: 500 дона

Tıraj: 500 adet

ISBN: 978-605-62880-7-4

Baskı: İhlas Gazetecilik A.Ş.

Merkez Mahallesi, 29 Ekim Caddesi, İhlas Plaza No: 11A/41
Yenibosna – Bahçelievler / İstanbul
Tel: +90 212 454 3000